


R 496

2016/2

# GULISTON

388  
22



“Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш  
демакдир. Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш  
демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур  
илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, кудратимизга  
аъсосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни  
муштахкамлаш демакдир”.

Ислом Каримов





# GULISTON

ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-badiiy, madaniy-ma'rifiy jurnal

Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

**Muassis:**

O'zbekiston Respublikasi  
Madaniyat va sport  
ishlari vazirligi

**Bosh muharrir:**

Minhojiddin MIRZO

**Jamoatchilik kengashi:**

Muhammad ALI

Suyima G'ANIYEVA

Fotih JALOLOV

Shuhrat SIROJIDDINOV

Akmal NUR

Baxtiyor SAYFULLAYEV

Adhambek ALIMBEKOV

Isajon SULTON

Nurbboy JABBOROV

Abduvahob NURMATOV

Fatxulla MA'SUDOVI

**Tahririyat:**

**Bosh muharrir o'rinbosari:**

Temur A'ZAM

**mas'ul kotib:**

Komil JONTOYEV

**fotomuxbir:**

Mashrab NURINBOYEV

**sahifalash va dizayn:**

Nigina QODIROVA

**navbatchi muharrir:**

Shermurod SUBHON

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz



Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

**USHBU SONDA:**

*Ubaydulla UVATOV*  
*«Ulug' saltanat» tarixiy*  
*epopeyasiga bir nazar*

*Abdulla ORIPOV*  
*Sendan o'zga qiblam yo'qdir,*  
*olamda, bilgil...*

*Hamid UBAYDULLOH*  
*Sozdan so'z istadim...*

*Normurod NORQOBILOV*  
*Vaqt*

*Shuhrat JABBOROV*  
*Baxtli yashash — hayotimiz*  
*mazmuni*

*Hamidulla AKBAROV*  
*Durdona qomusi*

*Farida AFRO'Z*  
*Men shunchalar baxtliman...*

*I Mi E*  
*Onamning kosasi*

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008-yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. «Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x841/8. Buyurtma№ 16-290. Adadi: 2250 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq.

Bosmaxonaga 12.04.2016-yilda topshirildi. Bosishga 14.04.2016-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 42-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 30.



## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, гул-чечаклар очилиб, атроф яшил либосга бурканиб бораётган шу кунларда яшариш ва янгиланиш фасли бўлмиш Наврўзи олам юртимизга кириб келиши билан сиз, азизларни, сизларнинг тим-солингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва самимий тилакларимни изҳор этиш – мен учун катта бахтдир.

Наврўзи олам барчамиз учун неча минг йиллик тарихга эга, илдизлари «Авесто» даврида пайдо бўлган, қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан йироқ, кеча ва кундуз тенг келадиган шарқона янги йил бўлиб, эл-юртимиз табиатига, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетган энг севимли, энг гўзал баҳор байрамидир.

Айни шу бетакрор ва дилбар фаслда кўклам нафаси ва майин шабадалар кириб келиши, куртакларнинг очилиши билан инсон вужудига баҳор нашидаси югургандек бўлади. Барчамиз ўзимизни яшариб кетгандек, куч-қувват, ғайрат ва шижоатга тўлгандек сезамиз, ўзимизни табиатнинг узвий ва ажралмас қисми деб ҳис қиламиз.

Айни шу файзли, шодиёна дамларда юртимизнинг барча гўшаларида, қир-адирлар, боғу роғларда юртдошларимиз сумалак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, бу баҳор неъматларини ўз оиласи, яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай хурсандчилик ва сайил-томошаларни кўпчилик хонадон ва маҳаллаларда, марказда, узоқ ва чекка қишлоқларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Аҳолимиз, қайси миллат ва элат вакили бўлишидан қатъи назар, байрамона кайфиятга берилиб, бу ажойиб айёмни катта шоду хуррамлик билан ўтказди, бундай дамларда нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам қутлаб, бағрига босиб, соғлик, бахту саодат ва омад тилаши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, десам, ҳақиқатни айтган бўлман.

Мен ҳам айни шу дақиқалардан фойдаланиб, мана шу муаззам ва

гўзал майдонда тўпланган сиз, азизларга, бутун халқимизга қарата Алишер Навоий бобомизнинг табаррук сўзлари билан айтмоқчиман: «Барчангизга Наврўз байрами муборак бўлсин, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!» деган самимий тилаklarимни, меҳр-иззатимни қабул қилишингизни сўрайман.

Қадрли дўстлар!

Наврўзнинг ўлмас руҳи ва қадриятлари авлодлардан-авлодларга безавол ўтиб келмоқда, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, бу ғоя ва одатлар бугунги кунларда ҳам халқимизнинг онгу тафаккурида чуқур из қолдириб, кучайиб бормоқда.

Шу ўринда баъзи бир мисолларни олиб келмоқчиман.

Неча минг йиллик тарихимиздан маълум: Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар, гина ва аразлар унутилиб, одамлар, миллат ва элатлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Шу борада бир фараз қилайлик: агарки, бугунги кунда халқаро майдонда тобора авжига чиқаётган кескинлашув, можаро ва қарама-қаршиликларни, ҳали-бери давом этаётган қон тўкишларнинг олдини олиш, пайдо бўлаётган муаммоларни фақатгина тинчлик ва сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишга қайтсак, халқимиз ибораси билан айтганда, олам гулистон бўларди.

Ишончим комил, агарки шу кунларда кўпни кўрган, қанча-қанча синовларни бошидан кечирган, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагининг тўрида сақлаб келадиган, меҳр-оқибатли халқимиздан, шарқона янги йил кириб келиши арафасида туриб, янги йилда сизнинг энг эзгу ниятларингиз нималардан иборат, деб сўраса, халқимиз, ҳеч иккиланмасдан, бизга тинчлик ва омонлик керак, деб жавоб бериши муқаррар.

Бундай яқдилликнинг сабаби ва илдишларини аввало бизнинг қадимий тарихимиз, кўп қиррали буюк маданиятимизда, умумбашарий тараққиётга ўчмас ҳисса қўшган улуғ олим ва мутафаккирларимиз қолдирган бебаҳо меросда, она юртимиз кўп замонлар давомида билим, маънавият ва маърифат маркази бўлиб келганида кўриш даркор.

Бунинг устига, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган олижаноблик, бағрикенглик, одамийлик ва меҳрибонлик, муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлаш, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш каби савоб ишларни бажо келтиришда бундай хусусият ва аломатлар аҳолимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетгани ҳеч кимга сир эмас.

Буларнинг барчаси асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб, бойитилиб, охир-оқибатда эзгу инсоний тушунчаларга айланиб, халқимизнинг маънавий ва амалий дунёқараши учун мустаҳкам пойдевор бўлган.

Табиийки, бундай олижаноб, ноёб хусусият ва фазилатларга эга бўлган, пок орзу-интилишлар билан яшаётган, ўзи учун тинчлик ва омонликни, мусаффо осмонни истайдиган халқимиз, ҳеч шубҳасиз, яқин ва узоқ қўшнилари билан ўз муносабатларини ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатлик, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш асосида қуради. Ва юртимизни, аҳолимизни ҳар қандай бало-қазолардан омон сақлашни ўзининг устувор вазифаси деб билади.

Мана шундай қувончли дамларда бугун бизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча муҳтарам меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан Наврўз байрами билан қутлашга, уларга қизгин ҳурмат ва саломимизни йўллашга руҳсат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун мана шу файзли майдонда жамулжам бўлган сиз, азизларни қутлаб, сизларнинг тимсолингизда аввало Ўзбекистонимизни янада обод ва фаровон қилиш йўлида ўзининг мардона меҳнати ва матонати билан улкан ҳисса қўшаётган, эришаётган ютуқ ва марралари билан барчани қойил қолдираётган, ёвуз кучларга бош эгмайдиган, ўз қадр-қимматини, мустақиллигини юксак баҳолайдиган, бағрикенг халқимизни кўраман. Ва шу юксак минбардан туриб, шундай олижаноб фазилатлар соҳиби бўлган халқимиз олдида таъзим қиламан.

Бизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: бошимиздан кечириётган, шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр барчамизнинг, биринчи навбатда, сиз, азиз фарзандларимизнинг олдида замонавий билим ва касб-хунарларни, интеллектуал бойликларни чуқур эгаллаш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётимизни янгилаш, модернизация ва диверсификация қилиш, буларни тараққиётимизнинг локомотивига айлантириш каби вазифаларни қўймоқда.

Айни шу улкан долзарб мақсадларга эришиш йўлида сиз, азизларнинг халқимиз, Ватанимизнинг ишончини оқлашга қодир эканингизга ишонаман ва барчангизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Мана шу нурафшон ва гўзал айёмда барчангизни кириб келаётган Наврўз байрами билан яна бир бор чин юракдан табриклайман.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳру оқибат, бахту саодат, қут-барака олиб келсин!

Барча-барча орзу-ниятларимиз ушалсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

## «Bahoring muborak bo'lsin ushbu dam, Mening O'zbekiston – dilbar Vatanim!»

Шарқда азалдан янги йилнинг бошланиши, меҳр-оқибат, яшариш ва янгиланиш байрами сифатида эъзозланиб, ҳамжихатлик, мурувват, саховат, тинчлик, бағрикенглик каби олижаноб ният ва туйғуларни ўзида мужассам этиб келган баҳор айёми мамлакатимизда ўзгача шуқу билан нишонланади. Муҳтарам Юртбошимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида таъкидлаб ўтганидек, «Наврўзи олам барчамиз учун неча минг йиллик тарихга эга, илдизлари «Авесто» даврида пайдо бўлган, қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан йироқ, кеча ва кундуз тенг келадиган шарқона янги йил бўлиб, эл-юртимиз табиати, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетган энг севимли, энг гўзал баҳор байрамидир».

Ҳар бир фасл ўзгача хислат ва фазилатларга эга. Фаслларга хос ўзгаришлар, янгиланишлар инсон онги ва қалбига ҳам таъсир кўрсатади. Айниқса, баҳорнинг ўхшаши йўқ. Уйғонаётган табиат ва ер, тенгсиз ифор таратаётган жаннатмакон боғлар, ям-яшил қиру адирлар, поёнсиз қизғалдоқзорлардан тортиб, ариқлар лабида юзини тонги сувларга чайётган ялпизларгача дилларга ўзгача бир қувонч, ўзгача бир кайфият олиб киради. Кўз ўнгимизда ҳаётнинг энг гўзал манзаралари намоён бўлади. Таъбир жоиз бўлса, тириклик деб аталмиш бу ҳаётнинг нақадар тотли, нақадар бетакрорлигини айнан мана шу кўкдам чоғи англаб етадигандаймиз. Дов-дарахтлар билан бирга гўё кўнгиллар ҳам гулга киради. Эрта тонгдан ҳаёт васфини куйлаётган қушлар чуғурига ҳамоҳанг диллар ёруғ орзулар билан шукроналик сатрларини битади:

Қизғалдоқлар йиғламанг, кулинг,  
Наҳот сизни пайқамай кетсам.  
Йўқ, тупроқ ҳам кечирмас асло,  
Баҳорларда гулламай ўтсам...

Баҳорий кайфият, азалий қадриятларни ўзида мужассам этган севимли байрамимиз – Наврўз шодиёналари билан кўнгилларга эзгулик, ўзгача жўшқинлик оқиб киради.

Янги кун! Ҳа, бу Ватанимизнинг янада обод, халқимизнинг янада тинч ва фаровон бўлиши учун мардона меҳнат қилаётган, улуғ ишларга қодир, ҳамияти баланд, истиқлолини кўз қорачиғидай асрайдиган юртдошларимиз, ўсиб кела-

ётган баркамол ўғил-қизларимиз орзу-умидларига, юксак мақсадлар йўлидаги интилишларига куч-қувват, қанот бахш этадиган қутлуғ кундир. Бу бободеҳқонлар ризқ-рўз тилаб ерга сочаётган уруғларга барака ато этадиган, она диёримизда амалга оширилаётган беқиёс бунёдкорлик ишларига бардавонлик ато этадиган янги кундир. Бу шарқона янги йил остонасида туриб миллионлаб қалблардан кўкка учаётган эзгу дуолар, хайрли ниятлар ижобати бошланажак улуғ айёмдир!

Баҳор гўё қалбларни янгилайди. Ҳар бир қалбда бойчечаклар янглиғ янги орзу ниятлар ниш уриб чиқади. У кўнгилларни тарбиялайди, олижаноблик, меҳр-оқибат, муҳаббат уруғларини экиб, уни камолга етказди. Одамларни яхшиликка, бир-бирига муҳаббатли бўлишга, инсонийлик туйғуларини улуғлашга ундайди. Зеро, давлатимиз раҳбари сўзида таъкидлаганидек, «Неча минг йиллик тарихимиздан маълум: Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар, гина ва аразлар унутилиб, одамлар, миллат ва элатлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат, мурувват, ҳамжихатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди».

Бугун ойнаи жаҳон орқали турфа урушлар, низолар, қарама-қаршиликлар, вайрон бўлаётган шаҳарлар, хонавайрон бўлаётган одамлар, онасининг жонсиз танаси устида чирқираб ётган гўдакларни кўрганда эзгулик, инсоний қадриятлардан йироқ бўлган, жаҳолат, худбинлик, ноинсоний ҳаракатлар қанчалар мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаймиз.

Азалдан маънавият ва маърифатни улуғлаб келган халқимиз ҳамиша «Тангри гўзалдир, у гўзалликни хуш кўради» деган пурмаъно ҳикматга қанчалар амал қилиб келган. Шу боис инсон камолоти, кўнгил тарбиясига энг муҳим вазифа сифатида қаралган. Зеро, дунёнинг ободлиги кўнгил ободлигидан бошланади. Дунёдаги вайронагарчилик, ёвузлик ҳам қалбларда қарор топган ноинсоний ёвуз ниятлар, ғоялар маҳсулидир. Пок, гўзал қалбли инсон нафақат бутун-бутун шаҳарларни вайрон қилишга, гуллаб турган ҳаётни издан чиқариб одамларни хонавайрон қилишга, обод гўшаларни култепаларга

айлантиришга, балки оёғи остидаги чумолини босиб ўтишга, жаннат ифорини таратиб ётган қизғалдоқзорларни топтаб ўтишга-да қодир эмас. Пок кўнгилга дилозорлик ётдир. Тангри баҳор бағрига нақшлаган олам-олам гўзалликларни кўрганда беихтиёр дилдан шундай ўйлар ўтади: бу Яратганинг инсониятга ибрати, дунёни гўзалликка, эзгуликка кўмиб яшанг, деган даъвати, хитоби эмасмикан...

Баҳор ҳайрат, қувонч фаслидир! Осмонни тўлдириб ўтаётган турналар карвонига тикилиб юрак завққа, аллақандай ширин ҳисларга тўлади. Турналар қанотида тинчлик, эзгулик, барака келади, дейдилар. Болалиқдан юрагимизга муҳрланиб қолган кўшиқ сатрлари тилга келади: «Турна, турна, ҳой турна, аргимчоғинг солиб уч, мовий осмонни сира, тўсмасин қора булут...»

Беихтиёр яна қалб шукронаси тилга кўчади: «Эл-юртимизда тинчликни барқарор қилганинга шукр, шундай азиз ва қутлуғ диёрни Ватан қилиб берганинга шукр, шундай меҳрли, меҳнаткаш, улуғ ишларга қодир, тинчликсевар халққа мансуб қилиб яратганинга шукр!»

Ҳа, эркин, озод, фаровон юртда баҳорларнинг таровати, байрамларнинг шуқуҳи ҳам ўзгача. Истиқлол – она-Ватанимизнинг чинакам баҳори!

Сано айтиб келган гиёҳлар,  
Эй топталиб чўккан тоғларим.  
Энди қадни тиклангиз дейман,  
Гуллаш пайти келди, боғларим!

Истиқлолнинг илк йилларида катта қувонч ва ҳаяжон билан ёзилган ушбу сатрларни ҳар гал такрорлар эканман, мустақиллик Ватанимизга, халқимизга чинакам гуллаш саодатини, баҳорни ато этганини дилдан туйиб, шукроналар айтаман. Бу – қутлуғ баҳор, муборак баҳор! Бу – минг-минглаб бу кунларга етолмай дунёдан ўтиб кетган, истиқлол орзусида армон-ла кўз юмган аждодларимиз орзу қилган баҳор! Илоҳим, у юртимизда мангу ва барқарор бўлсин!



# «ULUG' SALTANAT»

## TARIXIY EPOPEYASIGA BIR NAZAR



**2014 йилда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али қаламига мансуб «Жаҳонгир Мирзо», «Умаршайх Мирзо», «Мироншоҳ Мирзо», «Шоҳрух Мирзо» каби тўрт китобдан иборат «Улуғ салтанат» тарихий эпопеясини нашрдан чиқариб, ўқувчиларни бағоят хушнуд этди. Алоҳида китоб ҳолида нашр этилган эпопея қисмлари ўқувчилар эътиборини ўзига тортди, қўлма-қўл бўлиб ўқилди, дастлабки икки китоб диалогия шаклида 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.**

«Улуғ салтанат» тарихий роман-эпопеясида Соҳибқироннинг салтанат тепасига келиши жараёнлари, давлатнинг шаклланиши, Амир Темурнинг буюк шахс сифатида камол топиши, Туроннинг қудратли давлатга айланиши, шимолий сарҳадларни мустаҳкамлаш, юрт муҳофазаси ташвишлари таърифланган, қарийб қирқ йиллик давр воқеалари қамраб олинган.

Ёзилган саналарга (1996-2013 йиллар) қараб, адиб шу даврдагина Соҳибқирон тарихига мурожаат қилган экан-да, деб ўйлаш мумкин. Бундай қараш, албатта, хато бўларди. Амир Темур даври мавзуси Муҳаммад Али учун мана қирқ йилдирки, қадрдон.

Биз адибнинг бу мавзуда шеърлар («Ривоят», «Соҳибқирон»), «Гумбаздаги нур» достони (1967), унда Амир Темур, унинг набираси Муҳаммад Султон, Амир Темур мақбараси қурилиши сахналари, XV аср Самарқанд манзаралари тасвирланганини, «Сарбадорлар» (1989) роман-диалогиясида 24-30 ёшли Темурбек сиймоси чизиб берилганини, ўзбек бадиий адабиётида биринчи марта Амир Темурнинг образи яратилганини биламиз. «Улуғбек Мирзонинг сўнгги куни» пьесаси (2001), сермазмун эсселар, илмий-маърифий ва оммабоп мақолалар («Амир Темур чамани» мажмуаси, «Амир Темур солномаси» рисоласи - 2008) ҳам адибнинг ижод маҳсулидир. «Авлиёнинг башорати» (2010), «Исмим Темурбекдир, Темурбек сўзум» (2015) дostonларида адиб яна севимли мавзусини давом эттиради. Яқинда адиб «Соҳибқирон» номли китобига киритилган туркум шеърларини эълон қилди («Шарқ юлдузи» журнали, 2016 йил 1-сон). Ана шу узоқ йиллик изланишлар Муҳаммад Алини табиий равишда Соҳибқирон ҳақида кенг кўламли эпопея яратишга олиб келди.

Мустамлака замонида, ўзбек адабиётида тарихий мавзунинг ишланиши жуда ночор аҳволда эди. Бой ва бетакрор тарихимиз бўлишига қарамай, бу мавзуда битилган асарлар бармоқ билан санарли эди. Энг ачинарлиси, буюк бобомиз Амир Темур ҳақида бадиий асарлар деярли йўқ бўлиб, табу қўйилган бу мавзу адабиётдан четда қолиб келди. Тўғри, бу ерда Ойбекнинг (гарчи ўз вақтида эълон қилиш имкони бўлмаган бўлса ҳам) «Темур», Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур» дostonларини эслаб ўтишимиз жоиз. Умуман олганда, адабиётдаги бу кемтиклик мустақилликка эришгунимизгача сақланиб турди.

Истиқлол қўлга киритилганидан сўнг, юртимизда та-

рихни чуқур ва теран англашга катта эътибор берилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган сўзи шiorга айланиб кетди.

Академик Матёкуб Қўшоновнинг эътироф этишича, мустақилликка эришганимиздан кейин тарихимизга янги-ча назар ташлар эканмиз, «...Амир Темур шахсиятининг қай даражада улуғвор эканлиги яққол кўрина бошлади. У ҳақда кўп кунт ва меҳнат сарф қилиб эпопея шаклидаги йирик асарнинг яратилиши ҳаёт талаби бўлиб қолди. Бу вазифани бажариш ёзувчи Муҳаммад Али зиммасига тушди...» (Муҳаммад Али. «Улуғ салтанат». Биринчи китоб. Т., 2003. 328-329-бетлар).

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари XIX аср тарихимизни, Ойбекнинг «Навоий» романи XV аср тарихимизни англаб етишда катта кўмак берган. Бунга Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» тарихий роман-диалогиясини ҳам қўшиш мумкин. Гап шундаки, шу пайтгача Амир Темур ва Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Хусайннинг сарбадорларга муносабати ҳақида турфа қарашлар мавжуд бўлиб, тарихчи олимлар томонидан турлича изоҳланиб келинади. Ёзувчи давр ва мавзуга тарихий мантиққа суяниб ёндашганидан сарбадорлар фақат Амир Хусайн томонидангина дорга тортилиши мумкин, деган хулосага келди. Амир Темурнинг эса бундай қилиши ҳақиқатдан йироқ эканлигини ишонч билан тасвирлади. Чунки Соҳибқирон сарбадорларнинг сардорларидан бири – Мавлонозодани дордан қутқариб қолган эди. Бу Амир Темурнинг сарбадорлар ҳаракатига яқинлигини кўрсатадиган рад қилиб бўлмайдиган муҳим далил ҳисобланади. «Улуғ салтанат» роман-эпопеяси ҳам тарихчиларимизга баъзи ўринларда кўмак бериши мумкин. Чунончи, Амир Темурнинг етти йиллик юриши сабаблари, Амир Темур ва Боязид Йилдирим, Амир Темур ва Тўхтамишхон каби тарихий шахслар муносабатларининг асардаги янги-ча талқини ўқувчи диққатини ўзига тортмай қолмайди.

Амир Темур шахси барча замонларда ҳам халқларни ҳайратга солиб келган. Бунинг сабаби, бобомизнинг буюк инсон эканлигидадир. «Буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади», деб таъкидлаган Президентимиз Ислом Каримов: «Дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?» деган ўринли саволни ўртага



қўйганида мутлақ ҳақлигига амин бўламиз.

Амир Темур ва темурийлар даври тарихи халқимиз ҳаётининг, жаҳон тарихининг жуда ҳам бой, сермазмун саҳифаларидан ҳисобланади. Уни ўрганиш нафақат ўша давр ҳақида асар ёзишга бел боғлаган ёзувчилар, рассомлар, санъат арбоблари учун, балки тарихчилар учун ҳам ша- рафли, айна пайтда, мураккаб ва ўз навбатида машаққатли вазифадир. Тарихни ўрганишда, уни бадиият усуллари орқали ифода қилишда ижод аҳлининг, хусусан, ёзувчиларнинг роли катта. Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» тарихий роман-диалогиясига тўхталар экан, академик Матёқуб Қўшжонов ўзининг «Ўтмишдан бир саҳифа» мақоласида бу ҳақда шундай ёзган эди: «70 йил давомида тарихимиз бузилиб, кўп ҳолларда камситилиб талқин қилинди. Тарихчиларимиз бу ҳолни дарров тузатишга ожиздирлар. Шундай пайтда тарихимизнинг маълум бир даврлари хусусида кўпчилик ўқиши мумкин бўлган бадиий асарнинг дунёга келиши олқишларга сазовор ишдир». (Муҳаммад Али. «Сарбадорлар». Биринчи китоб.Т., 1992. 5-бет.)

Жаҳон тарихининг ўлмас сиймоларидан ҳисобланган буюк давлат арбоби, бунёдкор зот, илму фан ҳомийси, тенги йўқ саркарда «Ҳазрат Соҳибқирон (Амир) Темур Гурагон» (Шарафиддин Али Яздий таърифи) ҳақида кўпчилик ўқиши мумкин бўлган бадиий асар яратиш осон иш эмас. «Доим бир нарсани таъкидлаб келаман, – дейди ёзувчи. – Яъни адиб ўша давр манбаларини чуқур ўрганиши, ўрганиш билан бир қаторда, Соҳибқирон шахси, фаолияти, мураккаб давр тўғрисида муайян хулосалар чиқариши ва бу хулосаларнинг умумтарих бўйича қабул қилиниб, муомалага киритилган тушунчаларга мос келишини таъминлай олиши лозим. Бунда, муҳим шартлардан бири, тарихий фактларга қатъий амал қилиниши керак. Токи муаллиф тарих қатламларини кўтариб, уларнинг ичидан ижодкор мақсадига, асар ғоясига муносиб фактларни бир-бир териб олиш, сўнг бир-бирига муқояса қилиб, ҳаққоний хулосалар чиқариш ва уларни асар қахрамонлари ҳаётига сингдириб юбориш, ўқувчига муносиб равишда ишонarli тарзда тақдим этиш ташвишини чексин...»

Бу, чиндан ҳам, ижодкор олдида турган энг мураккаб вазифа. Албатта, чексиз меҳнат, тер тўкишлар, такрор-такрор мулоҳазалар юритиш эвазига бўлади. Айна пайтда, ёзувчига бундай йирик кўламдаги бесарҳад асарни бошқара олиш санъати ҳам керак. Муҳаммад Али ўз асарини ёзар экан, шундай санъат соҳиби эканини кўрсатди, бадиий ижод талабларини доим ёдда тутди, уларни инсоф билан ҳал этишга киришди ва бунинг уддасидан чиқа олди.

Хўш, йигирма йил давомида ёзилган «Улуғ салтанат» тарихий роман-эпопеясини яратишда ёзувчи қандай манбаларга суянди, қайси китоблардан фойдаланди? Бу ерда бир ҳақиқатни эслаб ўтайлик: одатда, тарихий мавзуда асар ёзган ижодкорнинг икки ҳолатда қалам юргизиши мураккаб кечади: а) ёзилаётган мавзу ҳақида манбалар, китоблар кам бўлса; б) ёзилаётган мавзу ҳақида манбалар, китоблар, тадқиқотлар ҳаддан зиёд кўп бўлса...

Шукрлар бўлсинки, Амир Темур ҳақида жаҳоннинг турли тилларида ёзилган манбалар, тадқиқотлар ва китоблар ниҳоятда кўп. Аввало, Амир Темур сиймоси ёрқин тасвирланган «Темур тузуклари» китобини айтиб ўтамиз. Кейин Амир Темурнинг ўзи буюриб ёздирган ва кўриб маъқуллаган икки асарга тўхталмоқ жоиз.

Биринчиси, муаррих Фиёсиддин Алининг 1402-1403 йилларда ёзилган «Ҳиндистон ғазовоти кундалиги» кито-

би. Бу Соҳибқирон ҳақида ёзилган илк асар ҳисобланади. Асарда Амир Темурнинг Ҳиндистон юриши, шунингдек, салтанатнинг аввалги йиллари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Низомиддин Шомий «Зафарнома»сини ёзишни ҳам муаррихга Амир Темурнинг ўзи буюрган. Асар 1404 йилда ёзиб тугатилган.

1403-1406 йилларда Кастилия қироли Генрих III Амир Темур саройига Руи Гонсалес де Клавихони элчи қилиб юборади. Элчи ўз кундаликларида Амир Темур даври ва бу даврдаги халқаро алоқалар тўғрисида бебаҳо маълумотлар беради. У Амир Темур шон-шухрат чўққисига чиққан бир пайтда, Самарқанд буюк пойтахт сифатида дунёга донг таратиб, жумла жаҳонни лол қолдирган бир даврда барчасини ўз кўзи билан кўрган киши томонидан ёзилганлиги билан қимматлидир.

Албатта, Амир Темур даврини тўла ёритиб берган манба ҳақли равишда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридир. У 1425 йилда Шерозда ёзиб тугалланган. «Подшоҳликнинг барча томонларидан (Амир) Темур ҳақидаги туркий ва форсий тилларда баён этилган ҳикояларнинг ҳамма шеърий ва насрий нусхалари тўпланиб бўлгач, – деб ёзади Шарафиддин Али Яздий, – улар билан танишиш учун учта гуруҳ тузилган, туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар эса бир гуруҳни ташкил этган. Дастлаб (Амир Темур) ҳақида ҳар бир ҳикоя ўқилгач, агар бу воқеалар баёни ўз кўзи билан кўрган кишининг талқинига тўғри келмай қолса, (Шероз ҳокими) Иброҳим Султон ҳақиқатни топиш учун турли шаҳарларга чопарлар юбориб, мазкур воқеани (Амир) Темурнинг бошқа замондошларидан суриштирган ёки кўшимча маълумотлар тўплаган...» (Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т., 1994. 7-бет).

Шунингдек, араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Фасих Хавофийнинг «Мужмали Фасихий», Муиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-таворих», Ҳафиз Абрўнинг «Зубдат ут-таворих», Мирхонд, Хондамир ва бошқа кўп тарихчиларнинг китоблари ҳам мўътабар манбалар ҳисобланади.

«Улуғ салтанат» асарини варақлар эканмиз, Муҳаммад Алига юқоридаги китобларнинг муҳим манбалар сифатида хизмат қилганини, ёзувчининг, шунингдек, Европа, рус ва замонавий ўзбек олимларининг Амир Темур даврини ёритган манба ва тадқиқотларини синчковлик билан ўқиб-ўрганганини кўрамыз. Муҳаммад Али бу манбаларни ўрганганда, улардан шунчаки фактлар олиб қўяқолмаган, балки ҳар манбадан олинган турлича талқин этилган бир мавзудаги фактни бир-бирига муқояса қилишдан, чақмоқтошни бир-бирига урганда учкун чиққан каби асл фикр магзини топишдан, таҳлил этишдан эринмаган, тафаккур призмасидан ўтказиб, мантиқан хулосаларга келгандан кейингина ўз асарини фойдаланган.

Адибнинг изланувчанлигига кичик мисол келтириш ўринли. Маълумки, Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари еттинчи мажлисида Амир Темурнинг жазодан кўрқиб титраган ва Қуръон ўқиб юборган Хожа Абдулқодир Мароғийга қараб форсий бир сатр шеър ўқигани ҳақида ёзилган. Лекин бу сатр кимга тегишли экани ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

(Давоми 30-32-бетларда)



# Сиёҳдон

**Дунё адабиёти тарихидан маълумки, ҳар бир асарнинг яратилишида унга туртки бўлган муайян воқеа ва омиллар муҳим ўрин эгаллайди. Миллий адабиётимиз дарғалари мерос қолдирган қатор асарлар ҳам бундан мустасно эмас.**

**Академик шоир Ғафур Ғуломнинг машҳур «Сиёҳдон» шеърининг яралиш тарихи қуйидаги хотираларда акс этган. Шоирнинг қизи – адиба Олмос ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни маҳорат билан қаламга олган.**

Эсимни танибманки, дадам пўлат пероли ручкада сиёҳ билан шеър ёзар эдилар. Дадамнинг бир неча катта-кичик сиёҳдонлари бўлиб, уларга ранго-ранг сиёҳлар солинган бўлар эди. Улар шарафига ҳар хил кайфиятда шеърлар битганлар.

### **Сиёҳдон, азизим, қора кўзлигим, Қора тунлар аро ёриган кўзгу...**

Ушбу ажойиб сатрлар бағишланган сиёҳдон ҳозир Ғафур Ғулом уй-музейида сақланмоқда. У оддий шишадан ясалган...

Уруш вақтлари кўни-кўшнилар кечкурунлари бизникида йиғилиб, радио эшитишар, жанг майдонларидаги даҳшатли воқеаларни гапиришар эди. Ваҳимали хабарларни эшитиб, кечаси кўркүвдан уйғониб кетардим.

Мен болалар ухлайдиган хонадан аям билан дадамнинг хоналарига ўтаётганимда иш столидаги ўша сиёҳдонга кўзим тушарди. У худди жони бордек мени кузатиб турар, ой нурида ялтираб, «кўркма», деяётгандек бўларди. Сўнг аям билан дадамнинг ўринларига кириб, икковларини ачомлаб, тинчиб ухлаб қолардим.

Юқоридаги шеърнинг шу бандини ўқисам, кечаси дадамнинг иш столлари ёнидан ўтаётгандек, сиёҳдон мени кузатиб тургандек, болалигим ёдимга тушади.

1944 йилнинг декабрь ойида Арпапоядаги уйимизга кў-

чиб келганимизда дадам ўша сиёҳдонни ҳам бирга олиб келган эканлар.

Ҳозирги кунда набираларимиз сиёҳу сиёҳдон нималигини билишмайди.

Дадамнинг сиёҳдонларидан бири мрамардан, яна бири биллурдан ясалган эди. Сиёҳ соладиган ери, қопқоғи қумшдан ясалган жуда чиройли сиёҳдонлари ҳам бор эди. Уни синиб қолмасин деб, аяб тутардилар.

Дадам қалам ушлашга уста эдилар. Иш столларида ҳар хил рангдаги чиройли учланган қаламлар туришини ёқтирар эдилар.

Табиийки, биз болалар қалам ишқибози эдик. Шунинг учун аям ҳар доим бизни дадамнинг иш столларидаги нарсаларга қўл теккизмаслигимизга кўриқчи бўлардилар, бироқ бу ҳаракатлари кўпинча зое кетарди.

Биз қаламларни секингина олиб чиқиб, учини синдириб, у ер, бу ерга ташлаб кетардик.

Дадамнинг иш столларидаги катта-кичик ҳайкалчалар, қаламдону қоғозлар, қоғоз бостиргич, қоғоз қирққичу кулдонлар бизни энг қизиқтирадиган нарсалар эди. Уларни олиб ўйнагимиз келарди.

Дадам иш столлари бесаранжом бўлса, ўзларига керак буюмлар жойида турмаса, уни қидириб, хаёллари бўлиниб шеър ёза олмай қолишларини аям бизга неча бор тушунтирмоқчи бўлардилар. Дадам шоир эканликларини, шеър ёзаётганларида иш столларидаги нарсалар жой-жойида бў-



лишини яхши кўришларини тушуниб етгунимизгача қаламлар йўқолиши, сиёҳлар тўкилиши давом этаверарди.

Дадам сиёҳ танлардилар. Столларининг тортмасида сувланса ранги чиқадиған кимёвий қаламлар бўларди. Уларни сўрамай олиб ишлатган мен бўлардим, шунинг учун ҳам кўпинча совун сувли тоғорада «ивитилар»дим... Шиша идишда қора суюқ сиёҳ ғамланган бўлиб, негадир оғзи берк турса ҳам тез қуриб қоларди.

Мен учун энг антиқаси лабга теккизиб ёзса, ранги ўзгарадиган қаламлар эди. Гунафша рангли сиёҳнинг суюғию кукуни дўконларда сероб бўларди, чунки бутун мактабларда шу рангли сиёҳда ёзиш русум эди. Бошқа ранглиси, яъни барг ранг, қора-қизил, ҳаво ранглисини дадам ўзлари қаламлардан тайёрлар эдилар. Бу гоят эҳтиёткорликни талаб қиладиган нозик иш эди.

Қаламнинг ўзаги сув қуйилган кичкина шиша идишга янчиб солиб чайқалса, керакли ранг пайдо бўларди. Сўнг дадам тайёр бўлган сиёҳни пўлат пероли ручкада қоғозга ёзиб, машқ қилиб кўра эдилар.

Перолар 96, «қурбақа» ва бошқа номлар билан аталиб, унинг йўғон ҳамда ингичка ёзадиган турлари бўларди.

***Далада бўй етган бир қиз кетмон-ла  
Шеъримдан гўзалроқ қатор олмоқда.  
Ўн мингча қаламга перо бўлгулик  
Кетмондан бу қалам четда қолмоқда...***

Шундай қилиб, сиёҳ тайёр, энди навбат қаламга. Қаламларни дадам томга бостириш учун ғамлаб қуйилган қамишдан ясардилар. Қамишнинг эгилувчанлини топиб, ўткир Чуст пичоғида йўнардилар ва учини худди ўймакор усталардек перо шаклига ўхшатиб ясардилар. Қалам тайёр бўлгач, қандай ёзишини текшириш учун сиёҳга ботириб, қоғозга ёзиб кўрадилар. У қўлда ушлашга қулай ҳамда бармоқларни қабартирмайдиган бўлиши керак эди.

Атрофимиз қамиш қийқларига тўлиб кетарди. Бирпасда йиғиб олардим.

– Мош, ҳазир бўл, қамиш ўткир бўлади, кўлингни кесиб олма, – дердилар дадам.

Сўнг қоғозга «қалам машқи» деган мен учун жуда соҳир ҳисобланган шеър дебчасидан сўзлар битиларди. Уларнинг ёзилишидаги ҳар бир ҳаракатни кузатиб, иштирок этгандек бўлардим.

Сўнг жуда чиройли ҳуснихатда:

***Қуёшнинг тигидай олтин қалам-ла  
Уфқдай кен қалбим шеърини ёзай.  
Ёқутни эритиб гулгун қалам-ла,  
Жаҳонни қамраган фикримни ёзай...***

Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ана шундай гўзал шеърлар ёзиларди.

– Олмос, хатим суркалса, сиёҳ ёйилиб кетса ёзгим келмай қолади, сен-чи? – дердилар дадам мени худди ўзлари билан тенг кўриб.

– Менми, билмайман, – дейман хижолат бўлиб: – Ҳар доим дафтаримга ўзидан-ўзи ё сиёҳ тўкилади, ё ёзганим суркалиб кетади... ўзингиз дафтарларимни кўрасиз-ку... Фақат ўқитувчим учун ёзаман-да, – десам, дадам қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборардилар...

Ўша йиллар дадам ҳовлимизнинг ўртасига ҳовуз қаздириб, унда ўрдак, ғоз, қафсада бедана, каклик, бир жуфт товус боқтирадиган бўлдилар.

Ҳовуз атрофига қишда ҳам кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган бута, самбит, сарв, аргувон, арчаларнинг турли навларидан ўтказдилар. Дарахтлар орасида паррандаларнинг сайраб, сайр қилиб юриши Беҳзод каби рассомларнинг Шарафиддин Али Яздий, Саъдий, Алишер Навоий, Бобур асарларига чизилган қадим миниатюраларидагидек боғимизга шарқона ҳусн берган ҳамда ушбу табиий манзарадан илҳомланиб, чигал кўнгиллари сал бўлса-да ёзилган бўлса,

ажаб эмас.

Кейинчалик бу паррандаларнинг тақдири қизиқ кечган: бир жуфт товус чиройли эдику-я, лекин уларнинг овози жуда хунук, дадам айтганларидек, худди ёмон хотинларнинг ҳовлига чиқиб эрини қарғаб чинқиришига ўхшарди.

Товуснинг биттаси учиб кетганми ёки биров ёқтириб олиб кетганми, билмадим, бироқ иккинчиси ҳар сахар бутун уйимиздагиларни ваҳимали сайраши билан чўчитаверганидан дадам кимгадир ҳадя қилиб юборган эканлар.

Ўрдак, ғозларнинг ҳовузда сузиб юриши жуда ёқимли эдику-я, лекин ўсиб турган гулларнинг ғунчасини, баргини чўқиб пайҳон қилгани туфайли уларни ҳам боғбонимиз Гарзантемир отага берганлар. Бедана ҳамда какликни эса ўртоқларидан бирининг кушларга ишқибоз ўғлига совға қилиб юборганлар. Бу паррандаларнинг патидан ҳам дадам «илҳом» учун қалам ясаб, қаламдонга солиб қўяр эдилар.

Мен улғайгач, дадам сиёҳ тайёрлаш ишини, жуда қизиқганим учун бўлса керак, менга буюрардилар. Қанча миқдордаги янчилган қалам кукунига қанча миқдорда сув солиш кераклигини илгари кўп бор кузатганим боис билардим. Бу муҳим иш менга буюрилганидан ниҳоятда хурсанд бўлардим. Стол устига эски газеталарни ёзиб, сиёҳ тўкмасликка қанчалар ҳаракат қилмай, барибир тўкилаверарди. Хуллас, сиёҳ тайёр бўлгач, қўйлақларимни ивитиби ювиш керак бўларди, лекин буюрилган ишни эплаганим учун на акам, на бошқалар менга «гинг» демасди. Чунки кимёгарлик қилиб тайёрлаган сиёҳимда шеър ёзишларидан қанчалик фахрланишимни яхши билишарди.

Дадам кечқурун келиб сиёҳни қоғозда синаб, мен билмаган арабча ҳарфда, сўнг мен билган кирилча ҳарфда қатор-қатор шеър ёзгандек «қалам машқи» қилардилар.

– Мош, жижинг, сиёҳни яхши ясабсан, – деб сочимни тўзгитиб юборардилар. Шунда мен катталардек сиполик билан:

– Дада, сиёҳдонингиз ичини яхшилаб совунлаб ювиб, артиб, сўнг сиёҳ солдим, – десам, дадам:

– Яхши қилибсан, агар эскисини тўкиб идишини ювиб ташламансанг, қуюлиб қолгани ёки чанг-чунг тушгани сабабли ёзаётганда перога қил ёпишиб, хатим хунук чиқиши мумкин эди, – дердилар-да, тўхтаб яна: – Сенга бир подшоҳнинг сиёҳ ҳақидаги мисрасини айтай...

– Подшоҳлар ҳам шеър ёзишганми, – десам, дадам:

– Ҳа, улар ҳам подшоҳ, ҳам шоир бўлишган, ғазаллар ёзишган. Лекин подшоҳлар қаламни сиёҳга ботиришни ўзларига эп кўришмаган ёки ҳафсала қилишмаган. Қаламнинг сиёҳи тугагунча бошқаси кетма-кет тайёр бўлиб турсин учунми хат ё шеър ёзаётганида қаламни сиёҳга ботириб, узатиб турадиган канизақлари бўлган экан. Ана шундай канизақлардан бирининг қалами учига қил илашибди. Шунда канизақ ёзув суркалмаслиги учун қаламни қошига суртиб қилдан тозалаётганда подшоҳнинг кўзи тушибди. Қошга суртилган сиёҳ канизақнинг чиройли ҳуснига путур етказганини кўрган подшоҳ:

***Қошингга текизмагил қаламни  
Бир сўз билан бузмагил рақамни,***

дея бошланувчи ғазал битган экан, – дедилар.

– Жа яхши шеър, – десам, дадам:

– Вой жижинг-эй (мени эркалаганларида ҳар доим шундай дердилар), сен ҳам яхши шеърларни тушунадиган бўлиб қолибсан-ку, – дедилар.

Ҳаяжонланганимдан ўшанда шеър муаллифи номини сўрамаган эканман.

Кейинчалик, бу воқеага қирқ йиллар вақт ўтиб, дадам ҳақида хотира китобини тайёрлаш пайтида Абдуқодир Ҳайитметов домланинг мақолаларини ўқиб, мазкур шеър Амир Умархонга тегишли эканини билиб олдим.

***(Давоми 40-бетда)***

# BAHTLI YASHASH – HAYOTIMIZ MAZMUNI



**Одам боласининг бу дунёда яшашидан мақсад нима? Бунда гап унинг қандай одам-лигида. Ҳаёти ёвуз ишлар билан боғлиқ кимсалар ҳам мавжуд. Лекин аксарият инсонлар – соғлом фикрловчи, эзгу ният соҳиблари Яратган томонидан берилган ҳаётни яхши ишларга, савобли амалларга сарфлашни мақсад қилишади. Стендалнинг «Киши дунёда бахтли бўлиш учун яшайди» деган ҳикмати нечоғли ҳаётий. Беадад шукрки, Ўзбекистон ана шундай эзгу фазилатларни қадрлайдиган, бунёдкорлик, инсонпарварлик улуғланадиган замин. Табаррук тупроғимизда фаровон, баҳамжиҳат ҳаёт кечирish учун файзли муҳит яратилган. Зотан, мамлакатимиз Конституцияси муқаддимасида «Республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирishларини таъминлаш» асосий мақсад қилиб белгиланган.**

Бизнинг шундай бағрикенг, ҳамиша яхшилиқ тарафдори эканлигимизни бутун дунё билади. Ўзбекистон деганда фақат бунёдкорлик, маъмурчилик йўлида яқдил интилаётган халқ тушунилади. Энг эътиборли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказлардан бирининг таҳлилларига кўра, Ўзбекистон «Бутунжаҳон бахт индекси»да 158 мамлакат ўртасида 44-погонани, МДҲ мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани эътироф этилган. Бундай ҳулосага келиш учун жуда кўп кўрсаткичлар – тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт, қонун устуворлиги, фуқаролар кайфияти, хавфсизлик кафолати ва бошқа омиллар ҳолисона ҳисобга олинади.

Ватанимиз шаҳарларига назар ташланг, қишлоқлар жамолидан завқ олинг. Маҳаллаларда одамларимизнинг бир-бирларига меҳр-оқибат ила муносабатда бўлишаётганига эътибор қилинг. Шу ҳаётнинг ўзи бахт эмасми?! Ўзбекистонимизнинг қайси манзилига борманг, Ватанни улуғловчи шиорларга кўзингиз тушади. Шундай қанотли чақириқлардан бири мана бундай: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!»

Кечагидай эсимда, 1998 йил 23 декабрда давлатимиз раҳбари вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда илк бор шу қанотли сўзларни айтгандилар. «Албатта бахтли» деган каломга алоҳида урғу берилганди. Гулдурос олқишлардан кейин: «Такрор айтаман: мана шу эзгу мақсад бугун-

ги кунда ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркор!» дейилганди. Ўша учрашувда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига кўра, замонавий академик лицей ва касб-хунар коллежлари қуриш, мавжуд таълим муассасаларини таъмирлаш вазифаси қўйилганди. Бу лицейлар, коллежлар, нафақат фарзандларимиз баркамол бўлиб вояга етадиган билим маскани, балки биз юртимизга келадиган меҳмонлар ва сайёҳларни олиб бориб кўрсатишга арзийдиган, бошқаларнинг ҳавасини келтирадиган муҳташам иншоотлар бўлиши лозимлиги ўқтирилганди. Ўшанда туғилган фарзанд бугун ўн етти ёшга тўлибди, яъни илк гишти қўйилган замонавий академик лицей ёки коллежларда ўқишни давом эттирмоқда. Улар бахтлими? Албатта! Ҳаётнинг бошида турган ўғил-қизларимиз ўз келажаклари учун яратилган ажойиб шароитдан рози бўлиб, дил-дилдан бахтиёр эканликларини ҳис қилмоқдалар.

Бахтли фарзандларнинг ота-оналари ҳам бахтиёр. Умуман, юртимизда кимки бир-бирига тилак билдирса, бахт сўзини албатта тилга олади. Янги оила қураётган келин-куёвларга «Бахтли бўлинглар, кўша қаринглар!» дея дуо қилинади. Ўзбекистон телеканалларидан бирида «Бахт формуласи» деган кизиқарли кўрсатув бор. Унда турли соҳа вакиллари бўлган оилалар иштирок этиб, яхши яшаш омиллари таҳлил қилинади. Кўрсатув мобайнида бошловчи бахт формуласини ёзишни сўрайди. Аксарият ишти-



рокчилар тақдим этган «Юрт тинчлиги+саломатлик+севган иш жойи=бахт» деган ифодадан одамларимизнинг кайфияти, дунёқараши, маънавиятини илғаб олиш мумкин.

Ўзбекистон болаларининг чинакам бахтли эканлиги шундаки, бу заминда ҳамма нарса ўғил-қизларимизнинг баркамол ўсиши учун йўналтирилган. «Марҳамат ўқинг, илм олинг, юксак чўққиларни эгаллаб, Ўзбекистон номини дунёга таратинг» – фарзандларга яратилган шароит ана шу мазмунни ифода этади. Бугунги кунда Тошкентнинг қоқ марказида «Мустақиллик ва эзгулик монументи» яқинида болаларимиз учун яна бир ажойиб маскан – ихтисослаштирилган шахмат мактаби бунёд этилди. Жавоҳир ва Исломбек Синдоровлар каби истеъдодлар шу ерда камол топишяпти. Машғулотлар ўтказиладиган кўркам ва ёруғ хоналар, мусобақа заллари, файзли хиёбон — бундай шароит, дунё кўрган мутахассисларнинг айтишича, бетимсол. Бу масканни шунчаки кўздан кечирган одам ғурурдан кўнгли осмон қадар юксалиши турган гап. Шундай манзарадан завқланганда юртимизда бахт умрбод ошиён қурганига ишонасиз.

Биз дунёдан, тараққийпарвар инсоният ютуқларидан ҳар қанча ўргансак, ибрат олсак, жўяли жиҳатларини ўз ҳаётимизга татбиқ этсак, нур устига нур. Айни пайтда Ер юзининг айрим тутун қоплаган ҳудудларида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни кузатиб, қанчалик доно ҳамда оқил халққа мансублигимиздан фахрлангимиз келади. Уйимизга келган меҳмонга ҳурмат, эҳтиром миллатимизга хос олий қадрият. Қаранг, дунёнинг баъзи чеккаларида бошқа мазҳабга мансуб одамларни ўлдириш, бошқа халқларга очиқдан-очиқ душман кўзи билан қараш, энг ёмони, ана шу ғаразни болаларига ҳам мерос қолдириш нохуш анъанага айланганига нима дейсиз?!

Ундай жойларда бахтли ҳаёт ўрнини таҳлика, юрак ҳовучлаб яшаш эгаллайди. Бало-қазолар ин курган жойлардан ҳамма ҳазар қилади. Бизда эса истиқлол яратган хурлик, эркинлик тўфайли Ер юзининг турли томонларидан сайёҳлар оқими йил сайин кўпаймоқда. Тарихий обидаларимиз ўтмишимиз буюклигидан, янги барпо этилаётган гўзал манзиллар бугунимиз улуғвор ишларга дахлдорлигидан дарак беради. Асл ҳақиқат таққосланганда ёрқин намоён бўлади, деган тамойилга асосланиб, бундай оқ-қора тасвирларни ёнма-ён кўяпмиз.

Бугунги авлоднинг яна бир омади шундаки, биз нафақат асрлар алмашинувига, балки минг йилликнинг кейинги саҳифасини варақлашга дахлдор бўлдик. Мустақиллик қадрини мустабид замонни кўриб қийслаш, баҳолаш насиб этди. Ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалганига гувоҳ бўлишнинг ўзи бахт эмасми?!

Маълумоти, дунёқараши, жамиятдаги ўрни ўртача фуқаронинг кундалик ҳаётини кўз олдимизга келтирайлик. Эрта тонгда туриб тинч-омон уйғонганига шукр қилади, фарзанд тарбиялаб, дарахт ўстиради, маҳалласи, қўни-қўшнилари билан аҳилликда умр кечиради. Ҳеч кимга ёмонлик соғинмайди. Ишга иштиёқ билан боради, уйига, оиласи бағрига талпиниб яшайди. Ён-атрофга назар ташласа, янги қурилишлар, инсон эҳтиёжини қондирувчи хизматлар – қисқаси, эзгулик турмуш тарзига айланган. Яна нима керак одамзот учун!

Ўзи ўтирган дарахт шохини кесган, албатта, йиқилиб тушгани каби, дунёнинг бошқа чеккаларида одамни одам йўқотиш пайига тушганидан афсусланасиз. Савол туғилади: XXI асрда, инсоният мислсиз интеллектуал тараққиётга эришган паллада нега бундай бўляпти? Наздимизда, оловли нуқталарда адолатли, жамият қуриш йўлидан адашишган. Бир хато иккинчисини келтириб чиқаради.

Тинчлик, осойишталик шу қадар бебаҳо неъматки, унинг қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ҳаёт барқарор бўлгандагина орзу-ҳавас қилиш мумкин. Нотинч турмушда эса ҳеч нарса татимайди. Ҳар куни гўзал Ватанимизнинг турли минтақаларидан яратувчилик, бунёдкорлик иншоотлари қад ростлаётгани ҳақида қувончли хабарлар келиб турибди. Бундай муждалар фуқароларимизда ўз кучига ишонч, келажакка ундовчи қудратни оширади.

Беқободаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Дилнура Ҳошимжонова Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда ғолиб бўлди. Бу хабардан нафақат Дилнуранинг устозлари, балки ҳамма мактабдошлари ўзларини бахтли санашмоқда. Чунки истеъдод соҳибаси ажойиб муҳитда тарбия топди, олис Европада Ўзбекистон номини танитди.

Қорақалпоғистон давлат университети магистранти Абдукамол Заримбетов Алишер Навоий номидаги стипендияга сазовор бўлди. У хушxabарни онасига етказаркан:

– Онажон, эслайсизми, бошланғич синфда ўқиб юрган пайтимда менга Навоийнинг ижоди ҳақида мароқ билан гапириб берардингиз. Ўша-ўша улуғ шоир асарларини қўлдан қўймай ўқийдиган бўлдим. Энди факультетимизда мен ҳақимда сўз кетса, аввало, Алишер Навоий стипендиати дейишади. Бу қандай бахт! – дейди.

Индонезияда Ўзбекистондаги маҳалла институти тақдими бўлиб ўтди. Ўша мамлакат сиёсатдонлари, кузатувчилар биздаги маҳаллани «фавқуллода ҳодиса» деб баҳолашибди. Гундарма университетининг Ахборот технологиялари факультети декани Аданг Сухендранинг айтишича, «Умуман олганда, бу феноменга аҳоли ўртасидаги барқарорлик, бирдамлик ҳамда уйғунликнинг гарови сифатида қараш керак». Маҳаллаларимиздаги иш тутуми дунёнинг бошқа мамлакатларига андоза бўлмоқда.

Ўзбек халқида киндик қони тўкилган жойга боғлиқлик азалдан меросдир. Бизда Ватандан четда бахт йўқ. Ота-боболар обод қилган жой, фарзандлар бағрида, набира-чеваралари қуршовида қатордан хато бўлмай яшаганга нима етсин!

Ўзбекнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуф «Римни алишмайман бедапояннга» деб ёзганида чин ватанпарварнинг кўнглидаги гапни айтган эди. Шундай халқни Истиқлолга етаклаган Президентимиз бахтининг баҳоси ҳақида айтган мана бу сўзлар ёдимизга тушади: «Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг раўнақи, ҳар бир оила фаровонлиги – мен учун олий саодат».

Шундай юртда яшашнинг ўзи бахт! Бахтимизга кўз тегмасин!

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

# Sendan o'zga qiblam yo'qdir olamda, bilgil...



Оила даврасида

## АГАР СЕНСИЗ...

Қуёш чиқиб чарақлайди тенгсиз бу олам,  
Қушлар сайрар, эсар тонгнинг шамоллари ҳам.  
Бамисоли қайта бошдан туғилгай одам,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Ой балқади, биллур кўкни шуълага чайқаб,  
Ол шафақни симиради булутлар чанқаб.  
Юлдузлар ҳам рақсга тушар, ненидир пайқаб,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Битта сен, деб бу дунёда юрган мен ўзим,  
Гардларингни тўтиёлар айлагай кўзим.  
Исминг айтсам, садоларга тўлади сўзим,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Мен ошиқман, меҳр кўргаз, назарга илгил,  
Сендан ўзга қиблам йўқдир оламда, билгил.  
Азал касбинг раҳмдилсан, раҳмлар қилгил,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Умид ёрким, фақат сенсан ой ва қуёшим,  
Маҳшаргача тик боқолмас, эгилган бошим.  
Сақлан, жоним, то тутмасин кўздаги ёшим,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Фалакларнинг саломига чиққин сен кулиб,  
Баҳра олсин замин, осмон шавқларга тўлиб.  
Остонамда турибман мен, Абдулло бўлиб,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

## АССАЛОМ

Тонгда мактабига шошар болакай,  
У ҳам ўз ишига масъул экан-да.  
Ва лекин дуч келган одамга атай  
Салом беришни у қилмайди канда.

Сен ишга борасан, остонадаёқ  
Қоровул «Салом» деб, разм солади.  
Бошлигинг чорлайди, чиқасан шу чоқ,  
Салом берсанг, балки алик олади.

Бу олам шунақа қурилган ўзи,  
Ҳидлашиб кўришар ҳатто ҳайвонот.  
Қуръоний каломдир «Ассалом» сўзи,  
Дўзахи саналур такаббур ҳар зот.

Ҳеч нарса йўқотмас салом берган ҳам,  
Камайиб қолмайди ким олса алик.  
Лекин қулфи дилинг очилгай шу дам,  
Демак, дунё тинчдир, олам беҳадик.

Булут тўсса ҳамки, боқабер Қуёш,  
Тафтинг бўлмаса ҳам чиқабергин, Ой.  
Майсалар салом деб кўтармоқда бош,  
Бу ҳам бир мактабдир, бизга ҳойнаҳой.

### ОРЗУ

#### *Набираларимга*

Илм олаётган қорақўз ўғлон,  
Ҳали сен бўлгайсан минг қўшчига бош.  
Эртанги кунингни ўйлаган замон,  
Қувончдан келади кўзларимга ёш.

Ҳали сен элингнинг корига яраб,  
Тарихда энг тоза сўзлар айтурсан.  
Эҳтимол, замоннинг зайлига қараб,  
Юртингга Беруний бўлиб қайтурсан.

Балки Сино каби ҳар қайда суюк,  
Аллома бўлгайсан, ҳалол ҳамда пок.  
Гарчи дунёмизда зотлар кўп буюк,  
Лекин доим ноёб илоҳий идрок.

Мунис ота-онанг қилгудек фахр,  
Кўзингда даҳолик уриб турсин барқ.  
Боболар машъали ўчмаган ахир,  
Сизга интизордир десам бўлгай Шарқ.

Мозий саҳросида кезди аждодлар,  
Гоҳида голибу гоҳи саргардон.  
Орзу қилар эдик, зора авлодлар,  
Яна бизлар учун келтирсалар шон.

Мудом инсонийлик энг улуғ хислат,  
Узукка қўйилган ёқут бир кўздек.  
Десинлар, ўстирган халқингга раҳмат,  
Десинлар, шу йигит ҳақиқий ўзбек.

### СЎНГИ МАКОН

Қайга бориб қўнар учаётган сор,  
Қайси жойда тўхтар югурик оҳу?

Жавоб бериб бўлмас бу гапга зинҳор,  
Бу жиҳат ёпиқ, деб айтилган, ёҳу.

Узоқ йиллар яшаш ҳар кимга армон,  
Гарчи дунё ўзи фоний, муваққат.  
Филда ҳам бор эмиш энг сўнги макон,  
Инсонга буюрсин Ватани фақат.

### ХАЛҚИМ

Агар бола бўлсанг, бағримга босиб,  
Елкамда кўтариб юрарман, халқим.  
Агар ота бўлсанг, сенга муносиб,  
Таянч, асо бўлиб турарман, халқим.

Дунёда кўп эрур шаҳри азимлар,  
Муҳташам қасрлар, олий базмлар.  
Қуршаган чоғда ҳам эъзоз, таъзимлар,  
Даврамни сен билан қурарман, халқим.

Умр-ку ўтажак, фано муқаррар,  
У ёқдан ҳеч кимга келмаган хабар.  
Мабодо, жаннатга бўлсам муяссар,  
Шунда ҳам хаёлинг сурарман, халқим.

Гоҳида ризқингдан қолдинг айрилиб,  
Майли, ўтган ўтди, боқма қайрилиб,  
Келса балоҳўрлар, кўлин қайириб,  
Бошини тошларга урарман, халқим.

Заминнинг айқирган дарёлари бор,  
Тонги шаббодалар таратар ифор.  
Менда бўлиб қолса бир зум ихтиёр,  
Барисин сен томон бурарман, халқим.

Сен завол топмадинг, қолмадинг ҳориб,  
Сув келса сипқориб, тошни кўпориб.  
Мен ким шоир ўғлинг – Абдулла Ориф,  
Эртан камолинг ҳам кўрарман, халқим.

### УЧ ЗИНА

Уч ажиб зинадан ўтгайдир Инсон,  
Гўёки ғазалнинг уч гўзал байти.  
Хоҳлар ё хоҳламас, одам бегумон  
Ўзи учун яшар болалик пайти.

Бир кун у камолот ёшига етгай,  
Бу фасл ҳаммиша умрларга зеб.  
Инсон тайёр турар синовларга шай,  
Яшайди оилам, элу юртим деб.

Кексалик йилларин сўрарсиз энди,  
Ахир тажриба бор унинг қўлида.  
Ўйламанг, шу билан у тўхтаб, тинди,  
Инсон ўзин топди Аллоҳ йўлида.

# «Мен sog'inch bilan yashab,



**Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси истиқлолга, Ватанга садоқатга чорлайди. У фуқароларимизни матонат ва жасоратга, фидойиликка, ташаббускорликка ундайди. Мадҳиямиз расмий давлат қабуллари, байрамлар, спорт анжуманлари ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда ижро этилади. У юксак орзу-ниятларимиз, ғурур-ифтихоримиз ифодасидир. Ҳар гал Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямизни тинглар эканман, беихтиёр устоз бастакор билан бундан ўн олти йил муқаддам қилган суҳбатимиз ёдимга тушади.**



Ўзбек мусиқа санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов 1916 йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топди. Тенгқурлари орасида нозик қалби ва теран мушоҳадаси билан ажралиб турадиган бу йигит Домла Ҳалим Ибодов, Ота Жалол, Ота Ғиёс, Левича Ҳофиз сингари улуғ санъат фидойилари изидан бориб, улар каби куй чалишни, қўшиқ айтишни ва эшитганда қалбларга таскин берувчи мусиқа асарлари басталашни чин дилдан орзу қилди.

Мутал Бурҳонов ижодий меҳнати маҳсули бўлмиш лирик романслар, жозибали бадий симфоник асарлар, «Абу Али Ибн Сино», «Сурайё», «Мафтунингман» сингари кинофильмларга басталанган мусиқий асарлари ўзбек мусиқа санъатининг олтин фондидан ўрин олди. Айниқса, унинг «Алишер Навоийга қасида» номли операси катта шуҳрат қозонди.

1990 йилларнинг охирида Бухоро вилоят телевидениесига ишлаб юрганимда Мутал Бурҳонов ижодий фаолияти ҳамда давлатимиз мадҳиясининг яратилиш тарихи тўғрисида кўрсатув тайёрлаш вазифаси менга топширилди. Тасвирга олиш учун кетаётганимни эшитган радио муҳбири бизга ҳамроҳ бўлди.

Бастакорнинг хонадони Бухоро шаҳар касалхонаси рўпарасидаги кўп қаватли уйда жойлашган эди. Қўнғироқ тугмасини босдик, эшикни Мутал Бурҳонов очди. Мени кўриши билан кекса бастакорнинг чехрасига табассум югурди: «Эй бормисан, кўқонлик қизим, қани кир, булар ким?» Ҳамроҳларимни таништирдим. У киши бизни хонасига таклиф қилди. Санъат дарғасига ошиён бўлган мўъжаз, бироқ файзли хонадонга кирдик. Деворларда эски суратлар, мусиқа асарларининг ноталари туширилган намуналар, чолғу асбоблари ва сўзана осиглик турарди.

Мен у киши билан бундан аввал ҳам кўп маротаба учрашиб, кичик интервьюлар олгандим. Бухоронинг 2500 йиллик байрами муносабати билан ташриф буюрган санъат труппасига

# soq'ini yozdim...»



хамроҳлик қилиб, лавҳалар тайёрлаганимда, Мутал Бурҳонов ва Саодат Қобулова билан гапимиз қовушган эди. Ҳатто Саодат опа ҳайрон қолиб, «Ҳеч ким билан очилиб гаплашмайдиган Мутал ака негача сиз билан тил топишди» деганида, Мутал Бурҳонов у кишининг гапини бўлиб, «Бу мухбир қиз онамининг ёшлигига жуда ўшаркан», деган эди. Ўшанда тасвирга тушириш пайтида мусиқий асарларидан намуналар чалди. «Ипаклари тиллодан», «Гўзал Фарғона», «Ҳорманг, қизлар»... бу оҳанглар болалигимиздан бизни мафтун қилган, беғубор дамларимизни мудом ёдимизга солиб турадиган кадрдон куйларимиз, тилимиздан тушмас хиргойиларимиз эди. Мутал Бурҳонов куй чалаётганида ўзини, атрофдагиларни унутгандай, кўзларини юмиб олиб, кичик жуссасига ярашган ажиб майин тебраниш билан хиргойи қиларди. Ўша кунги суҳбатимиз асносида бастакор:

– Сенга бир гап айтаман, қизим, шуни бир жойга ёзиб қўй, – деди. – Менинг бу ёруғ дунёда мусиқадан ўзга илинжим ва ҳамроҳим бўлмади. Санъат билан туғилиб, санъат билан ўтяпман. Тақдиримдан розиман. Мен яратган оҳанглар кўп йиллар келажак авлодларга илҳом бағишлашига ишонаман. Чунки куйларимни катта муҳаббат билан яратганман. Муҳаббат эса олий туйғу, у инсонни юксакликка чорлайди. Эртанги кунга ишониб, интилиб яшашга ундайди ва одамлар меҳрини ўзига тортади. Аслида санъатнинг, мусиқанинг бор жозибая сеҳри қалбларни қалбларга бирлаштиргувчи мустаҳкам ришта эканлигида. Мен бир нарсадан фахрланаман, мадҳиямиз бутун дунё бўйлаб янграганида ҳамма ўрнидан туради. Бунинг маъноси катта, улар муқаддас Ватаним – Ўзбекистонга эҳтиром кўрсатадилар. Давлат мадҳияси бу Ватаннинг овози... Менга яратган Эгам ўша оҳангларни қалбимга жо айлагани ва бу оҳангни қалбларга етказишга сабабчи қилгани, имкон ва иқтидор берганига беадад шукроналар айтаман. Истагим, одамлар куйласин, қўшиқ айтсин, айтганда ҳам жўшиб, севиниб, эртанги кун ишончи билан тўлқинланиб куйласин...»

Орадан бир йил ўтиб, бастакор билан тасодифан

учрашиб қолдим. Анча суҳбатлашдик. Мендан фарзандларим, уларнинг орзулари ҳақида сўради. Уларни чин дилдан дуо қилиб, ёруғ толе тилади. Устоз бастакорнинг дуоиси ижобат бўлиб, айна кунда қизим Мумтозбегим скрипка бўйича созандаликка ўқимоқда. Бир неча танловлар ғолиби бўлди...

Мутал Бурҳонов ўз санъатини қалбининг туб-тубида ардоқлади ва ҳалол меҳнати ила уни кўкларга кўтарди. Мен дунё саҳналарида мусиқа чалиб, қўшиқ куйлаб ғолиб бўлаётган ёшларимизни кўрсам, бундан 16 йил аввал Мутал Бурҳонов хонадонидagi суҳбатимизни, устознинг шу самимий сўзларини ёдга оламан:

– Бутун умрим давомида одамлар ёдида қоладиган, сира эскирмайдиган, ҳамма биргаликда, жўр бўлиб, муҳаббат ила куйлайдиган қўшиқ яратиш нияти билан яшадим. Ниятим соф эди. Шуни биламанки, эл-юртга сидқидилдан қилинган хизмат ҳеч қачон унут бўлмайди. Усмон Носир айтганидек:

**Баргдек узилиб кетсам  
Унутмас мени боғим...**

Менинг санъатим эртанги ёшлар билан бирга қайта-қайта улғаяверади. Халқимизнинг яхши кунларида, соғинч билан ёдга олинади. Чунки мен соғинч билан яшаб, соғиниб ёздим. Меҳрга ташна қалбимни кафтимга қўйиб халқимга тутдим...

**Гулчеҳра МИРЗАЕВА**



# *Soydan soʻz istadim...*

Алишер НАВОИЙ

\* \* \*

*Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.*

*Лаҳза-лаҳза чиқдиму чекдим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў келмади.*

*Оразидек ойдин эрконда гар этти эҳтиёт,  
Рўзгоримдек ҳам ўлғонда қоронғу келмади.*

*Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,  
Кимса борму ким анга кўрғанда кулгу келмади.*

*Кўзларингдин неча су(в) келгай деб ўлтурманг мени,  
Ким бори қон эрди келган бу кеча су(в) келмади.*

*Толиби содиқ топилмас йўқсаким кўйди қадам,  
Йўлғаким аввалқадам ул маъшуқи ўтру келмади.*

*Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким бода кирган уйга қайғу келмади.*

(«Бадойиъ ул-васат», 608-ғазал).

Асрлар ғамини сўзлатган тил, эшилиб, тўлғаниб, ингранган куй... создан сўз истаб, Ҳазрат Навоийга юзланамиз:

*Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.*

Ҳар бир ўзбекка ёд бўлиб кетган машҳур «Муножот» қўшиғининг асо-си бўлган мазкур ғазал байтлари марказида ёр тимсоли туради. Ғазалда «Сарви гулрў» – сарв қоматли ва гул юзли ёр келмагани учун кўзларига тонг отқунча уйқу келмаган ошиқ кўнгил изтироблари ифода этилади. Бу ўриндаги «кеча» сўзига мутахассислар икки хил талқин беришади: кечаги кун ва кечаси. Ҳар икки талқинда ҳам маъно ўзини оқлайди. Кечаги кун келмагани учун ҳатто кечаси, боринги, интизорликдан тонгга қадар кўзларга уйқу келмаган.

**Лаҳза-лаҳза чиқдиму чекдим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў келмади.**

Ҳар лаҳзада йўлига кўз тикиб, интизорлик билан қайта-қайта чиқиб кутишлар туфайли жон оғзимга – халқумимга келди, бироқ у шўх, бадхулқ – ёмон қилиқли ёр келмади. Шоир у келмагани учунгина «бадхў – ёмон хулқли» деб атаётгани йўқ, аслида, жонни оғизга келтирар даражада инсон боласига азоб бериш – бадхулқлик.

**Оразидек ойдин эрконда гар этти эҳтиёт,  
Рўзгоримдек ҳам ўлғонда қоронғу келмади.**

Кундуз куни-ку (унинг орази – юзидек ёруғ эди), ўзини эҳтиёт қилиб келмаган бўлиши мумкин, лекин қоронғу тушганда нега келмади экан? Бу ўринда кундузнинг ёки унинг юзидек ойдин оқшомда келмагани билан ёр – ойдин сўзлари билан таносуб (маъно боғланиши) санъати ҳосил қилинмоқда. Иккинчи мисрадаги ташбеҳ – ўхшатиш (рўзгоримдек қоронғу) ҳам таносуб асосига қурилган. Бу қўшалоқ санъатлар келмаган ёрнинг мадҳигина эмас, балки келмагани учун рўзгор (турмуш)нинг қоронғу бўлганини эслатиш учун ҳам хизмат қилади. Яна биринчи мисрадаги маъно билан иккинчи мисра қаршилантирилмоқдаки, бу ораз – рўзгор, ойдин – қоронғу муносабати аслида ўзаро том маънодаги зид сўзлар асосида эмас, лекин айна байтда зид тушунчалар ҳосил қиладики, натижада ўқувчига етиб бораётган маъно янада таъсирчан чиқиб, дардли ифодага айланади.

**Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,  
Кимса борму ким анга кўрганда кулғу келмади.**

Ул пари ҳижрони мени девонасифат қилиб йиғлатди, бу ҳолни кўриб лабига кулғу келмаган киши қолмади. Бу ўриндаги девонавор йиғламоқ ҳолати кейинроқдаги ва сўнгги байт – мақтаъ билан ҳам боғланадики, айна шу ҳолатни тасаввур қила олмаган киши сўнгги байт талқинида оғирлик ҳис қилади.

**Кўзларингдин неча су(в) келгай деб ўлтурманг  
мени,  
Ким бори қон эрди келган бу кеча су(в) келмади.**

Кўзларингдан нега бунча кўп сув оқиздинг деб мени ўлтурманг (койиманг), бу кеча кўзларимга ёш – сув келмаган, унга келганларнинг бари қон эди.

**Толиби содиқ топилмас йўқсаким қўйди қадам,  
Йўлғаким аввалқадам ул маъшуқи ўтру келмади.**

Садоқатли талабгор – толиб топилиб бу йўлга (муҳаббат йўлига) қадам қўйди, бироқ ул маъшуқ ошиқ рўпара-

си, қаршиси (ўтру)га келмади. Мантиқан «де-вонавор» сўзи билан боғланган «толиб содиқ» ишқ йўлига кира бошлаган, қадам қўйган солиқ (йўлчи) эдики, бу йўлда унга раҳнамо керак. Чунки тасаввуфда ошиқни мақсадга йўналтирувчи пир-муршид бўлиб, унинг аввал босган қадами ошиққа йўлкўрсаткич бўлиб хизмат қиладики, бусиз ошиқ манзилга – мақсадга эришиши қийин.

**Эй Навоий, бода бирла хуррам эт**

**кўнглунг уйин,**

**Не учунким бода кирган уйга**

**қайғу келмади.**

Бода – май фақат қайғуни кетгазувчи – шодлик келтирувчи эмас, балки бода – аввалги байтларнинг мантиқий давоми сифатида тасаввуф адабиётида илоҳий муҳаббат рамзидир. Қалб илоҳий муҳаббат билан хуррам экан, бу хонадонга, яъни унинг қалбига ҳеч қачон қайғу келмайди. Илоҳий муҳаббат шундайин маъвоки, у ҳеч бир ўринда кичик инсоний қайғуларни киши қалбига яқинлаштирмайди, қалб доим ўзининг азалий маъвоси Аллоҳ ишқи билан тўйиниб яшаши ва унга интилиши лозим.

Кўринадики, кеча келмаган гул юзли ёрдан бошланган савдо кечаю кундузнинг, оламнинг ва барча махлуқларни халқ қилиб яратган Улуғ зотнинг муҳаббати билан қалб йўғрилиши керак, деган оламшумул маънога қараб кетади. Қалб илоҳий муҳаббатдан озуқа олгандагина инсоний муҳаббат унга кўприк вазифасини ўташи мумкин, чунки «мажоз (инсоний муносабат) – ҳақиқат кўпригидир».

Бу беназир сўзлар талқинида яна оламча маъно топишимиз ва яна янги «оламлар»га эга бўлишимиз мумкин. Бироқ биз уни тинглар эканмиз, сўзи дардли истиқболдан дарак берувчи куйга, яъни, сўздан созга қайтамиз. Бу йўлда асл туркий сўзга эш бўла оладиган Рамал баҳри ҳамроҳ.

Бу муҳташам ғазал «Муножот» деб аталмиш куй оғушида бизнинг шууримизга янада таъсирли ва дардлироқ сингади. Муножот – Яратганга илтижо дегани. Инсон ўз Яратувчисига илтижо қилиб, Унинг олдида тазарру қилса, қалби покланади, кундалик рўзгор икир-чикирларидан мосуво бўлиб, улуғ маънавий қудрат сари интилади. Демакки, ҳазрат Навоий ушбу ғазал орқали инсонни одатий туйғулардан юксалтириб, умумбашарий хилқат сари етаклайди. Наздимизда бу ғазални унга моҳиятан монанд бўлган буюк куй билан уйғунлашуви ҳам бесабаб эмас.

**Ҳамид УБАЙДУЛЛОҲ**



«Одамлар китоб ўқимай қўйди...», «Ёшларнинг китобга бўлган қизиқиши суст...», Бу тахлит ҳадик яқин вақтларгача оммавий ахборот воситаларида турли шаклларда ўртага ташланарди. Муносабат ҳам турлича эди: кимдир бунга оқласа, кимдир шунчаки ёқлар, бошқа биров эса китобнинг умри абадий экани ҳақида сўзларди. Йўқ, китобнинг умри утган эмас, аксинча, у мутлақо замонавий шаклда яшашида давом этмоқда. Бу фикрга заррача шубҳаланган киши пойтахтимиз марказида очилган «Китоб олами» дўконига кирсин, барча ўйлари тумандай тарқайди. Харидорлар, айниқса, ёшлар билан гавжум бу маскан ҳар жиҳатдан қулайлиги, хусусан, барча ёшдаги китобхонлар диди ҳисобга олингани билан кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Бугун бу ерда китобга ҳавасманд кишиларни, олимлар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъаткорларни ҳам кўрасиз. Уларнинг аксарияти фарзандларини бошлаб келгани янада қувонарлидир. «Зар қадрини заргар биледи», деганларидек, ушбу китоб дўкони ҳақида сўз санъати усталаридан фикр сўрадик.

## «Китоб олами»да дунё кашф этдим



**Иброҳим ҒАФУРОВ,**  
адабиётшунос олим ва таржимон:

– Мазкур китоб дўконининг очилиши зиёлилар, китобсеварлар учун катта совға бўлди. Бу ерга бир марта кирган одам камида икки соат қолиб кетиши аниқ. Яхшилаб кузатдим, 21 бўлимга ажратилган дўконда истаган китобни топиш мумкин экан. Уйимга яқинлиги сабабли бу ерга тез-тез кираман. Дўкон кун сайин янги нашрлар билан тўлдирилаётгани мени бағоят қувонтирди. Бу ердан тарих, маънавият, маданият, иқтисод дейсизми, адабиёт, таржима асарларми, ёшлар адабиёти, чет тиллардаги адабиётми, даврий нашрларми – хоҳлаганингизни топасиз.

Сотилаётган китоблар ноширлик жиҳатидан ҳам эътирофга лойиқ. Таъкидлаш жоиз, ўзбек ноширчилигининг сифати йилдан-йилга ошиб борапти. Юртимиз босмахоналарида чоп этилган китоблар дунёнинг манамен деган матбаа корхоналари маҳсулотлари билан бемалол беллаша олади. Мана, «Китоб олами»даги истаган китобни қўлга олиб кўринг, кўзингиз қувнайди. Мен бу дўконга кириб, ёшларнинг китобга бўлган қизиқиши камаймагани, аксинча, ортганига гувоҳ бўлдим. Шунинг учун бу масканни китоб дўкони эмас, маънавият кошонаси, дегим келади. Биз бу бойлиқдан баҳраманд бўлишимиз ва ўзимиздан кейинги авлодларни ҳам шу анъаналарга ўргатишимиз зарур.

**Умарали НОРМАТОВ,**  
филология фанлари доктори:



– Бу ер чиндан ҳам китоб олами экан. Ходимларининг билимдонлигини, жонқуярлигини айтмайсизми? Истаган китобингизни босма ё электрон шаклда топиб беришдан ташқари, китобларга буюртма ҳам қабул қилишяпти. Бирор бир китобни қидираётган бўлсангиз, иккиланмай шу ерга келаверинг. Мен бу ерда ўзимнинг «Қодирий мўъжизаси» китобимни кўриб, ростки, хурсанд бўлдим. Ўзимда ҳам қолмаган бу китобни қаердан топишди экан...

Охирги пайтларда ёшларни китобга оммавий қизиқтириш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Масалан, кенг миқёсда ўтказилаётган китоб байрамлари биз адабиёт шинавандаларини жуда хурсанд қилади. Шу ўринда бир таклифимни билдирмоқчиман. Бу ерда маданий-маърифий тадбирлар, ёзувчилар ва энг харидоргир китобларнинг муаллифлари билан учрашувлар ҳам ташкил қилинса, нур устига нур бўларди.



**Азим СУЮН,** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир:

– Бундай китоб дўконларининг очилиши, умуман, китоб савдосининг кенгайтирилиши маънавият юксалишига хизмат қилади. Бошқа соҳаларда бўлгани каби китоб тарғиботи борасида ҳам юксалишларни кўряпмиз. «Китоб олами»га кириб, ташкилотчилар томонидан китобхонларга яратилган шароитларга ҳавасим келди. Бу ер оилавий саводхонликни оширадиган, маънавий оламмизни бойитадиган, шу билан бирга, маданий ҳордиқ чиқарадиган ажойиб масканга айланишига шубҳа йўқ.



**Раъно ЯРАШЕВА,** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

– Китоб ўқишга жуда қизиқман. Шахсий кутубхонам бўлса-да кутубхоналарга, китоб дўконларига тез-тез бориб тураман. «Китоб олами» ҳақидаги мақтовларни эшитиб, ўз кўзим билан кўриш учун келдим. Одатдаги китоб дўконларининг бири деб ўйлагандим. Мутлақо бошқа таассуротлар билан чиқдим. Ахир, кўрганларим туш эмасди-да. Истасангиз, ўзингиз қизиққан китобни хотир-



**Меҳриноз АББОСОВА,**  
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:

– Китоб дўконига келганимда биринчи бўлиб, хаёлимдан шу жойга яқин жойда яшасам эди, деган фикр ўтган. «Китоб олами» дўгонларимнинг ҳам тез-тез келадиغان жойи. Ҳамма дўстларимни ушбу дўконга олиб келишига, шундай чиройли масканни ҳаммага кўз-кўз этишга ҳаракат қиляпман. Бу ерда илмий, оммабоп адабиётлардан ташқари, шахсий қизиқишларга жавоб берадиган психологик, ошхона сирларини ўргатадиган, биз ёшларни аниқ мақсад сари олға интилишга даъват қиладиган китобларни ҳам топиш мумкин. Бадиий адабиёт, жумладан, шеърятга оид китобларни кўздан кечириб чиқяпман, ёққанларини танлаяпман. Таржима асарлар бўлимидан ҳам ўзим қизиққан китобларни топдим. Болалигимда туман марказида ягона китоб дўкони бўлар-

Китоб дўконларида, кутубхоналарда китоб ўқийдиган одамлар ишлагани маъқул. Мен бу ерда ҳар бир ходимнинг сотилаётган китоблар тўғрисида ўзининг мухтасар фикри борлигига ҳам гувоҳ бўлдим. Китобхонларни бу катта ютуқ билан табриклайман. Ўйлайманки, бундай «Китоб олами» дўконлари юртимизнинг ҳар бир вилоятида очилади.


Биз доим одамларнинг адабиётга бўлган муносабатини ҳаётимизнинг тинчлиги ва хотиржамлигининг асоси сифатида таъкидлаймиз. Бу ерга бошқа бўлимдан китоб олишни мақсад қилиб келган одамнинг бадиий адабиёт бўлимига ҳам қизиқишини уйғотадиган ажойиб тафти бор. Бир пиёла чой устида китоб ҳақида суҳбат қураётган одамлар бу ердан таассуротсиз кетади деб бўлмайди. Қолаверса, улар, албатта, китоб харид қилади. Бу эса китоб савдосига ҳисса қўшиши билан бир қаторда, ҳали айтганимдек, оилавий китобхонликни тарғиб қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

жам ўтириб варақлайсиз. Бир пиёла чой устида дўстлар билан гурунг қилиш учун ҳам шароит муҳайё. Болалар бўлимига ҳам кирдим. Болалар дарсдан кейинги тўғарақда ўтиргандек гўё. Мутахассислар уларга вақт ажратиш, саволларига эринмай жавоб беришяпти. Албатта, тез кунда невараларимни олиб келаман, деб ўйлаб қўйдим.

Бу ердаги тартиб, озодалик, хушмуомалалик ҳам китоб харидорларини ўзига тортар экан. Ҳар бир чиқиб кетаётган харидорнинг қўлида уч-тўрттадан китоб. Мана, китобхонларга эътибор, мана, чинакам китоб уйи. Баъзан ёшларни китоб ўқимасликда айблаймиз. Бу ерда эса навқирон йигит-қизлар китобларни бир-бирига тавсия қилаяпти. Улардаги илмга, мутлолаага бўлган иштиёқни кўриб, хурсанд бўлдим.

ди. Бироқ у ҳам кўпинча ёпиқ бўлар, очик пайтида янги китобларни топиш маҳол бўларди. Ҳозир нафақат пойтахтдаги, вилоятлардаги нашриётларда чиққан китоблар ҳам тез фурдатда ўқувчилар қўлига етиб бормоқда. Бу йўлда китоб савдосининг замон талабларига жавоб берадиган бундай кўринишлари қўл келмоқда. Довруғини эшитиб, бир кўриб келайчи, деб келганлар тез орада доимий харидорга айланиб қолмоқда.

**Нилуфар ҲАЙИТОВА**  
тайёрлади





# Лайли ва

# Мажнун

**Шухрат РИЗАЕВ, филология фанлари номзоди, драматург:**

– «Лайли ва Мажнун» чинакам ишқнинг софлиги, поклигини кўрсатишга қаратилган асар. Аслида унинг қайта ишланишига ҳожат йўқ эди. Афсуски, собиқ тузум давридаги талаблар ижодкорларни масалани бошқа томондан ечишга мажбур қилган. Жумладан, асар моҳияти синфий қарашлар орқали очиб берилган. Шундай бўлса-да, Алишер Навоийнинг бу асарини ўша даврда сахнага олиб чиқишнинг ўзи катта ютуқ эди. Аслида Навоий даврида ҳеч қандай синфий қарашлар бўлмаган. Фақатгина муҳаббатнинг поклиги мужассам эди. Буюк бобомиз ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ишқни учга: ишқи авом, ишқи хос ва ишқи илоҳийга ажратган. Лайли ва Мажнун муҳаббати ҳам ишқи илоҳий бўлса-да, уни сахнага шу тахлит олиб чиқиш мураккаб, шу боис биз уни ишқи хос тарзида талқин қилиб, соф муҳаббатни улугладик. Чунки уларнинг муҳаббати поклик, илоҳийликдан иборат. Биз шу йўл билан ёшларимизга чинакам мумтоз асарларимизни кўрсатишимиз керак.

**Мирза АЗИЗОВ, Ўзбекистон халқ артисти, режиссёр:**

– Ҳазрат Навоий асарларини ҳар гал ўқиганимда беш юз йил олдин ҳам бугунни кўра билганига қойил қоламан. Яна шунча вақтдан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслигига ишонаман. «Лайли ва Мажнун»да шундай пок туйғулар ифодаланадими, илоҳий ишқни образларнинг ҳар бир ҳаракатидан топамиз. Бундай покиза туйғуни сахнага олиб чиқиш – ёшлар

онгини турли ёт иллатлардан кўра мумтоз, самимий туйғуларга ошно этиш бугун бизнинг олдимизда турган энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Истиқлол боис асарни чинакам тасаввуфий маънолари билан сахнага олиб чиқиш имконияти яралди. Айнан мана шу жиҳатларига урғу берилган жойларини биз ҳам ёрқинроқ кўрсатишга ҳаракат қилдик. Бу кейинги йиллардаги энг катта ютуқларимиздан. Бу борадаги ишлар асарни сахналаштириш билан битиб қолмайди. Биринчидан, асар устида Шухрат Ризаев анча вақт ишлади. Олдингиларидан фарқли ўлароқ, энди асарда Алишер Навоий образи бор. Бундан ташқари, соф тасаввуфий қарашлар барчага тушунарли тарзда талқин этилди. Илоҳий севгининг ифодаси ҳам кўрсатиб берилди. Биз кўлимиздан келганча ўз орзумиздаги Лайлини, Мажнунни яратдик. Бунга, албатта, томошабин ҳолис баҳо беради.

**Дилором АБДУОЛИМОВА, актриса:**

– Лайли образини яратиш – ҳар бир актрисанинг орзуси. Чунки бу бетимсол қаҳрамон серкирралиги билан ижодкор учун катта имкон беради. Менга ана шундай мураккаб образни ишонган устозим Мирза Азизовдан миннатдорман. Мирза ака кунт билан ишлайдиган, меҳнатсевар инсон. Менда «Лайли образини талқин қилиш кўлимдан келмас-чи!» деган ҳадик бор эди. Лекин шундай катта масъулиятли ишни ишониб топширишганига хурсанд бўлиб, кечаю кундуз шу образ ҳаёлида яшадим. Шу образ билан сахнага чиқиш бахти менга насиб қилгани – менинг бахтим. Театримизда бу каби залворли асарларга яна кўл урилади деб умид қиламан.

**Равшан ИБРОҲИМОВ, актёр:**

– Спектаклга тайёрланиш жараёнида доим мен Мажнун образига муносиб эмасман, деган ички ҳадигим билан курашдим. Чунки олдин ўйнаган образларимнинг ҳаммаси замонавий ёки ғарб табиатига яқин бўлган. Бирдан мумтоз асарлар томон ўтиш, бўлгандаям Мажнун образига кириш... Навоийни тушуниш... Мажнунни ҳис этиш учун кўп ҳаракат қилдим. Тўғри, аввалига репетициямизни кўрган айрим кишилар, «бу меҳнатнинг самара-



си бўлмайди» қабалида фикр билдиришди. Ҳозир эса чиқишларимни кузатаётган устозларимиз ҳар сафар ўсиш бўлаётганини айтишмоқда. Мен ёш актёрларга ишонч билан катта образлар топширилаётганидан мамнунман. Ижодий жамоанинг ишончи ва ёрдами билан Мажнун образига сахнага чиқдим. Энг муҳими, бу менга масъулият юклади ва Алишер Навоий асарларини ўқишга, имкон қадар уларни англашимга туртки бўлди.

**Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театридан томоша кўриб чиқаётганларнинг ҳаммаси бир нарсани – шундай спектакль кўришга томошабинларда эҳтиёж борлигини қайта-қайта такрорлашди. Бу спектакль шу йўлдаги яна бир қадам бўлди. Демак, эзгу анъаналар давом этади.**

ЭЪЗОЗА



**Алишер Навоийнинг «Хамса» асарига киритилган «Лайли ва Мажнун» достони шарқ халқлари орасида энг кўп тарқалган ишқ қиссасидир. Назаримизда, бошқа ҳеч бир асар бу каби севиб ўқилмаган, илоҳий севгини бу қадар гўзал тарзда очиб бермаган. Бундай асарларни ўқиш, ўқиш, тарғиб қилиш – яхшилик уруғини сочиш демакдир. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ана шу эзгу мақсад сари яна бир қадам ташланди. Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида ўттиз йиллик танаффусдан сўнг, «Лайли ва Мажнун» спектакли яна сахна юзини кўрди. Қайта ишланиб, ўзининг асл жозибаси билан намойиш этилаётган ушбу спектаклни кўрган томошабинларнинг таассуроти бир олам. Кўнгилларга мусаффолик, поклик бахш этган спектакль яқунлангач ҳам томошабинлардаги ҳаяжон тугамади. Улар қарсақлар билан актёрларни узоқ олқишлаб туришди. Демак, томошабин ўзи кўрган спектаклдан қониқиш ҳосил қилди.**





# Вақт

Ҳикоя

У ҳар сафар туғилган қишлоғидан эзгин бир кайфиятда қайтаркан, йўл бўйи нечунлигини англаёлмай баттар дилгир тортарди. Қизик, биров мушугини пишт дегани йўқ, синфдош жўралари ўша-ўша, ҳатто керагидан зиёда даражада иззатини қилишди, боз устига, онаси меҳридан бас деганча баҳраманд бўлди.

Хўш, унда бу дилгирликнинг боиси нимада?

Йигит ўз уйида ҳам бу нохуш ўйлар исканжасидан халос тополмайди. Дераза оша сершовқин шаҳар кўчаларига маъюс термулади. Тиним билмас чумоли карвонидай ғимирлаётган одамлар оқимига ҳардамхаёл боқади. Кейин эса ўша оломонга қўшилиб, шаҳарнинг қоқ киндигидаги балад иморатлардан бирининг энг юқори қаватидан ўрин олган устахонаси томон йўл олади.

Кўлидаги ясси қалитни эшик қулфига солганда, юраги бир қалқийди, деворлари мойбўёқда ишланган турли ҳажмдаги суратлар ила «безалган» кенг хонага қадам қўйганда эса энгил тин олади. Дераза қаршисига ўрнатилган мольберт қаршисига борганда, димоғида мойбўёқ ҳидини туйиб, шу дамгача ўзини азоблаб келаётган дилгирликни бутунлай унутади, ўзга олам, ўзга бир дунёга тушиб қолгандай, шуури тиниқлашиб, кўнгли оройиш топади. Хона пучмоғидаги китоб тўла жавонга бақамти жойлаштирилган кўҳна русумдаги чарм креслолардан бирига ястаниб, оёқларини чалиштириб, кўп эмас, атиги бир зумга нафас ростламоқни ҳарчанд истаса-да, негадир вақтини қизганиб, бундан ўзини тияди, мўйқаламлардан бирини кўлига тутиб, мольбертдаги битмаган суратга чалғийди. Аммо иш ва ижод билан бўлиб, вақти сурурли ўтаётганига қарамай, кунлардан бирида кутилмаганда тагин қишлоғини кўмсай бошлайди, шунда, онамни соғинибман шекилли, деган ўйга боради. Бироқ онаси ўзини соғинтириб кўядиган аёллардан эмас, ҳар икки-уч ойда бир ўғлини келиб туради. Шунга қарамай, тўйқусдан қўзғалган соғинч ҳисси уни тарк этмайди.

Нечун? Мазкур саволга жавоб топгунча бўлмай, мана, у яна қишлоғида.

Бу гал кўпдан бери дилига тугиб келаётган режасини амалга ошириш, яъни дарагини эшитиши билан дарров йўқлаб келадиган жўралари кўзини шамғалат қилиб, бийдек дашт адоғида ястанган Ёмонқир томон жуфтакни ростлаш ниятида эди.

Афсуски, улгуролмади. У эшик ёндорига суяб қўйилган чоққина мольбертга қўл узатишга улгурмай, қия очик дарвозада аввалига жўрабоши Шавкат новчанинг озгин жуссаси кўланкаланди, сўнг унинг изидан яна икки оғайниси кириб келди. Ана, девор ортидан яна



бир-иккисининг овози қулоққа чалингандай бўлди. Ва ҳовлида, ҳар сафаргидек, хушнуд хитоб жаранглайди.

– Ия-ия, Баҳром жўрамиз кеп қоптилар-ку!

У мезбонлик одобига кўра, кулча юзини табассумга тўлдириб, ўз навбатида, уларни қаттиқ соғинганини ич-ичидан туйганча, кадрдон жўралари томон ошиқади. Одатдагидек, бирин-сирин кўришаркан, беихтиёр тарзда, узоқдаги Ёмонқирга таассуф-ла кўз ташлаб кўяди ва зумда идрок этгани шу бўлдики, энди қирни тушида кўради – бор-йўғи икки кунга, жуда нари борса, уч кунга чўзилиши эҳтимоли бўлган бу ташрифи ҳам доимгидек дўстлари «ардоғи»да кечади: жўралар даврасида мактабдан кейиноқ қатъий ва бузилмас қонун-қоидага айланиб улгурган кўникмага кўра, унинг қишлоққа келиш шарафига, шу бугуноқ ота ҳовлисида қанотланиши шарт ва лозим бўлган улфатчилик, сўнг навбати билан жўралари хонадонига бир-бир кўниб ўтади.

Бу одатга ҳеч бир ҳолат ва шунингдек, Баҳромнинг гоҳ-гоҳида, кўп эмас, андаккина тутиб қоладиган ижодкорларга хос инжиқ феъли ҳам раҳна сололмайди. Зеро, Баҳром эсли йигит, «инжиқ»лик борасида доимо меъёрдан ошмасликка уринади, жўрачилик ҳақ-хурмати, андиша жиловини маҳкам тутати. Боиси, ўзига хос тушунчага эга бўлган бу давра аҳли анчайин кечки ва иззатталаб йигитлар – аввало аразлашмасин, аразлашдими, тамом – сўнг қайтиб отингни тутмайди.

У хушҳол қиёфада йигитларни ҳовли адоғидан ўтган ариқча бўйидаги сўри томон бошлайди. Сўнг хонтахта ни теварақлаб, узоқ ҳол-аҳвол сўрашади. Бу орада у тагин узоқдаги қирга зимдан назар ташлайди. Шунда бугунги ўтиришни қирга кўчирсак қандай бўларкан, деган ўй хаёлидан лип этиб ўтади-да шу ўй ва илинжда қошидаги йигитларга бир-бир боқади. Сўнг бу таклифи уларга маъқул келмаслигини тезда идрок этиб, чаккасини ғамгин қашлайди. Дўстларига олисдаги қирнинг зиғирча қизиғи, тариқча қадри йўқ, шу иссиқда пишириб қўйибдимми, ё аждарҳога ем бўлмоқчимисан, дейишлари аниқ.

Аждарҳо – бир ривоят. Аммо Омон отлиғ бир чўпон ва яна икки-уч киши қир оралиғида харидек йўғон илонга дуч келгани рост. Шу воқеа сабаб қир «Ёмонқир» деган номга эга бўлган. Ўшандан кейин бу афсонавий жонзодга ҳеч ким дуч келмаган эса-да, бироқ у ҳақдаги турли-туман ривоятлар ҳали-ҳануз эл оғзида чайналиб келади ва аксарият кишилар, жумладан, жўралари ҳам қирга ҳадик билан қарашади, ундан олисроқ юрган маъқул, дейишади. Билъакс, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, улардан бирортаси ҳам Баҳром каби Ёмонқирнинг ваҳимали ўнгурларини бирма-бир кезиб чиқмаган, айиқ сиғарли тош уяларни, нелиги ноаён бўлган тошқолакларни, ғаройиб тошкапарларни, турли тус ҳамда шакл-шамойилдаги қоятошларни, қалин чакалакзорларни, қатор булоқ кўзларини, қисқаси, Баҳромнинг таъбири билан айтганда, кишини эсдан оғдирувчи чин ёввойи табиат тароватини ўз кўзлари билан кўрмаган ва ўз навбатида, бунга тариқча ҳам хоҳиш-истаклари йўқ. Ахир бекордан-бекорга заҳмат чекиб, аввалига юксақлиги ўртача тоғдан сал бери бўлган қир яяринига кўтарилиш ва сўнг қияликда тошларга қоқилиб-суқилиб, сирғалиб, қуйига – икки қир оралиғида яшил тасмадек базўр кўзга ташланиб турган

чоққина водийга – «аждаҳо макони»га энишга кимда тоқат, кимда юрак бор дейсиз.

Агар ўшанда қандайдир доривор ўт илинжида бўлган Собир мерган кўярда-қўймай бошлаб чиқмаганида, эндигина институтни тугатган ва Ёмонқир ҳақидаги тасаввури жўралариникидан пеш бўлмаган Баҳром икки дунёда ҳам у томонга қадам босмаган бўларди. Ўша кун Собир мерган тимирскиланиб ўт қидирган, у эса, мусаввир эмасми, одам боласи томонидан даҳл қилинмаган ёввойи табиат қаршисида лол қолганча, қоғоз-қаламсиз, қуруқ қўл билан чиққанидан жуда-жуда ўкинган. Кейинчалик эса хотираси ҳамда тасаввурига таянган ҳолда кўрган-кечирганларини аввал қаламда, сўнг мой-бўёқда акс эттирган. Бу суратлар ҳозиргача устахонаси тўрида қатор осигли турибди.


Баҳром шуларни хаёлидан ўтказаркан, дафъатан миясига келган ўйдан сергак тортди. Шошма, ҳар сафар қишлоғига нисбатан кўнглида туйқус туғиладиган соғинч ўша суратлар туфайли эмасмикан? У узатилган пиёлани кўлига оларкан, манглайи тиришганча, ўйга чўмади: суратларга сал зиёдроқ тикилиб қолган кезларида юрагида англамсиз туйғулар кўзголиб, сўнг давомли соғинчга айланиб кетишини секин-аста идрок этаркан, шуни англаб етдики, бу пайтда бутун фикр-ёди волидаси томон оққандек эса-да, аслида кўз ўнгида Ёмонқир, мўъжазгина кўриниш касб этган она қишлоғидан ўзгаси гавдаланмас ва бунинг акси ўлароқ, манави кадрдон жўралари ҳатто эсига ҳам келмасди. Ёмонқирнинг чўнг салобати қаршисида қишлоғи ушоққина, ҳамқишлоқлари эса мисли заррадек, кўзга илганмасди.

Кутилмаган бу ҳиссий эътирофдан Баҳром ҳаяжонга тушади, ўта муҳим бир сирнинг тагига етгандай, ўтирган ерида у ён-бу ён бетоқат тебранади. Қани энди, шу тобда адоқсиз фикрлар уммонига чўмсанг, рангин туйғулар сеҳрига маҳлиё бўлганча, шавққа тўлиб, кимгадир юрагингни тўксанг!

Аммо кимга? Умрида илк бор жўралари рафторига малолланиб боқди. Миясидан, йўқ, буни англашга қодир эмас улар, деган оғриқли ўй ўтди. Чунончи, дастлабки икки қадахданок баданлари қизиб, бир-бирига гап бермай, бор овозда вағиллашни хуш кўрадиган дўстларига, жўра сифатида, унинг ўзи азиз, шавқли туйғулари ва тугёнлари эса, худди ижоди каби тушунарсиз, демек бефойда. Ахир кўнгли учунгина, йўлига, қачон бизнинг расмимизни чизасан, дўст, дейишдан нарига ўтмайди-ган бу шўрликлардан яна ниманиям кутиш мумкин.

Кейинги пайтда дам-бадам айланиб қоладиган бу каби нохуш ўйларга ортиқ изн бермаслик вазидан у тевараққа аланглади ва шунда кўзи сўрининг кунчиқиш тарафида бўйланиб турган ёлғиз гулхайри бандида ўрмалаб бораётган бир жуфт хонқизига тушди. Қизиксиниб кузата бошлади. Ана, олдинда илгарилаб бораётган жонзотлардан бири ўртадаги шапалоқдай япроққа етганда, тўхтади-да, аввалига япроқ сиртида обдон тараддудланди, сўнг қора холли қизғиш қанотларини икки ёнга керганча учишга ҳозирланди. Бироқ парвозни эплаёлмади, қуйига шўнғиди-кетди. Иккинчи хонқизи эса хийла қатъиятли экан, ўрмалашда давом этиб, тепадаги гул бандигача етиб борди.

(Давоми 38-39-бетларда)




# MARDLIK, ORIYAT VA SHIJOAT TIMSOI

Кўхна миллий қадриятларимиздан бири бўлган кўпкарининг тарихи олис ўтмишга бориб тақалади. Инсонда мардлик, орият, жасурлик каби фазилатларни тарбиялайдиган, шакллантирадиган бу ўзига хос беллашув тури азалдан ёш йигитларнинг нафақат жисмонан, балки маънан баркамол бўлиб камол топишида катта ҳаёт мактаби вазифасини ўтаган.

— Бизнинг Ўрта Шўрчи қишлоғимизда кўпқари ўйини мунтазам ўтказиб келинади, — дейди Самарқанд вилояти Нуробод туманида яшовчи нафақадаги ўқитувчи Сайфулла Дониёров.

— Тўйларда кураш, кўпқари мусобақаларини ўтказиш одат тусига кирган. Мана қаранг, беллашув майдонида оти пишқириб, ўзи шамолдай учишга тайёр жасур йигитлар кўп. Ишончимиз комилки, уларни кўпқарига қўйилган совринлардан кўра ўз кучига ишонган ҳолда улоқни айириб чиқиш кўпроқ қизиқтиради. Кўпқари ўтказиладиган даврага ҳамма ҳам юрак ютиб киравермайди. Мард, жасур, чавандозлик борасида маълум тажрибга тўплаган, от билан дўст бўлиб тиллаша оладиган ҳалол, ор-номуси баланд йигитгина бунга жазм этади.



# KO'PKARI

*Адабиёт ва тарих бир сўз билан айтганда, маънавият баркамол инсонни тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Агарда тамаддун тараққиётидаги тарихий жараёнларга эътибор қаратилса, адабиёт инсонларни тарбиялаб келган, онгини юксалтирган, дунёқарашини кенгайтирган, маданиятини тараққий эттирган, жамиятдаги мақоми ва нуфузини кўтарган.*



# Adabiyot va ma'naviy BARKAMOLLIK

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда баркамол авлод сифатида тарбиялашга йўналтирилган бир қатор тадбирларни амалга оширомоқда.

Бугунги кунга келиб, иқтидорли ёш ижодкорларнинг илк асарлари «Ижод» фонди томонидан бепул нашр этилмоқда, турли адабий жанрлар бўйича таниқли шоир ва ёзувчиларни жалб этган ҳолда уюшмада ҳамда жойларда маҳорат дарслари ўтказилмоқда, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида ижод қила бошлаган ёш қаламкашлар учун Ёзувчилар уюшмасининг «Дўрмон» ижод уйида семинар-кенгашлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, турли ўқув муассасалари ва ташкилотларда ёш ижодкорлар илк адабий асарларининг тақдимот маросимлари юқори савияда ўтказилмоқда, Ёзувчилар уюшмаси ходимлари ва аъзолари Ватанимизда нишонланаётган умумхалқ байрамлари, адабий анжуманлар, учрашувларда чиқишлар қилиб, ўз ижод намуналари билан халқимиз, ёшларимиз маънавиятини янада оширишга хизмат қилмоқда. Ўтмишда баракали ижод қилиб, нафақат маънавий меросимизни бойитиш, балки жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган адиблар, ёзувчи ва шоирларнинг таваллуд кунлари кенг кўламда нишонланмоқда. Ушбу ҳолатда бундай тадбирларнинг сиёсий, маънавий, дидактик ва психологик аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Мамлакатимизда адабиётга берилаётган юксак эътиборни эътироф этган ҳолда қуйидаги таклифларимизни билдириб ўтгимиз келди:

- адабиёт ва китоб билан ошно бўлишдек нодир қадриятларимизни ёш авлод онгига синдириб бориш;

- ёзувчилар ва шоирлар билан жонли мулоқот ҳамда истиқболли ҳамкорликни тобора кенгайтириб бориш;

- мунтазам равишда китоб ярмаркалари ва кўр-

газмаларини ўтказиш ва бу тадбирларга аҳолининг турли қатламларини жалб этиб бориш;

- мумтоз ва замонавий адабиётимизда муносиб ўрин олган асарларнинг хорижий тилларга қилинаётган таржималарига эътиборни янада кучайтириш;

- жаҳон китоб бозорларида адабиётимиз намуналарини кенг тарғиб қилиш, чоп этилаётган бадиий нашрларимиз тақдимотини ўтказиб бориш – турли мамлакатларда бўлиб ўтаётган халқаро китоб ярмаркаларида фаол иштирок этиш.

Ёшларимизнинг адабиётга меҳр қўйишида, аввало, мумтоз адабиётимиз намуналари билан уларни таништириш жуда муҳим. Адабий асарлар умуминсоний қадриятлар бўлмиш эзгулик, бағрикенглик, оқибат, яхшилик, инсонийлик, сахийлик, ширинсўзлик, Ватанга ва оилага садоқат, жасорат, мардлик, муҳаббат сингари инсоний фазилатлар тараннум этилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳозирда адабиёт мактабгача таълим муассасаларидан тортиб, то олий таълим муассасалари ҳаётига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Ёзувчиларимиз яратган асарлар театрларимиз репертуарларидан муносиб ўрин олмоқда. Улар асосида бадиий фильмлар, сериаллар ишланмоқда. Адабиётимиз соҳасида эришган ютуқларимиз ва муваффақиятларимиз амалга оширилаётган изчил ислохотларда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлаётганлигидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, бадиий адабиёт нафақат тарбиявий, шу билан бирга муҳим ҳаётий аҳамият касб этмоқда. Айтиш керакки, баркамол инсонни тарбиялашдек масъулиятли вазифани амалга ошириш жамиятимизда ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

**Бобур ҒИЁСОВ,**  
тарих фанлари номзоди, доцент

# TIL – TARAQQIYOT KALITI

**Мамлакатимизда ёш авлодни юксак билимли, интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш ҳамда таълим соҳасини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодни замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига бағишланган кенгайтирилган мажлисида сўзлаган нутқида таъкидланганидек: «Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир».**

Мамлакатимизда ёшларни нафақат кенг билим, профессионал кўникмаларни эгаллаши, айти пайтда чет эл мамлакатларидаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиши, бугунги глобаллашув жараёнларида дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиши, хорижий тилларни чуқур эгаллаши, тил орқали дунё илм-фани ютуқларидан баҳраманд бўлиши учун барча шароитлар яратилган ва бу жараён узлуксиз давом этмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганлиги чет тиллар таълими тараққиётида муҳим тарихий воқеа бўлди, чунки унда мамлакатимизда чет тилларни жаҳон андозаларига мос равишда тизимли, чуқур ўрганиш борасида қилинадиган ишларнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, уларни амалга ошириш чора-тадбирлари ва муддатлари белгилаб берилган.

Қарор ижроси юзасидан узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида хорижий тиллар, айтиқса, инглиз тилини кенг қамровли ўрганиш бўйича ўқув дастурлари тубдан янгиланди ва узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари учун ўқув дастурларига мос дарслик ҳамда ўқув-қўлланмалар яратилмоқда.



Чунки сўнги чорак аср мобайнида инглиз тили:

- дунё миллатлари орасида мулоқот тилига айланиб улгурди;
- интернет саҳифаларидаги асосий информацион материаллар инглиз тилида берилмоқда;
- инглиз тилида чоп этиладиган фан-техникага оид илмий нашрлар, шунингдек, бадиий адабиётлар сони тиллар орасида биринчиликни эгаллаб турибди;
- дунёнинг барча мамлакатларида инглиз тили асосий хорижий тил сифатида ўқитилмоқда.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда хорижий мамлакатлар билан бўладиган алоқаларни чет тилларисиз тасаввур қилиш қийин.

Дарс жараёнлари учун энг сўнги замонавий техник воситалар: проектор, ноутбук, лингафон синфлар тахт қилиб берилган.

Айтиқса, синфларнинг кичик гуруҳларга бўлиб таълим берилиши ўқувчиларда барқарор эшитув-талаффуз кўникмаларини шакллантириш имконини бермоқда.

Телевидение орқали болалар учун берилаётган турли кўрсатув ва дастурлар, айтиқса, болалар севиб томоша қиладиган «Volajon» телеканалда ҳам ўзига хос инглиз тили дарсларининг берилаётгани амалдаги қарорларнинг ижросини таъминламоқда.


Шундай кенг имкониятлардан биз ёшлар унумли фойдаланишимиз, ўрганилаётган тил борасида тинмай изланишлар олиб боришимиз, доимо юксакликка интилиб яшашимиз керак.

«Тил – тараққиёт калити», у билан жаҳон хазинасининг эшикларини очиш мумкин. Ватан ва миллат тараққиёти учун тил ўрганишнинг аҳамиятини англаб етган биз ёшлар бу масъулиятли ишда фидоийлик кўрсатишга бурчлимиз.

**Бахтигулой УБАЙДУЛЛАЕВА**



# Боқий севги афсонаси



# Durdona qomusi

**Ўзбек кино санъатида улкан воқеага айланган, 70 йилдан буён томошабинлар қалбини ларзага солиб келаётган «Тоҳир ва Зухра» бадиий фильмининг яратилиш тарихига бағишланган «Боқий севги афсонаси» номли китоб тайёрланиб, Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди.**

«Тоҳир ва Зухра» фильмининг ўзига хос қомуси нашр этилди. Ун бир қисмли, 2798 метрли фильм тадқиқот объекти бўлди. Унинг тарихи, бадиий воситалари, тасвирий «тили», ижро санъати, монтаж мароми, мусиқавий ечими, режиссураси атрофлича ўрганилди. Илмий очерклар ҳамда суҳбатлар, давлат ва шахсий архивларда сақланаётган ҳужжатларнинг асл нусхалари, уларнинг изоҳи, ижодий портретлар ва эстетик даражага кўтарилган ахборот ноёб фотосуратлар билан яхлит мажмуани ташкил этди. Телеэкранда мунтазам кўрсатилиб келинаётган, 70 йиллик давр масофасини босиб ўтиб эстетик ва коммуникацион, маданий-маърифий ва тарбия, методологик ва эстетик вазифаларни бажариб келаётган экран асарига махсус китобни бағишлашга эҳтиёж бормиди? Саволга жавоб излайдиганларга фикримизни айтамиз: зарурат бор эди. Юртимизда шуҳрат қозонган, жаҳонга манзур бўлган бу фильмининг кадрига яқин ўтмишда етилмаган. Москвада бўлган муҳокамада «Тоҳир ва Зухра» фильмида севги, ҳис-туйғу ўз ифодасини топмаган, унинг таркибидан ўрин олган мусиқа, ашулалар негадир кўпроқ симфоник оркестр ижросида эмас, халқ чолғулари ижросида берилган, бош ролларни ўйна-

ганларга маҳорат етишмаган – шу каби «нуқсонлар» тилга олинган. Ўша муҳокаманинг стенограммаси топилиб, изоҳ билан илк бор чоп этилмоқда. Уни ўқиган китобхон ноўрин, мутлақо асоссиз қўйилган талабларга одил ва оқил жавоб топади.

Аслида фильмининг экрандаги 70 йиллик умри таъналарга нисбатан догматик танқид кўринишларига жавоб беради. Асарнинг бадиий-ғоявий қиймати, ҳозирги лексика билан таърифлайдиган бўлсак, қаҳрамон архетипи илгари сурилганида, ўтмишга, замонасига, истиқболга хизмат қилишга қодир бўлган олийжаноб ғояни илгари сурганида, қаҳрамон типини яратганида. Аждодларимиз ҳамиша истибодга қарши қурол билан, билак кучи, букилмас иродаси ила курашди. Айни пайтда халқимиз орзу-умидларини, эл-юртга бўлган садоқатини, юксак ҳис-туйғуларни қадрлашини дostonларда («Тоҳир ва Зухра»нинг вариантлари бир-бирдан теран, бири иккинчисидан гўзаллигини эслатиб ўтади) ифода этган. Иккинчи жаҳон урушининг оғир дамларида шу мавзу, ҳеч эскирмайдиган ғоя янги эстетик шаклда миллионларга етказилди. Давримизда жаҳон миқёсида глобаллашув ҳамда унинг таркибида кўзга яққол ташланаётган глокализация кўринишларини

назарда тутиб, бу каби асарларнинг ижодий, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини белгиласак, уларга мурожаат этиш, уни ўзлаштириш бадиий ижодда миллийликни сақлаб қолиш йўлларини кўрсатишини мамнуният билан қайд этамиз. Бу масала китобда илмий концепция даражасига кўтарилган ва турли шакл, жанрда ёзилган асарларда, шунингдек, давр ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Асарнинг эстетик қиймати шундаки, барҳаёт мерос чуқур ўрганилиши ва янги эстетик шаклда – аудиовизуал кўринишда таърифланишида фольклор дурдонасига путур етмади. Адабий пойдевор бакуват бўлишини Собир Абдулланинг ақлли қалами, Наби Ғаниевнинг билими, заковати билан бирга олим Яҳё Ғуломовнинг тафаккури, бастакор Тўхтасин Жалилов топган ва композитор Алексей Козловский қайта ишлаган куйлар сценарийдан ўрин олгани, етук актёрлар матнни ўзлаштириш жараёнида унга ижодий ёндашгани билан ҳам таърифланади. Достоннинг миллий руҳини сақлаб қолишда билимдон юртдошларимиздан ташқари маданиятимизга меҳр қўйган Михаил Ромм ва Алексей Спешнев, Даниил Демуцкий, шунингдек, Варшам Еремяннинг хизматларини қайд этиб ўтиш ўринлидир.

«Тоҳир ва Зухра» нинг кино амалиёти учун аҳамиятини санашда давом этадиган бўлсак, тўлиқ метражли бадиий фильм илк бор ўзбек тилида суратга олинганини, театрнинг тажрибали актёрлари ҳамда типаж йўли билан танланган (ташқи қиёфаси мос келган, лекин профессионал тайёргарлиги бўлмаган) ҳаваскорлар ягона ансамблни ташкил этганини, когнитив асос билан боғлиқ бўлган масала – фольклорнинг муайян кўринишига ёндашиш методологияси пухта ўйланганини, қўлланганини таъкидлаб ўтардик.

Актёрлар суратга олиш давларида, фильм фонограммаси тайёрланишида ҳам она тилида – ўзбек тилида сўзлаганлар. Шу тариқа фожиага учраган Бобоҳон – Асад Исмамовнинг таъсирчан овози, Зухра – Юлдуз Ризаеванинг кўнғирокдек жарангли овози, сахнада сўз маданиятини ўзлаштирган Обид Жалилов (вазир), Шукур Бурҳонов (Қоработир), Соат Толипов (Боҳир)нинг бетакрор талаффузи асарнинг овозли партитурасини беади. Синчков томошабин овозлар гаммаси сержило эканлигидан таъсирланади. Эслаб кўринг: жарангдор, лекин назокатли овоз (Зухра – актёр Юлдуз Ризаева), эҳтиросли сўзлар, вазмин, латофат ила талаффуз этилиши (Тоҳир – актёр Ғ.Тоҳиаълоев), фожиа билан яқунладиган ҳикоя майин, ҳамдардона бир тарзда олиб борилиши (шоир, тарихнавис Нозим – актёр Р.Ҳамроев), нисбатан йўғонроқ, ўткир овоз адоватга тўла сўзларга мос келиши (Қоработир – актёр Ш.Бурҳонов), садоқатли дўст, мард йигит, довюрак сарбоз жозиба-ли бир оҳангда сўзлаши (Боҳир – актёр С.Толипов), ҳатто бош қахрамонларнинг болалик чоғларига бағишланган эпизодларда қувноқ, шўх овозлар саройда баралла янграши (Тоҳир ва Зухранинг 9-10 ёшлиги – ҳаваскорлар Д.Ғаниев, В.Қориеқубова) но-

зик эстетик масалаларни ёритишга қаратилган.

Ҳар бир актёр, ҳаваскор суратга олиш майдончасида айтган сўзини овоз ёзиш студиясида ҳам қайта талаффуз этган. Бинобарин, руҳий ҳолатга қайта кирган. Бу ўринда ҳам режиссура юксак даражада бўлган. Бир мақсад йўлида бирлашган, изланган ижодий гуруҳ кўҳна афсонанинг руҳини сақлаб қолган ҳолда кинонинг мустақил асарини яратган. Собир Абдулла ҳам, Наби Ғаниев ҳам ўша дамда томошабин олқишига сазовор бўлган «Тоҳир ва Зухра» мусиқали драмасини кинотасмага муҳрлашдек жўн, ўзини оқламайдиган йўлдан бормадилар. Достон, эртактларнинг фабуласини ҳам қайта идрок этиб, уруш йилларининг оғир муҳити, шароитдан келиб чиқиб, севги-садоқат драмасида қахрамонлик эпосига хос кўтаринки, шуқуҳли монументал руҳни сақлаб қолиш йўлидан бордилар.

Асар шунчалик теран ва кўркамки, унга турли ракурсда мурожаат этиш мумкин. Ҳар гал фильмдан завқ оласан, янги фикрлар оғушида бўласан, қўлингга қалам олиб илҳом берган асардан ўзинг кашф этган бирор жилони таърифлашга киришасан.

**Ҳамидулла АКБАРОВ,**  
профессор, китоб масъул муҳаррири



## (Боши 6-7-бетларда.)

Адибимиз ўз изланишлари натижасида, уни романда пири муршид Мир Саййид Барака тилидан чиройли тарзда ёритади ва рубоийни тўлиқ шарҳлашга ҳам улгуради:

«Мўътабар каломлардан тошдай қотиб турган Соҳибқироннинг кўнгли беихтиёр юмшай бошлади, ғазаби лутфга алмашди ва атрофга боқиб беихтиёр бир мисра шеър ўқиди:

Абдол ан бим чанг бар мусхаф зад... –  
(Яъни: Қўрқувдан Қуръонга чанг солди дарвеш).

Буни эшитган пири муршид ҳайратдан ёқа тутди! Ё раббий! Соҳибқирон бундан тўрт юз йиллар муқаддам яшаган машҳур шайх, сўфий шоир Абусаид Абулхайр рубоийсининг тўртинчи сатрини келтирганди! Тасаввуфий бу рубоийда теран мазмун ифодалангани пири муршиднинг ёдида. Мазмуни бундай эди: Нигор – Оллоҳни кўрганда жаннатдаги ҳурлар ҳамма ишни тўхтатиб, Уни қутлаш учун сафга тизилибдурлар. Жаннат ҳам, ўзи қанчалик чиройли бўлмасин, Оллоҳ дийдоридан ҳайратланиб, қарсақ чалиб юборибди, дарвиш эса бемисл иқтидор, ҳокими мутлақ жамолидан кўриб кетиб, дарҳол «Қуръон»га чанг солиб, ўқишга киришибди... Бу рубоийни Соҳибқирон мутолаа қилган, ҳатто ёд олган экан! Аммо қачон ўқиган, қандай хотирда сақлаб қолган, бу ёгини пири муршид билмайди». (Муҳаммад Али. «Улуғ салтанат». «Шоҳрух Мирзо», Т., 2014. 510-511-бетлар).

Шунингдек, адибга халқимизнинг XIII-XV асрлар турмуш тарзига оид материаллар, этнография, топонимика, шаҳарлар географияси, тил муаммолари, урф-одатлар, ҳарбий ва диний атамалар, кийим-кечаклар, таомлар, маиший ҳаёт ҳақидаги турли маълумотларни ҳам тўплашга тўғри келди. Чунки роман-эпопеядаги ҳаракатлар, воқеалар майдони жуда кенг, Турону Эрон, Шом, Ироқу Рум, Олтин Ўрда, шарқда Юлдуз водийсигача бўлган ерларда бўлиб ўтади.

Адабиётнинг бош мавзуси инсон эканлигини яхши биламиз. Роман-эпопеяни ёзишга киришар экан, адиб устозлар – Лев Толстой, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировларнинг ижодий тажрибаларидан фойдаланишга киришди. Ижодкор олдида Амир Темурни, халқимизнинг буюк фарзандини, буюк инсонни бутун ўзининг мураккабликлари ва зиддиятлари билан тасвирлаб, кўрсатиб бериш вазифаси турарди.

Эпопеянинг бош қаҳрамони Амир Темурдир. Амир Темур деганда, биз ҳаммиша отда юрадиган, ҳарбий юришлар соҳиби, фотиҳ, йигирма етти мамлакатни мусаххар қилган, совуту дубулғага ўралган саркарда кўз олдимизга келади. Соҳибқирон ҳақида жаҳонда ёзилган китобларда асосан мана шундай тасаввур берилади. Афсуски, бу Соҳибқиронга бир ёқлама қарашлар натижасидир.

Муҳаммад Али Амир Темурга бундай қарашлардан ўзгача, яъни Соҳибқироннинг мустақил Ватанида унинг тимсоли янгича талқин этилаётган нуқтаи назардан ёндашишга ҳаракат қилди. Бу тўғри йўл эди. Уни Соҳибқироннинг кам ёритилган оилавий ҳаёти, хонадони, фарзандлар, келинлар, ҳарам аҳли, улар орасидаги инсоний муносабатларни кўрсатиб бериш кўпроқ қизиқтирди.

Ёзувчи улкан жаҳоншумул сиймо ҳаётини таъ-

рифлаш учун ўзига хос йўл тутди. Муҳаммад Али асарининг жозибаси, унда дунё адабиётида илк марта оилавий ҳаётининг ёритилишида ва мана шу ракурсда Амир Темур сиймоси жилоланишининг кўрсатиб берилишидадир. Мухтасар қилиб айтсак, буюк бобомизнинг инсон сифатида, ҳа, севган ва севилган, ишонган ва шубҳаланган, қувонган ва қаҳрланган, дунёни забт этган жаҳонгир ва айни бир пайтда оддий чумолидан шиддатни ўрганган бир банда сифатида таърифланишидадир.

Амир Темур нафақат улуғ саркарда, айни пайтда фаолияти халқимиз тарихи зарварақларини бегаган табаррук инсон, ҳақиқатни ёқлагувчи, адолатпеша, ёлғонни ёмон кўргувчи, бир сўзли, оқибатли шахс. У кечирмоқ ҳам Оллоҳнинг бир инояти, деб ҳисоблайдиган улуғ зот. Бировга ёмонликни раво кўрмайдиган бутун қалб эгаси. Шунинг учун ҳам у, «Тузуқлар»да айтилганидек, ёмонлик қилганларни ўз ёмонликларига топширади ва бундайлар билан курашиб, вақтини беҳуда кеткизмайди. Масалан, бадният Шибирғон ҳокими Зиндачашм Опардий тўрт марта хиёнат қилганида ҳам кечиради, яъни ёмонлигидан қайтар, дўст бўлиб кетар, деб умид қилади. Душманни ҳам дўстга айлантириш Соҳибқироннинг эзгу одатларидан бири эди. Булар эпопеяда яхши акс эттирилган.

Асарнинг энг катта ютуғи, унда Соҳибқирон Амир Темурнинг тўлақонли образи яратилишидир. У – буюк давлат арбоби, бунёдкор инсон, илму фанимизни ривожлантиришга замин яратган қалби мунаввар шахс, ингилишни билмаган бетимсол саркарда! Парчаланиб кетган мамлакатни бирлаштириб, улкан давлат туза олган диёнатли зот, зукко-ю донишманд сиймо, меҳрибон ота, ардоқли маҳбуб... Иймони бутун, қалби пок, покиза бир хонадон соҳиби сифатида аҳли аёлига меҳрибон, шерюрак, валломат зот... Унинг фарзандлар тарбияси ҳақида кўрсатган ғамхўрликлари таҳсинларга лойиқдир. Ўқувчи уни кўриб туради, ўзини ўша даврда кезиб юргандек ҳис қилади. Романда улуғ бобомиз комил инсон сифатида ёрқин намён бўлади.

Роман-эпопеяда жуда кўп тарихий сиймолар, тўқима образлар ҳаракат қилади. Соҳибқирон саройи, боғлари, ҳовли-ҳаёти, ҳарам аҳли, шахзодалар, маликалар, канизаклар ва ҳоказо кўп образлар шу роман-эпопея орқали адабиётимизга кириб келганини алоҳида таъкидлашни истардик. Сароймулкхоним (бу зот ҳақида озми-кўпми адабиётимизда ёзилганини айтиб ўтайлик), Улжой Туркон оқа, Туман оқа, Дилшод оқа, Тағой Туркон оқа, Чўлпон Мулк оқа, Тўқал хоним каби маликалар, Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Муҳаммад Султон, Халил Султон каби ўғил ва набиралар, Оқа бегим, Султон Бахт бегим каби қизлар, Хонзода хоним, Соғинч хоним сингари келинлар, Амир Жоку барлос, Амир Сайфиддин некўз, Аббос баҳодир, Жаҳоншоҳ ибн Жоку сингари амирлар образлари адабиётимизда мутлақо янгиликдир. Бу образларнинг ҳар бири ҳақида кўп ибратли сўзлар келтириш мумкин. Чунончи, Ҳалокухон тахти инъом этилган Мироншоҳ Мирзога узатилган малика Хонзода хонимнинг «Мироншоҳ Мирзо» романидан келтирилган Сароймулкхонимга ёзган мактубига тўхталайлик. Мактуб ва унга берилган жавобда маликаларнинг сиймолари шундоққина кўриниб туради, ўқувчи дарҳол давр руҳини ҳис қилади. Бир-бирига ҳурмат, юксак одоб юзасидан ёзилган, меҳр, куйиниш,



қайишиш туйғуларига йўғрилган майин, чиройли самимиятга тўла мактубни ўқиб, киши мамнунлик ҳиссини туяди.

Хонзода хоним ёзади: «...Маҳди улё жаноби олияларини жуда кўргим келадур. Худди арода уч ой эрмас, уч йил кечгондек... Оллоҳ азиз қилгон чехрага назар солмак кони савобдур, дерлар ахир. Кунлар ўтиб турибдур. Пешонаминг шундоғ эканлиги, албатта, ёлғиз худодандур ва балки ўзим ҳам сабабчидурмен... Худо раҳмат қилгур волидам Шакар бика жаноби олиялари муҳтарам бобомлар Султон Муҳаммад Ўзбекхон ҳазратларидан сўйлаб, яхши юмушларим худонинг илтифотидур, ёмон ишларимга ўзим сабабчидурман, деганларини кўп айтар эрдилар. Оллоҳ таоло мени бир томондан сийлаб (яъни ҳасаб йўли (шахсан қозонилган донг-довруқ, фазилат – У.У.) билан шарафлаб, кўрку хусн ато этиб, иккинчи ёқдан қисди (яъни ёш туриб, суюкли ёримни Жаҳонгир Мирзони бағримдан тортиб олди). Мени ёлғиз ўзингиз англағойсиз». («Мироншоҳ Мирзо» романи, 129-бет)

Сароймулкхоним жавоб битади: «Ассалому алайкум ва баракотух. Суюкли ва ардоқли маликаи даврон Севин бика жаноби олияларига, нурли узорларига тикилиб-тикилиб ўлтириш бахтидан умидвор хонимойимдан деб билгайлар. Худонинг бемисл марҳаматидай туюлгон муборак мактубингиз қўлимизга етди, бошимиз эса нақ – осмонга... Хатингизнинг қорасидан дилларимиз ёришди...» («Мироншоҳ Мирзо», 133-бет)

Виктор Гюго ва Лев Толстой сингари буюк адиблар тарихий романларининг мафтунлиги бўлган машҳур француз ёзувчиси Пьер Гамарра уларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, XX аср роман эпопеяси, умуман, шу жанр ҳақида мулоҳазалар юритар экан, шундай дейди: «Жуда мураккаб жанр... У ёзувчидан нафақат кенг кўламдаги тарихий ва ижтимоий билимларни мукамал билишни талаб қилади, балки уларни ўз ўрнида моҳирона ишлата олишни ҳам шарт қилиб қўяди... Борди-ю ёзувчи шунинг уддасидан чиқа олса, унинг асари ўлмас бўлиб қолади, келгуси авлодлар учун ҳам хизмат қилади...» (Пьер Гамарра. «Читая и перечитывая». М., 1985. Стр.12).

Бу сўзлар, том маънода Муҳаммад Алига ҳам тегишлидай туюлади. Адибимиз ҳақида ҳам, у тарихни синчиклаб ўрганиб, ўқиб-изланишдан эринмади, ўрганган билимларини эпопеяда моҳирона ишлата олди дейишимиз мумкин. Биз бу ҳақда ўз вақтида «Улуғ салтанат талқини» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2007 йил 6 апрел) номли мақоламизда ҳам фикр юритган эдик. Бу ерда профессор Акмал Саидовнинг «Улуғ салтанат» эпопеяси ҳақидаги қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш жоиз: «Мағрибу Машриқда асрлар давомиди, – деб ёзади олим «Улуғ аждодлар тараннуми» номли мақоласида. – Амир Темур ва темурийларга бағишланган минглаб китоблар битилган бўлса ҳам, лекин атоқли адибимиз Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» тетралогияси каби улкан кўламда асар, яъни Соҳибқирон бобомиз ва фарзандлари ҳақида тўртта китобдан иборат тарихий эпопея ҳали яратилмаганини эҳтиром ва эътироф билан таъкидлашга бурчлимиз» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2015 йил 9 январь).

Ҳар қандай асар савиясини белгилашда муҳим бўлган асосий компонентлар борки, уларнинг айримлари ҳақида тўхталиш зарур.

Шундай компонентлардан биринчиси, қаламга олинган давр руҳига кира олиш, тарихий колоритни кўрсата олиш масаласи. Айтиш керакки, муаллиф кўламдорлиги, эпик ҳаводорлиги, бадиий куввати, мавзунинг залворли ва мураккаблиги билан ажралиб турадиган бу роман-эпопеяда Соҳибқирон даври руҳини бера олишга эришган, XIV аср манзаралари, кишилари, урф-одатлари, яъни тарихий колоритни ўқувчи кўз олдида гавдалантиришга муваффақ бўлган.

Роман-эпопеяни рамзларга бой асар дейиш лозим. Баъзи мисолларни келтириб ўтайлик. Боғи Чинордаги, бири Соҳибқирон – ота, бири Жаҳонгир Мирзо – бола, деб таърифланган икки чинор, ота-бола чинорлар... Эсланг: «бола чинор» Жаҳонгир Мирзо вафотидан олдин қуриб қолади (биринчи китоб); бу нимага ишора? «Ота чинор» Соҳибқироннинг фалакка парвозидан аввал «бирдан касал тегиб, танаси ёрилиб-ёрилиб кетади, ичидан бор шираси оқиб чиқади...» (тўртинчи китоб). Бу-чи?.. Хулосани ўқувчининг ўзи чиқаради.

Яна, Амир Темур Жаҳонгир Мирзо туғилганда «Кўз тегмасин деб, ҳатто Ҳиротнинг Тайобод қишлоғига одам юбориб, пири шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободийдан калимаи шаҳодат ёзилган уч бурчак қора баҳмал тумор қилдириб келди ва ўғлига, бу туморни ҳамиша юрагингизга яқин ерга тақиб юрингиз, деб тайинлади». Жаҳонгир Мирзо вафот этганда, Хонзода хоним туморни чақалоқ Муҳаммад Султонга тақадди... Тўртинчи китобда, кутилмаганда валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон оламдан ўтганда, туморни тақиб унинг шаҳзода совутига чулғаниб олган рафиқаси Соғинч хонимга қолади...

Яна, Улуғ бобосига тухфа қилиш учун «Қуръони карим»ни китобат қилишга бел боғлаган валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон қизиқ манзарани кузатади. 23-сурани кўчирганда, ажабо, ўзи ҳам 23 ёшга кирибди, Рум забт этилганда эса «Рум сураси»ни кўчириб бўлибди... Йигирма етти ёшга тўлиб бетобланиб оламдан ўтганда, «Қуръони карим»нинг «Ал-Ҳааққа» номли 69-сурасини кўчириб улгурган экан холос... (тўртинчи китоб).

Яна, Соҳибқирон туш кўради... У оқ нарвондан кўтарила бошлайди. Нарвон 69-зинасига борганда тугайди ва кўздан ғойиб бўлади. Улуғ Амир бирдан набираси шаҳзода Муҳаммад Султон китобат қилмоқчи бўлган «Қуръони карим»нинг ҳам 69-сурада тўхтаганини эслайди. Бундоқ қараса, ўзи ҳам умр погоналарининг 69-сида турибди экан!.. (тўртинчи китоб). Буларнинг қандай ишоратлар эканини англаш ўқувчининг вазифаси бўлиб қолади.

Ёзувчининг қахрамон психологиясини очишдаги маҳорати ҳам эътиборга сазовор. Биргина мисол келтириб ўтайлик. Шибиргон ҳокими Зиндачашм Опардий отаси руҳини шод этиш учун Жузжон дарёси бўйида худойи (аслида катта зиёфат) уюштиради. Унда Абулмаолий Термизий, Амир Кайхусрав, Амир Мусо, Маҳмудшоҳ Бухорий каби ва бошқа Амир Темурнинг ашаддий муҳолифлари жам бўлишган. Зиндачашм Опардийнинг бундан пинҳона мақсади – Хуросон давлати тузиш режасини меҳмондорчилик баҳонасида пишитиб олишдан иборат. Аслида бундай фикр иштирокчиларнинг ҳар бирида яширин...

«Амир Мусо хаёлга чўмганча сойдаги бежирим ишланган чархпалакка термилиб ўлтирар, хаёлида амирларнинг ҳар бири билан хуфя гаплашиш йўлла-

рини кидирарди. Чархпалак дунёнинг тимсоли экани ҳақида у кўп эшитган. Ҳа, чархпалак – дунё, анови кўрачалар эса – дунёга ёпишиб олган одамлар. Ҳов ана, энг тепага чиққан кўрача офтобда ялтириб, ўзини олам-жаҳонга кўз-кўз қилмоқда, бу – Темурбек... Сувга шўнғиб тўлиб чиқиш илинжида туб-тубга ботиб ғойиб бўлиб кетган эскирган кўрача – Амир Мусо... У ҳам юксакларга чиқади, чиқажак!» («Жаҳонгир Мирзо». Т., 2014. 266-бет)

Даврада хурсандчилик, аъло кайфият ҳукмрон. Ҳаммининг руҳи тетик. Ёзувчи таърифни шундай давом эттиради: «Пастроқдаги улкан чархпалақдан ариққа сув куйиларди. Ариқ атрофига гулу райҳонлар экилган, шоҳи кўрпачалар тўшалиб, парқувлар куйилган супани айланиб ўтиб яна дарёга кўшилиб кетарди. Чархпалак кўрачалардан бир меъёрда ариққа куйилаётган сувнинг шовуллаши кишига хуш ёқарди» (юқоридаги китоб. 264-бет.). Сувнинг хуш ёқар даражада шовуллашига эътибор беринг.

Давра қизгин вақтида бирдан Амир Темурнинг бос-тириб келаётгани ҳақида даҳшатли хабар етгандан кейинги чархпалак тасвири: «...сукунатни майин титратиб турган чархпалақнинг айланиши секинлашгандай туюлди, кўрачалар ҳам илгаридай бир-бирига уланиб эмас, маънос, айри-айрича «шалоп... шалоп...» этиб товуш чиқарарди» (юқоридаги китоб. 274-бет). Бу тасвирлардан қахрамонлар руҳий ҳолатидаги эврилишларни изоҳсиз ҳам яхши англаб олиш мумкин.

Бадиий асарни асар қиладиган муҳим компонентлардан яна бири – тил. Муҳаммад Али асарларини мураккаб бўяб-бежаб ташлашни ёқтирмайди, содда тилда ёзишга ҳаракат қилади. Бу жуда яхши фазилат. Лекин айнан ўша содда тилда ёзиш эса осон эмас.

«Улуғ салтанат»ни яратишда муаллифнинг тилга катта аҳамият берганлиги кўриниб турибди. Асарда тарихий колоритни ҳам, давр руҳини ҳам, қахрамонлар образларини ҳам ёрқин чизиб бера оладиган восита – тил ҳисобланади. Муҳаммад Али ўзбек тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, ўз асарини ширали, жонли, ўз даври колоритини сақлаган ҳолда бой ва оҳанраболи тил билан ярата олган. Тилимизда мавжуд бўлган, аммо унутилаётган жуда кўп бўёқдор сўзларни асарига киритиб, қахрамонлар тилини ҳам, муаллиф тилини ҳам нафис ифода қилишга интилган. Қадимги туркий ҳарбий термин(истилоҳ)ларни жуда ўрнида ишлатганини алоҳида таъкидлаш керак. Асарнинг тили жуда бой, романнинг ёнгил ўқилиши ва ўқувчига ҳузур бағишлаши сабаби ҳам ана шунда.

Роман-эпопеянинг архитектоникаси ҳам ўзига хос. Ёзувчи ҳар бир китобнинг йигирма уч бобдан, ҳар бобнинг эса икки қисмдан иборат бўлишига қатъий амал қилади.

Жами 92 бобдан иборат улкан роман-эпопеянинг бадиий хусусиятлари ҳақида тўхталар эканмиз, қайта нашр қилинганда эътиборга олинса фойдадан холи бўлмас, деган умидда, айрим танқидий мулоҳазаларни ҳам билдириб ўтишни лозим топамиз.

Тарихий асарда баён, тафсилотлар бўлиши сабаби жанр табиатидан келиб чиқади, албатта. Баён ҳам керак, меъёр сақланиши жоиз. Олтин Ўрда, Дашти Қипчоқ, Оқ Ўрда, Кўк Ўрдalar тарихига бағишланган тафсилотлар (иккинчи китоб) ўқувчини зериктириб қўяди. Эрондаги музаффарийлар тарихи (учинчи ки-

тоб) ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Юқорида «Мироншоҳ Мирзо» романидан Хонзода хоним билан Сароймулкхоним мактублари ҳақида сўз юритдик. Хонзода хоним мактубида, афсуски, анахронизмга бир оз йўл қўйилганини айтиш жоиз. У қайта нашрда тузатилишига шубҳа йўқ. Кўпдан кўп тарихий фактлар, шахслар, воқеалар билан узлуксиз изланишлар олиб борган адабимиз назаридан битта-яримта саҳвлар ўтиши табиий ҳол. Бундай жузъий камчиликлар роман-эпопея қадр-қиммати раҳна соломмайди, лекин «Улуғ салтанат»дай мукамал асарда шундай жузъий камчиликлар ҳам, бўлмасин, деган тилагимиз бор.

Хулоса қилганда, «Улуғ салтанат» эпопеяси, биринчи тарафдан, Амир Темур мавзусида мураккаб ва ўта масъулиятли мавзуга бағишлангани, юкнинг эса чиндан ҳам залворли экани, иккинчи тарафдан, ўзбек адабиёти тарихидаги биринчи тетралогия – роман-эпопея бўлгани билан адабиётимизни ҳақли суратда бойитди. Оригиналлиги билан ажралиб турадиган бу асарнинг бадиий савияси юксак, уни адабиётимизнинг энг етук асарлари савияси даражасида, деб бемалол айта оламиз. «Улуғ салтанат» юқорида айтилган адабиётимиздаги кемтикликни тўлдирибгина қолмади, балки Амир Темур шахсияти ва замони мавзусига бутун ижод аҳли диққатини қаратишга эришди, миллат тарихида муҳим саналган мураккаб мавзуларга даядил ва жасорат билан ёндашиш намунасига айланди. У ҳақда Матёқуб Қўшжонов, Пиримқул Қодиров, Бегали Қосимов, Акмал Саидов, Шариф Юсупов, Темур Ширинов, Амриддин Бердимуродов, Насимхон Раҳмон ва бошқа етук адиблар, олимлар мақолалар ёзиб, асарга муносиб баҳо берганлари бежиз эмас.

Таниқли адабиётшунос олим, академик Бахтиёр Назаров «Улуғ салтанат» асари ҳақидаги «Юксак тарихий эътиқодга муносиб бадиий самара» мақоласида шундай сўзларни келтиради: «Муҳаммад Али ...улуғ салтанатнинг инсоният тамаддунида ўйнаган ролини бадиий гавдалантиришга бағишланган роман-эпопея яратиб, ўзбек адабиётида эпик жанрнинг том маънодаги тетралогия типига асос солди, бу масалада ўзбек адабиётининг янги босқичини бошлаб берди. Тўғри, бир неча ўн асарни ўзида мужассам этган «Гўрўғли» типидagi дostonларга, Алишер Навоийнинг «Хамса»си каби маҳобатли асарларга эга эдик. Уларнинг юксак ўз қадр-қиммати, ўз йўриғи бор. «Улуғ салтанат» эса миллат ва Ўрта Осиё халқлари тарихидаги улкан давр ва буюк тарихий шахс ҳамда сиймолар қиёфасини жаҳон адабиёти талаблари асосида реалистик акс эттирган роман-эпопея сифатида қимматлидир. У «Абай йўли» роман-эпопеясидаги (замон нисбатига кўра ундаги айрим нуқтаи назарлар ўзгарган бўлишига қарамай) илғор тажрибаларни ўзбек адабиёти миносида Ўрта Осиё ва умуман, Осиё адабиётида янги манзилга олиб чиқди...» (Муҳаммад Али. «Улуғ салтанат», «Шоҳрух Мирзо». Т., 2013. 507-бет).

Биз академик олимимиз билдирган мазкур фикрларга тўла қўшилаемиз ва заҳматкаш адабимизни ҳамда зукко ўқувчиларимизни шундай асар билан муборакбод этаемиз.

**Убайдулла УВАТОВ,**  
тарих фанлари доктори, профессор



*Шарқ халқларининг қадимий байрами бўлмиш Наврўз нафақат табиатдаги кун ва тун тенглигию уйғунлигидан дарак, балки борлиқнинг гўзал тусга кириб, олам аҳлига хуш кайфият ато этгувчи ва шу билан бирга, башариятни тинч-тотувликда, аҳилликда яшашга чорловчи юксак қадриятлардан биридир. Шу маънода бу баҳор айёми турли миллат ва элат вакиллари ўзаро аҳил бўлиб яшаб келаётган мамлакатимиз халқининг онгу шуурига сингиб кетган гўзал байрам ҳисобланади.*

## Bayram shukuhii

**Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, «Ўзбекистон – Италия» дўстлик жамияти ва «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида «Наврўз – шарқ халқларининг қадимий ва тарихий байрами» маъзусида байрам тадбири ўтказилди. Миллий маданият марказлари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда консерватория талабалари ижросидаги Наврўз, юртимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатлик, истиқлолнинг бебаҳо неъматлари тараннум этилган куй-кўшиқлар меҳмонлар олқишига сазовор бўлди. Байрам барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Иштирокчилар ҳайрат ва ҳаяжонларини биз билан ўртоқлашди.**

**Криста ПИККАТ, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:**

– Алишер Навоий номидаги миллий боғда бўлиб ўтган Наврўз байрами тантанаси таассуротлари бир олам. Ушбу ажойиб байрамда қатнашганимдан хурсандман. Энг эътиборлиси шундаки, юртингизда Наврўз байрами бир ойча давом этаркан. Бугунги тадбир ҳам шу байрамнинг узвий давоми бўлиб, барча миллатларни бир-бирига яқинлаштира-

диган, дўстлаштирадиган ажойиб кун бўлди. Бу яшариш, янгилашиш байрами мамлакатингиздаги барча гўшаларда бир-бирига уланиб кетаркан. Бу юртининг тарихи, маданий мероси шу қадар қадимий ва бойки, мен уларда маънавий қадриятларнинг ажойиб гулдастасини кўряпман.

**Антониетто ГОББИС, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети итальян тили ўқитувчиси:**

– Ўзбекистонга келганимдан буён бу ерда бўладиган барча байрамларда иштирок этаман. Масалан, Наврўз байрамининг гўзаллигидан ҳайратланаман. Наврўзда кўкларнинг жозибаси, жилоси бутун латофати билан акс этади. Ўзбек халқининг тарихий қадрият ва анъаналари, маданий мероси, маънавий олами нақадар бойлиги мана шу байрамда ҳам яққол намоён бўлади. Одамни лол қилувчи гўзал мусиқа ва рақсларни айтмайсизми? Мен ҳам беихтиёр рақсга туша бошлайман. Бугун Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, «Ўзбекистон – Италия» дўстлик жамияти ва «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган байрам кечаси менда ўзгача таассурот

қолдирди. Юртингиз санъатига мафтун бўлдим. Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан яна бир бор табриклайман.

**Азми АТАУЛЛОҲ, Афғонистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси муваққат ишлар вакили:**

– Уч йилдан бери Ўзбекистонда фаолият юритаётган бўлсам, бу давр мобайнида қатор байрамларда иштирок этдим. Айниқса, Наврўз байрамининг кўтаринки руҳда нишонланиши, ҳар ерда байрам тантана ва шодиёналари ҳукм суриши менга жуда ёқди. Баҳор келиши билан табиат ҳам ўзгача қиёфага киради. Бутун борлиқ ўзининг гўзаллиги ва латофатини намоён этиб, инсонларга хуш кайфият улашган бир дамда янги кун – Наврўз байрамининг нишонланиши кишини янги режа ва марралар сари етаклайди. Наврўз байрами Афғонистонда ҳам кенг нишонланади. Қолаверса, мазкур байрамнинг рамзий таомига айланган сумалакнинг тайёрланиш тартиби икки давлатда деярли бир хил. Бир сўз билан айтганда, ушбу байрамнинг мазмун-моҳияти муштарак қадриятларга асосланади.

**Наврўз эзгу қадриятлар бўй кўрсатадиган байрам. Унда ҳамма баҳор кўёшидек ёруғ чеҳра билан бир-бирини қутлайди. Ҳамма қадрдон, меҳрибон. Айниқса, у меҳмондўст, барча миллатлар аҳил яшайдиган бизнинг заминимизда янада кўтаринки кайфият билан нишонланади. Ушбу байрам тадбири халқимизга хос бўлган юксак меҳр, эътибор ва бағрикенгликнинг яна бир намунаси бўлди.**

**Шермурод СУБҲОН ёзиб олди**



# SIRKNING SEHRLI OLAMI



Цирк – санъат оламнинг энг мураккаб, энг гўзал, инсонни ўз жозибаси билан мафтун этувчи турларидан бири ҳисобланади. Цирк томошабин қалбини завқ ва шавққа тўлдириб, уни болаликка қайтарадиган, ҳайрат ва ҳаяжонга соладиган мўъжизакор маскандир.

Цирк артисти ўзига хос ҳаракатлари орқали инсоннинг чексиз имкониятларини намоиш этади. У ўз ақли, эпчиллиги, кучи ва жасурлиги, фавқуллодда нозик ҳамда сирли ҳаракатлари билан ўз тимсолида руҳан ва жисмонан баркамол инсоннинг умумлашган бадий образини яратди. Бугунги кунда ҳам «Ўзбек давлат цирки» Тошкент шаҳридаги энг гўзал масканлардан бири бўлиб, пойтахтликлар ва меҳмонларни ўз томошалари билан хушнуд этиб келмоқда.

Ўтган йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз – мустақиллик тантаналари арафасида давлатимиз раҳбари фармонига кўра, бир гуруҳ юртдошларимиз қатори «Ўзбек давлат цирки» бирлашмаси артистларидан Олеся Давлатова Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Салават Юнусов «Дўстлик» ордени, Валерий Галактионов ва Камила Ҳаметова «Шухрат» медали билан мукофотланди. Албатта, бундай юксак эътибор ижодкор қалбини тоғдай кўтариб, уни янада юксак чўққилар сари етаклайди.

– Ўзбек цирки томошалари фақат пойтахтимизда эмас, республикамизнинг турли гўшаларида ўз томошалари билан юртдошларимизни хурсанд қилиб келмоқда, – дейди «Ўзбекцирк» республика бирлашмаси бош директори Садриддин Қурбоннов. — Жорий йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекцирк» бирлашмаси ҳамкорлигида «Соғлом она ва бола» йили муносабати билан республика бўйлаб барча вилоятларга гастроль сафарлари уюштириш режасини туздиқ. Айни кунларда Бухоро вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида малакали цирк артистлари ўз дастурларини намоиш эта бошлади.

Таъкидлаш керакки, теледастурлар орқали намоиш этиладиган цирк томошалари ҳам болажонларнинг сеvimли кўрсатувларидан биридир. Ана шу мақсадда «Ўзбекцирк» бирлашмаси оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси каналлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Шунингдек, яқинда «Менинг юртим» нодавлат телеканали билан биргаликда «Юлдузлар циркда» шоу дастури намоиш этилди. Ҳозирда ушбу лойиҳанинг навбатдаги дастури устида қизгин иш жараёни кетмоқда.

Цирк усталари таъкидлаганидек, «Цирк – маҳорат, маҳорат – меҳнат ва фидойилиқдир»дир. Фақат изчил

изланишлар ва тинимсиз машқларгина цирк артистларининг маҳоратини оширади. Шундагина у томошабин, айниқса, болажонлар қалбидан жой олади.

## Феруза СОБИТОВА,

### «Ўзбекино» миллий агентлиги актрисаси:

– «Юлдузлар циркда» лойиҳасида иштирок этаётганимдан жуда хурсандман. Бу лойиҳада иштирок этиш биринчи навбатда биз санъаткор, актёр ва актрисалар учун жисмоний тарбия, фитнес бўлиб, пластикамизни сақлаб қолиш учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бадий лойиҳа ташаббускорларидан Нодира Низомова раҳбарлигида ҳамда маҳоратли бош тренер Александр Казаков кўрсатмалари асосида жиддий тайёргарлик ишлари олиб бораяпмиз. Ушбу лойиҳа, аввало, халқимиз, барча томошабинлар учун жуда қизиқарли деб ўйлайман. Айниқса, мухлислар телевизорда ёки концерт дастурида кўриб ўрганган санъаткорнинг циркда мураккаб трюкларни бажариши, масхарабоз бўлиб чиқиши, эртақдагидек ҳавода учиб юриши ёки шунга ўхшаш қизиқарли чиқишлари уларга янада ҳайрат ва завқ бағишлашига шубҳа йўқ.

Биринчи мавсумда телеканал бошловчиси Дилноза Саидованинг чиқишлари жуда ёқди. Мен ҳам ҳозир ҳаво машқларига тайёрланыпман. Аммо ҳали юрак ютиб чиқаманми, йўқми билмайман. Ҳаво ҳалқасида, ҳаво гимнастикасида чиқиш ниятим бор. Иккинчи мавсумда дугонам Жамила Ғафурованинг циркдаги намоишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Мен бу каби лойиҳаларнинг кўпайишини истардим. Ушбу лойиҳа ташки-



лотчиларига каттадан катта миннатдорчилик билдираман.

## Муҳаммадали ТОШТУРГУНОВ, кикбоксинг ва универсал жанг бўйича жаҳон чемпиони:

– Ушбу лойиҳада нафақат спорт устаси, балки киноактёр, хонанда сифатида ҳам қатнашяпман. Биласизми, бу мен учун жуда катта масъулият. Дастлабки «Юлдузлар циркда» кўрсатувини жуда катта қизиқиш билан томоша қилгандим. Шу боис мени ушбу лойиҳага таклиф қилишганда мамнуният билан рози бўлдим. Санъаткорларимизнинг чиқишларига қойил қолмай илож йўқ. Уларнинг ҳақиқий акробатларга хос трюкларини, турли гимнастик машқларини, қолаверса, бу мураккаб машқларни амалга оширишга бўлган истак ва шижоатларини кўриб, менда ҳам бир қатор дастурий намоишлар қилиш истаги пайдо бўлди.

Ҳозир акробатика йўналишидаги машғулотларда қатнашяпман.

Цирк санъати одамдан катта ирода, маҳорат билан бирга жасурлик ҳам талаб этади. Олдинги лойиҳаларда Азиз Ражабий, Зарина Низомиддинова, Гулчехра Жамилова каби дўстларимиз қатнашган эди. Кўриб қойил қолдим. Худди цирк мактабини ўтаган санъаткорлардек чиқишди. Оловли саҳнада Жамила Ғафурованинг иродасига тан бердим.

Азиз Ражабий ҳам ҳақиқий дорбозлардай трюкларни кўрсатди. Ҳозирда Наргиза Солмонова, Йигитали Мамажонов, Феруза Собитова ҳам биз билан бир гуруҳда иштирок этмоқда. Навбатдаги чиқишларимиз май ойида бўлади. Ҳозир ҳар куни уч-тўрт соат давомида машқ қиляпмиз. Спортчи бўлсам ҳам баъзи қийинчиликларга дуч келаяпман. Томошаларни маза қилиб кўрарканмиз-у, циркда ишлаш осон эмас экан.

## Мақсудбек СУБҲОН тайёрлади



Фарида АФРЎЗ



# Men shunchalar

## baxtliman...

\*\*\*

Бир ишқ бўлса, кўксингни тилсанг,  
Юрагинг кафтингда тутолсанг унга.  
Олиб кета олсанг, жон чиқар қадар,  
Ойга ўйиб берсанг исмини тунга.  
Бир ишқ бўлса, кўксингни тилсанг...

Бир тун бўлса, туганмас – Ялдо,  
Шеърлар битиб олсанг, бетўлғоқ, бесас,  
Сукунат куй чалса, куйласа масрур,  
Жимгина тингласанг, олмасдан нафас...  
Бир тун бўлса, туганмас, ялдо...

Бир оҳ бўлса, бир оташ нафас,  
Куйиб битса бари дарду аламинг.  
Най бўлиб чалинсанг қайта ва қайта,  
Оҳангга кўмилса дилхун оламинг.  
Бир оҳ бўлса, бир оташ нафас...

Бир сўз деса, яшагинг келса,  
Дунёни қайтадан кашф этсанг, ногоҳ.  
Бирдан одамлигинг эсингдан чиқса,  
Нурга сингиб кетсанг, топилса паноҳ...  
Бир сўз деса, яшагинг келса...

\*\*\*

Куриётган дарахтнинг шохларига гул битди,  
Қушлар келиб сайради, қоқ ёғочга тил битди,  
Сенсиз яшаб бўлмайди, сенсиз энди куним йўқ,  
Ҳар пўстлоғин қатига муҳаббатим дил битди.

Хаёлларинг шавқидан тўлиб-тошиб яшайман,  
Ўша мағрур бошингга бағрим босиб яшайман,  
Сенсиз яшаб бўлмайди, сенсиз энди куним йўқ,  
Келар йўлинг пойига жоним тўшаб яшайман.

Шамол елар бетиним, жимирлайди япроқлар,  
 Ёмғир ёққан сахродай, ҳузур қилар тупроқлар,  
 Сенсиз яшаб бўлмайди, сенсиз энди куним йўқ,  
 Минг бор оташ ўтида куйдиради титроқлар.

Энди сенинг бўйнингда билакларим гуллайди,  
 Сочларимга чирмашиб, гулпечаклар бўйлайди,  
 Сенсиз яшаб бўлмайди, сенсиз энди куним йўқ,  
 Бўлмайди, ҳей, бўлмайди, сенсиз яшаб бўлмайди!

\*\*\*

Хаёлларинг олиб кет, олисдаги ёр,  
 Тинчлик бермаяпти менга у сира.  
 Соғинчинг шамоли сочим тўзғитар,  
 Ифори бордим, райҳондан сўра.

Олиб кет, ўзинг-ла, ҳаяжонларинг,  
 Вужудим титратди зилзила мисол.  
 Ихтиёринг қолибди хиёбонимда,  
 Ортимдан эргашар жавобсиз савол.

Уйқумни бузади бир сирли товуш,  
 Кўнглинг куй чалади тунлари бедор.  
 Сендан ўтинаман, сенга илтижо,  
 Кетсанг, ўзингни ҳам олиб кетгин ёр.

\*\*\*

Мен шунчалар бахтлиман,  
 Ундан кўпроқ гуноҳкор.  
 Ором билмас саркашман,  
 Айбсизману айбдор.

Дилим дарё-тўғонли,  
 Осмоним бор бир бурда.  
 Умрим ёмғир, шамолли,  
 Тоғдай чўқар ҳар тунда.

Нима қилсам хатодай,  
 Бир қарасам уволман.  
 Сўроқларим жавобсиз,  
 Мен дунёга саволман.

Кўнгил билан ақлнинг,  
 Талошидан чарчадим.  
 Олтмиш йилим – олти кун,  
 Билмам, қандай яшадим.

# Butun olam yana boshdan yashnar endi

## Аёлга таъзим

Нозиккина масъум қалбинга  
 Жо бўлгандир уммон нафаси.  
 Қадринг билмай қайларга бордим,  
 Бахтим ўзинг экансан асли.

Кўнглинг гули очилмай туриб,  
 Оралабди сочларингга оқ.  
 Андуҳларинг яширма, эркам,  
 Сабабчиси ўзимман бироқ...

Сўзим эшит энди, азизам,  
 Қалбим ичра уйғонди бир аҳд  
 Ишон менга, гулга ўрайман,  
 Энди бизни тарк этмагай бахт.

## Баҳор келди

Қишни қувиб, мана, бугун баҳор келди,  
 Кўклам тонгин шаббодаси майин елди,  
 Бутун олам яна бошдан яшнар энди,  
 Кўнглим ичра қалдирғочдек ҳислар елди,  
 Юрагимда боғлар гуллаб, баҳор келди.

Қор тагидан бойчечаклар мўралашиб,  
 Боларилар бир-бирларин қувалашиб,  
 Турналар ҳам шошиб келди тоғлар ошиб,  
 Қиш совуғин қувиб яна шамол елди,  
 Булбулларга илҳом бўлиб баҳор келди.

Қозонларда тўлиб қайнар сумалаклар,  
 Осмон узра атлас ёяр камалаклар,  
 Фунчалар-ла шивирлашар капалаклар,  
 Момо қуёш этаклари нурга тўлди,  
 Баҳор келди, ўлкамизга баҳор келди.

**Жалолиддин ЭШҚУВВАТОВ**

## (Боши 22-23-бетларда)

Баҳром бу ҳолатга ўзича маъно берган киши бўлди.

– Ғўзалликка, э, йўк, юксакликка интиляпти у! – деди беихтиёр.

Сўнг туйғуга эрк берганидан ўнғайсизланиб, давра аҳлига хижолатомуз кўз ташлади. Ҳайтовур, жўралари баҳсга овора бўлиб, унга ҳеч ким эътибор бермабди. Шунга кўра, бу сафар йигитларга жиддий ва синчков боқди. Шавкат новча ҳафтадирки, устара кўрмаган иягини олдинга чўзганча, ўзича ниманидир исбот қилмоқчи бўлар, сумбат жиҳатдан унинг ғирт акси бўлган Боир бақалоқ деганлари, оғзидан тупук сачратиб, тинмай уни инкор этар, қолганлар эса узук-юлуқ гап-сўзлар билан баҳсга пишанг берарди.

Уларнинг вағир-вуғуридан толиққан Баҳромда ўша таниш бир истак – ариқчадаги сувнинг шўхчан шилдираши-ю дарахтдаги қушлар овозини, аниқроғи, тинчлик ва сокинлик шовурини тинглаш хоҳиши хуруж қила бошлади. Бироқ жўраларининг шовқинли гурунги бунга монелик қилавергач, у тагин гулхайри томон юзланди. «Юксаклик»ка интилаётган хонқизи энди катта гул апроғида ғимирлаб юрар, ярим очилган гул эса кенг оқиш қанотлари қора доғлар билан зийнатланган йирик капалак томонидан банд этилган ва боя парвозни эплаёлмай куйига шўнғиган «ношуд» хонқизи эса тагин оқорига интилмоқда эди.

Баҳром тўсатдан бир қалқиб тушди. Йўк, у «ношуд» хонқизининг тиришқоқлигидан эмас, аввалига сезмай, сўнг туйқусдан илғаган антиқа бир манзарадан қалқиди. Унинг бу қадар энтиқишига сабаб бўлган мўъжазгина манзара шундоққина гулхайри ортида яшнаб турарди. У мусаввирларга хос ҳассослик билан манзара асосини ташкил этган «детал»ларга – ариқ бўйидаги якка қирмизи атиргулга, худди унинг ёлғиз қолишини истамагандек, уни тевақуллаб ўсган бўлиқ отқулоқларга, улар ортидан шўхчан мўралаб турган сиёҳранг митти чечакларга, гўё аразлагандай, ариқдаги сувга бош эгиб турган оқиштоб куйиси қорамтир жажжи гуллар шодасига ва бошқа турдаги ёввойи ўт-уланларга ҳамда улар бошида парвона бўлаётган ари ва капалакларга бирма-бир боқаркан, уларда қудратли ҳаёт нафасини, ёввойи табиат тароватини теран ҳис этди. Сал наридаги кенг ва саранжом-сарийшта полиздан айро тушган, қуёш нуридан ранго-ранг тусда товланаётган кафтдек ердаги бу манзара зумда унинг ақл-ҳушини ўғирлаб кўйдди. Бунда нур ва соя бўртиб, ажиб бир тусда балқирди, яшарди ва яшнарди. У зумга кўзларини юмиб, енгил хўрсинганча, қайта очаркан яна бир ажойиб ҳолатни идрок этди: бу томондан туриб қаралганда, капалак ва хонқизини «кафт»ларида тутиб, оҳиста эркалаётган гулхайри ушбу манзара марказида акс этиб, яхлитлик, бир бутунликни ташкил этарди.

Баҳром одатига хос яна тафаккур қилди: «Бунда вақт яшаяпти!» Аммо тилида бутунлай ўзга хитоб жанглади:

– Ажойиб композиция!

Даврадагилар ялт этиб аввал унга, сўнг у жиддий тикилиб турган томонга қарашди. Табиий, ҳеч нарсани илғашмади.

– Бир нима дегандай бўлдингми, дўст? – деди Шавкат новча.

– Дўст фикр қилаяпти, – дея ҳиринглади Боир бақалоқ.

– И-и, нима, шаҳарда фикр қип чарчамадингми, жўра, маза қип, айшингни сўрсанг-чи, – Шавкат новча унинг елкасига дўстона қоқаркан, афтига донолик тусини бериб деди: – Дунёга бир келамиз, икки эмас... – Бунга ҳам қаноат этмай, кўрсаткич бармоғини унинг тумшугига нуқиди. – Бир... тушундингми?

Баҳром улфатчилик таомилига ҳамма қатори амал қилди. Сўнг гурунга қулоқ тутди. Шу орада дастурхонга қовурдоқ тортилиб, улфатчилик авжга чиқди. Баҳром, мезбон эмасми, қани, олинглар, дея бир бўлак этни оғзига соларкан, биродарларига зимдан кўз ташлайди, уларнинг бу қадар иштаҳаси зўрлигидан ажабланади. Ўзининг чимхўрлигидан ғаши келгандай, лагандан қўл тартади ва тагин қошидаги манзарага боқади, назарида, лаззатли таомга кўшиб, қимматли вақтини чайнаб ютаётгандек, дилгир тартади, сўнг яна ўзича тафаккур қилади: «Вақт кетаяпти, вақт ёнаяпти, ёниб кул бўлаяпти у!» Агар шу созда ялпайиб ўтираверса, ҳадемай, қуёш нури нари силжиб, манави мўъжаз манзарадан асар ҳам қолмайди, ўзга тус олади у.

Балки эртага худди шу вақтда?..

Йўк, эртага айни шу пайтда бугунги тўкин зиёфат Шавкат новчаникида давом этади. Ана, бир эмас, икита курка сўяман, хотиннинг нимаси кўп, куркаси кўп. Керак бўлса, тўрттасини қозонга тикаман, дея ҳалитдан оғиз кўпиртирмоқда. Аммо димланган курка этига оғзи тегишдан аввал у мақтанчоқ дўстининг камсукум аёлига рўпара бўлиши ва унинг дардини эшитишига тўғри келади. Аёл доимгидек кейинги пайтда эрининг меҳнатга ҳеч ҳуши йўқлигидан нолийди, ҳамма иш мен ва болаларимга қолиб кетаяпти, дея шикоят қилади, жўрангизни шу-у биргина уришиб кўйинг ўзингиз, дея унга умид кўзларини тикади. У эртанги машмашани ўйлаб, кўз қирида Шавкат новчага разм солади. У сўзлана-сўзлана, берилиб суяк кемирмоқда эди.

Йўк, у суякни эмас, ғафлат оғушида вақтни кемирмоқда!

Шу ўй миясига чақмоқ янглиғ урилиши ҳамон Баҳром илкис ўрнидан кўзгалди. Илдам бориб, эшик ёндоридаги мольбертни олиб, изига қайтди. Ва жўраларининг лолу ҳайрон нигоҳлари остида уни сўри ёнига ўрнатди. Сўнг унга мато тортилган рамкани маҳкамлади.

– Нима қилаяпсан? – деди охири сабри чидамай Шавкат новча.

Ортиқча изох беришни истамаган Баҳромнинг оғзига келгани шу бўлди:

– Суратларингни чизмоқчиман, эсдаликка.

У шундай дейиши биланоқ йигитлар, худди фотоаппарат қаршисида тургандай, дарров сергак тортишди, сўнг, беихтиёр, тараддудга тушиб қолишди: бири ёқасини тўғрилаган, кимдир лаб-лунжини обдон артган-суртган, бошқа бири дўпписини қоқиб-суқиб, қайта бошига кўндирган, баҳузур ёнбошлаб ётганлар ошиғич қаддини тиклаган, Боир бақалоққа ўхшаганлар эса эғнидаги ранги уникқан кўйлагига, киши билмас, норози боққан ва ичида аёлини бўралаб сўккан, мольбертга тескари ўтириб қолганлар, нари силжиб, унга юзланган.

– Тасаввур қилинглarki, мен йўқман, – деди Баҳром, даврани совутаяпсан, деган маънода ўзига норози боқиб турган Шавкат новчага эътибор бермасликка уриниб, – яъни мени йўқ санаб, бемалол гурунгда



давом этаверинглар. Чунки бу... зумда битадиган иш эмас, вақт ва сабр даркор. Агар менга имкон берсаларинг, маълум муддатга мени унутсаларинг, хайрлашув зиёфати, мана, мендан!

– Ия, қанақасига сени унутайлик! – деди Шавкат новча ошкора ғижиниб. – Ахир манову дастмоянгни нақ тумшуққа тираб қўйибсан-ку, яна қанақасига сени унутайлик. Яхшиси, йиғиштир бу ишингни! Эмасам, биз кетамиз!

Баҳромнинг бахтига даврада суратини чиздириш истагида бўлганлар кўпчилик экан, тезда жўрабошининг унини ўчиришди, ёқмаса кўзингни юмиб ўтир, дейишди, иззатингни билиб, теккина ўтир, дейишди, агар кетгинг келаётган бўлса, ҳеч ким сени тутиб тургани йўқ, ана, катта кўча, дейишди.

– Хай, мана, биз оғизга кишан урдик, – деди нафаси ичига тушган Шавкат новча кўкрак чўнтагидан уринган қарта дастанни чиқариб, ўртага ташларкан. Барибир, жўрабоши сифатида, отдан тушса-да, эгардан тушгиси келмай, Баҳромга юзланиб деди: – Балки эртанга қолдирарсан шу ишингни, а, жўражон?

– Йўқ, бу бугуннинг иши! – деди Баҳром бу сафар жиддий. – Чунки вақт ёнаяпти!

– Ҳа, кун ёнаяпти, – деди Боир бақалоқ елпинган киши бўлиб.

– Ҳа энди, ёзди куни шу-да, – деди кимдир бепарво.

– Унда мениям яхшилаб чиз! – деди охири мурасага келмоқдан ўзга чораси қолмаган Шавкат новча.

– Мениям, – деди Боир бақалоқ, ўзи билмаган ҳолда қайта ёқасини тўғрилаб.

– Ҳаммангни чизаман, фақат менга фурсат беринглар, – дея ёзғирди Баҳром ишга тутиниб. – Аммо олдин...

Бир муддатдан сўнг емак-ичмоқдан нафси қонган жўралар, чинданда Баҳромни унутиб, қарта ўйинига муккасидан кетишди.

Айни шу ҳолат Баҳромга жуда қўл келди. У ўз устaxonасида ёлғиздек ёхуд кимсасиз кенгликда танҳодек, фавқуллодда илҳом ва шиддат билан ишлай бошлади. Қўлидаги мўйқалам худди сеҳрлангандай, унинг амри ва шуурига итоат этар, хаёлини ўғирлаб, уни қаттиқ ҳаяжонга солган мўъжаз манзара полотно юзига жуда енгил кўчар ва бунга сари йигитнинг ғайрати жўшгандан-жўшиб борарди.

У суратни ўзи кутгандан кўра вақтлироқ тугатиб, роҳатланиб, енгил нафас олди-да, кўпда ҳаялламай яна ишга тутинди. Бу сафар мольбертга мато тортилган каттароқ рамкани маҳкамлаб, қўлига мўйқалам ўрнига қалам олди. Бир ондан сўнг қалам сирғалиб, махсус ишлов бериб оқартирилган юзада, дастлаб, Шавкат новчанинг иркит юзи, ғижим ёқаси, ўртадаги қарта устига камондек эгилган ориқ жуссаси акс этиб, салдан сўнг унинг қаватида Боир бақалоқнинг ялқовлиги ва қатъиятсизлиги аниқ сезилиб турган этдор афти жонланиб, бир оздан кейин тиззалари устига тўкилиб турган катта қорни намоеън бўлди. Қисқаси, сўридаги жўралар қай алфозда ўтирган бўлса, худди шу ҳолатда бирин-сирин оппоқ мато юзига кўча бошлади. Баҳромнинг нигоҳидан тўкин дастурхондаги, унинг таъбири билан айтганда, майда-чуйда деталлар ҳам четда қолмади, бари маълум бир маънода суратга муҳрланди.

Аммо орқа фонда, яъни кенглик адоғида ястаниб турган Ёмонқирнинг тасвирига келганда, аввалига

унинг эласгина шаклини бермоқчи бўлди. Сўнг бу фикридан воз кечиб, нелиги ноаён бўлган бўшлиқни тасвирлашга жазм қилди. Унинг режаси бўйича, суратда жўралари келбати ушбу маъносиз бўшлиқда маънисиз кўланкалар сифатида гавдаланиб, бўшлиқнинг туб қаъридан кўкка интилаётган уюрма – ғайритабиий бир ўкирик тимсоли акс этмоғи лозим эди.

Бу – куйиб кул бўлаётган вақт фарёди эди.

Оқшом олди суратни тевараклаган жўралар унда ўз аксларини кўриб, ўзларича шодланишди. Мени, йўқ, сени эмас, мени ўхшатиб чизибди, дея ёш болалардай бир майдон тортишишди, кейин эса Шавкат новчанинг ориқ жағи, Боир бақалоқнинг катта қорни устидан обдон кулишди ва Баҳромни тонг қолдириб, сурат қатига сингдирилган асосий маънони илғаш ва англашга бирортаси ҳам уринмади.

Сўнг бир четга авайлабгина суяб қўйилган манзарага уларнинг берган баҳоси шу бўлди.


– Ия, манову расмга ўхшатиб, нега бизни бўёқда чизмадинг?

– Йў-ўқ, қаламда чизганинг бизга ўтмайди.

– Ҳа, эртан бизни бўёқда чизмасанг бўлмайди...

Эртаси ҳамма йиғилса-да, Баҳромдан дарак бўлавермагач, Шавкат новчанинг ўзи дарвоза қоқиб келди. Ва унинг тонг саҳарда чиқиб кетиб ғойиб бўлганини эшитиб, лол туриб қолди. Сўнг совуқдан-совуқ бу хабарни тезроқ етказиш ўйида жўралари ҳузурига ошиқди.

Бу вақтда елкасига мольберт осган Баҳром оёқ остидаги тошларга сирғала-сирғала Ёмонқир бағрига энмоқда эди.



**(Боши 8-9-бетларда.)**

Дадам Абдуқодир акага бу ҳикояни бошқача, адабиёт-шунос сифатида чиройли қилиб айтиб берган эканлар.

Дадамнинг 12 жилдлик академик нашрларини босмага тайёрлаш асносида қўлёзмалар турли сиёҳларда ёзилганини кўриб, болалигимдаги ўчмас хотиралар қайта жонлангандек бўлди.

Дадам силлиқ ёзадиган қаламларда оппоқ қоғозга, хусни-хат билан ёзишни ёқтирар эдилар.

Аям дадам ёзган шеърлари сиёҳини ўнгитмай ангин ипакларда боғлаб, авайлаб сақлар эдилар.

Аяжоним қариган чоғларида баъзан набиралари исмини адаштирган пайтлар бўларди, лекин ҳаётларида дадам билан боғлиқ ҳодиса, воқеаларни ҳеч эсларидан чиқармас эдилар. Ҳатто дадам ёзган бирор қўлёзмани кўрсатсам, қачон, қаерда, нима мақсад билан ёзилганини дарҳол айтиб берардилар. Қолаверса, дадамнинг биринчи мухлислари аяжоним бўлганлар. У кишининг ёзган шеърларини биринчи эшитадиган ва унга холисанилло баҳо берадиган ҳам аям...

Сиёҳдонларга доим қора, қизил, баргранг, гунафша, кўк сиёҳлар солиб қўйилган бўларди. Кайфиятга қараб қайси рангда ёзилари келса, ўшанисида гўзал шеърлар ёзардилар:

*Сендаги у сиёҳ – йўқ, сиёҳ эмас,  
Қалбимда қайнаган қип-қизил қоним...*

ёки:

*Улуг жанг кунлари ёзар чоғида  
Мардларнинг қонидек дафтарга томдинг.  
Лаънати малъунлар номин ёзганда  
«Мен қора эмасман!» дедингу тондинг.*

Сиёҳ, сиёҳдонга бундан ортиқ баҳо бериб бўладими?! Дадам гўё сиёҳу сиёҳдон билан жонли мулоқот қилаётгандек...

Уйимизда баъзан Ҳабибий, Боний, Сайфий домлалар билан ҳам сиёҳ ҳақида суҳбатлар бўларди. Ана шундай суҳбатлардан бирида Хитойда гуруч куйигидан сиёҳ ясалиши ва бундай сиёҳда чизилган расмлар асрлар оша ранги ўчмай бизгача етиб келгани, шунингдек, қайсидир мамлакатда ўсимлик шарбатидан сиёҳ тайёрланишини эшитганман.

1950-60 йилларда сиёҳ тўлдириб ёзиладиган авторучка пайдо бўлгач, дадам ҳар бир янгиллигини олқишлаган ҳолда қаламнинг ҳам ўз ўрни борлигини ўқтиргандилар:

*Перо чизар чинни коса дарзидан ҳам ингичка  
Бу қаламда иқим севиб ёзаман ҳар сафар.*

*Бу қаламда ўз халқимнинг бахтин ёзаман фақат  
Ва бетимсол Ватанимнинг истиқбол нашидасин.*

Баъзан дадам мақола ёки ҳикояларини Шоаҳмад амаки, Порсоҳон домлаларга айтиб туриб ёздирардилар. Гоҳида ёш мухбирлар келиб «шеър, мақола ёзиб беринг, айтиб туринг, ёзиб оламиз», деб қисташарди. Уларнинг ёзувларини дадам ўқий олмасалар, ғашлари келиб «дўхтирларнинг дори ёзадиган хатига ўхшабди», дердилар. Ёки почтадан хат келсаю уни ўқий олмасалар, муаллифига ишора қилиб «ёзганини ўзи келиб ўқиб берса бўларкан», дердилар.

Дадамнинг тагин бир қизиқ одатлари бор эди: қоғозга сиёҳ томгудай бўлса, томчидан бирор парранда ёки одамнинг расмини чизардилар. Бундай расмлар одатда босма қоғозларга чизиларди. Мақсуд амакининг, ўзларининг ёки менинг сочим тўзиб турган ҳолатда чизилган сувратим, шунингдек, бир оёқли турнанинг тумшугида балиқ акс эттирилган суврати ҳозиргидек кўз олдимда турибди. Не афсуски, уларни ёшлик қилиб сақламаган эканман. Шуни ҳам айтишим кераки, дадам шеър ёзаётганларида баъзан хаёлга берилиб, қоғоз ҳошияларига суврат чизган ҳолатлар ҳам бўлган. Илҳом келмаган пайтларда эса хаёлни жамлаш учун

бўлса керак, қоғоз ҳошиясига бир кунда қилинган харажатларнинг ҳисоб-китобини қайд қилардилар.

Бир сўз билан айтганда, дадамнинг қоғозга бўлган яхши муносабатларини алоҳида таъкидлагим келади:

*Дўстим Муҳаррамга ошиқ кўз билан  
Бир умр термулдим, икковинг мумтоз.*

*Кўзимни оқидек мунча тозасан  
Садафдек кўксингга инжулар тизган  
Ошиқ шоирларнинг жон, жонисан.*

Қоғозни бундан ортиқ таърифлаш қийин бўлса керак. Дадам қоғознинг силлиқ, сиёҳ ёйилиб кетмайдиганини ёқтирардилар. Уйимизда Собир ака, Ҳабибий, Мунирхон домла, Қутбиддин эшонлар билан бўлган суҳбатларда қадим замонларда тош битиклар, дарахт пўстлоқлари, ҳайвон териси, фиръавнлар давридаги қамиш (папирус)лар қоғоз ўрнини босганини, шунингдек, неча минг йиллар илгари Хитой уламоси Қайлун қоғозни ихтиро қилгани ҳақидаги маълумотларни чой ташиб, узук-юлуқ эшитиб қолардим.

Бу суҳбатларда нафақат шеърят ёки мусиқа борасида, балки дунёвий илмлар хусусида ҳам сўз юритиларди.

Дадамнинг ғазал, баъз битиш учун мўлжалланган бир нечта қалин, муқоваси чармдан ясалган китоблари бўларди. Юз йилдан ортиқ давр илгари Қўқон қоғозидан тайёрланган бундай китобларнинг варақлари ҳарир, юпка, ялтироқ бўлиб, кўк, қизил чизиклар билан ҳошия тортилган эди. Чизиклар ўртасида тилла ҳаллар бор эди.

Мазкур қоғоздан тайёрланган китобларни аямнинг далалари Мирзо Хайруллахон аълам (бир муддат мингбоши, Қўқон қозиси бўлган эканлар) кўпгина нодир қўлёзма китоблар қатори дадам янги куёв бўлган пайтларида совға қилган эканлар.

Бувам Мирзо Хайруллахон алжабр, фалсафа илмидан хабардор бўлганлар. Ўша ўн еттинчи йиллардаги мураккаб даврларда уларини тинтув қилиб қимматбаҳо буюмлар билан биргаликда кўплаб ноёб китоблар ҳам олиб кетилган. Баъзилари ҳовлининг ўртасига олиб чиқиб, гулханда ёқиб юборилган.

Дадамнинг иш столлари тортмасида жуда кўп олий навли қоғозлар турарди. Дадам қоғоз исроф қилишни ёқтирмас, шеър, мақола, ҳикоя қораламаларини газета қоғозига ёзар эдилар. Шеър тайёр бўлгач, ўзлари ёки аям оққа кўчирадилар.

Қоғоз тақчил бўлган пайтларда уни нондек қадрлашгани ва худонинг номи ёзилгани сабабли ерга ташламаслик, оёқ билан босмаслик керак, деб бувим бизга кўп бор ўқтирардилар. Садафдек оппоқ қоғозларга расм чизгимиз келганда, кўпинча, аям дадамнинг қоғозларини аяб, бизга сарғиш кепакли газета қоғоз бериб:

– Чизиб ташлашингизга шуниси ҳам бўлаверади. Оқи данданнинг шеър ёзадиган қоғозлари, топилиши қийин, – дер эдилар.

Қалам, қоғоз, сиёҳ, сиёҳдон нақадар муқаддас ҳисобланишини, қолаверса, шеър ёзиш илоҳий мўъжиза, худо берган истеъдод эканини кейинроқ тушуниб етганман.

Аяжоним дадам шеър ёзишлари учун доим қулай шароит яратишга ҳаракат қилардилар. Ҳаракатлари зое кетмаганини яна бир мисрада:

*Мирза Абдулқодир уйғониб қолиб  
Қизил сиёҳдонда чиза бошлади.  
Фикримча, азизим Муҳаррамхоним  
Шеър ёзаётганим сеза бошлади.*

дея аямларга муҳаббатларини айтиб кўя қолганлар...

Бугун ўша болалик дамларида кечган воқеаларни қайд қилиб қўймаганимдан афсусдаман. Бироқ шундай бўлса-да, ёдимда қолган мўътабар ота-онам билан кечган ўша бахтиёр кунларни сизлар билан баҳам кўрмоқдаман. Қайтарилмас ўша азиз онларни кўз ўнгингизда гавдалантира олган бўлсам, ўзимни бахтиёр биламан.



# Келишкеллик



## Ehtiyotkorlik

Машина минмагanning мингани курсин экан. Илгари эшак миниб кўрмаган Саъдибек деган ошнаимиз иши юришиб, ўтган йили кузда «Нексия» русумли автомашина сотиб олди. Олгандаям қирмизи рангли, супер салонлисидан олди. Узини сен десаям, машинасини сизлаб, иложи борича минмайдиган, мингандаям ўйдим-чуқур йўллардан юрмайдиган, машина гардини бир кунда ўн марта ювиб-артишдан эринмайдиган бўлди. Ошнаимизнинг машинадан завқи тошиб юрган кунларида хотини Кимёхоннинг тоғаси эллик ёшли юбилейини нишонлайдиган бўлди.

– Юбилейга машинада борамиз! – деб Кимёхон оёқ тираб туриб олди. Саъдибек:

– Уринтирмай-суринтирмай, кўча машинасида обориб келаман, – десаям кўнмади.

– Яхши кунга яйраб минмайдиган машинани нимага олгансиз?! – деди Кимёхон энсаси қотиб. – Тавба қилдим, одам деганиям шунчалик қаттиқ бўладими?!

– Қаттиқлик эмас, бу – эҳтиёткорлик, – деди Саъдибек бўғилгудек бўлиб.

– Ресторандаги зиёфатга машинада, обрў билан бориб, еб-ичиб қайтишга эҳтиёткорликнинг нима дахли бор? Ё рулда борсам, ичолмайман, деяпсизми?

– Машина олгандан кейин ичишни ташлаб юборганимни биласан-у, – ранжиди Саъдибек. – Машинада боргандан кейин индамай кетолмайсан, битта-яримтани уйига ташлаб қўйишга тўғри келади, буёғи ортиқча бензин, машина уринади!

– Жа-а, шунчалик эҳтиёткор бўлсангиз, машинани ресторанга етмасдан бирорта «стоянка»га кўярсиз, – деди Кимёхон билимдонлик қилиб. – Зиёфатни ўтказиб чиқиб, машинага ўтириб, қайтамиз, тамом. Тунда Чилонзордан Қўйлиққа келишнинг ўзи бўлмас, таксиям анча сўраса керак?

Хотини такси харажатини эслатгандан кейин Саъдибек ноилож «Нексия»ни гараждан чиқарди. Улар ресторандан бир бекат беригади тўхташ жойига қайрилишди. Кичкина фанер будкадаги малла соч, ширакайф қоровул йигит тайинлаб қолди:

– Ака, биз соат ўн иккигача ишлаймиз. Машинани ўн бир яримда олиб кетасиз, бўптими?!

– Бўлди, тушундим, соат ўн бир яримда, шу ерда бўламыз! – деди Саъдибек.

Уларни ресторанга кираверишда юбилярнинг ўзи

Меҳмон ИСЛОМҚУЛ ўғли

қарши олиб, ёнида турган божасига:

– Боқивой, куёв билан жиянни яхши жойга ўтқазинлар, – деди.

– Бизга хизматлар бўлса... – деди Саъдибек қўлини кўксига қўйиб.

– Куёвга қандай хизмат бўлиши мумкин? Хизмат шу, ўтириб мацца қилиб, дам олиб кетсаларинг – биз хурсанд! Боқивой, меҳмонларга қаранг!

Боқивой олдинга тушиб, Саъдибек билан Кимёхонни ичкарига бошлади.

Тунги соат ўн бир, зиёфатнинг авжи ўта бошлаган, меҳмонларнинг яримидан кўпи кетган, қолганлар ҳам кетиш ҳаракатига тушган пайтда Саъдибек хотинини аста туртиб, кўлидаги соатига ишора қилди. Хотини «тушундим» дегандай бош силкиб, ўрндан туриб, тўрдаги столда ўтирган тоғасининг қаршисига бориб, энгашиб, кетишга изн сўради. Тоға атрофига аланглаб, чиқаверишда хушёр турган божасини ёнига имлаб, қулоғига нимадир деди. Божаси бош силкиб, шошилиб ташқарига юрди. Кимёхон эрининг ёнига бўшашиб келди.

– Тоғам божасига буларни уйига ташлаб қўй! – деди. – Чиқиб, сиз овора бўлманг, ўзимиз кетамиз, деб кўя қоламиз.

Эр-хотин ташқарига чиқишганида Боқивой «Мерседес»ини зина қаршисига қўйиб, орқа эшикни очиб турарди.

– Карета тайёр, почча! – деди у жилмайиб.

– Раҳмат, каретага ҳожат йўқ, сизни овора қимасдан, ўзимиз кетамиз, – деди Саъдибек.

– Ҳеч овораси йўқ, хурматингиз бор, – жилмайди йигит.

Саъдибек яна нимадир демоқчи эди, йигит уни қўлтиғидан олиб, мажбурлаб орқа ўриндиққа ўтқазди. Кимёхон ҳам бўшашиб, эрининг ёнига ўтириб олди.

Жойидан шитоб билан кўзғалган «Мерседес» зум ўтмай ҳали улар машинани қолдирган тўхташ майдони ёнидан шувиллаб ўта бошлади. Ҳали гавжум машиналардан бўшаб, хувиллаб қолган тўхташ майдонида ёлғиз тўқ-қизил рангли «Нексия» мунгайиб турарди. Эр-хотин ортда қолган машина кўздан йўқолгач, бараварига уҳ тортиб юборишди.

– Ҳожатбарор йигит ўнг қўли билан диск танлаб, қўшиқ кўяр экан:

– Божамиз куёв билан жиянни обориб, дарвозадан уйга киргазиб, қайтасан, деган. У киши айтганидан кейин бажармасак бўладими? – деди.

Салонда ҳофизнинг тингловчини сел қиладиган соҳир овози янгради.

Аммо бу овоз орқа ўриндиқда, Қўйлиқдан машина қолган жойга етиб келишни ўйлаб, ғужанак бўлиб ўтирган эр-хотиннинг қулоқларига кирмаётган эди...

# Онамнинг касаси

Ҳикоя

*Ҳар бир халқ ўз тарихи давомида жуда кўп мураккаб, оғир дамларни бошидан кечиради. Жумладан, корейс халқи ҳам бугунги юксак тараққиётга эришгунга қадар ўзига хос қийинчиликларни енгиб ўтган. Биз эътиборингизга ҳавола қилаётган ушбу ҳикоя ўқувчини ҳаётдаги мушкул дамларни эслаш баробарида бугунги ёруғ, фаровон кунларга шукрона айтиб, уни қадрлашга, асрашга ундайди.*

\*\*\*

Биз унча катта бўлмаган балиқчилар қишлоғида яшардик. Онам балиқ сотарди. У балиқни тутарди-да, қайиқнинг ўзидаёқ сота бошларди. Отам вафот этганидан сўнг онамиз биз олти ака-ука, опа-сингилни ёлғиз ўзи тарбиялади.

– Балиқдан олинг, арзон бераман. Яқиндагина тутганман. Ҳеч бўлмаса бир донагина олинг...

Бу онамнинг ҳар куни эртадан кечгача такрорлайдиган гапи эди. Ниҳоятда ҳаракатчан, тез-тез одимлайдиган, оғир меҳнатдан эзилиб, кичрайиб кетган, очликдан силласи қуриган онам бизга тушлик тайёрлаш учун уйга юриб эмас, югуриб келар, оғзимизга бир-икки қошиқ бўлса ҳам қайнатилган гуруч тутар ва яна ортига қайтиб кетарди.

– Илтимос, балиқ олинг. Бир донагина олинг, – деб онам харидорларга тинимсиз ёлворар, улар бўлса, «кейин, кейин» деганча қўл силтаб кетишарди.

Биз олти фарзанд онамизни оч-наҳор полапонлардек интизорлик билан кутардик. Баъзан савдо яхши бўлар, онам балиқ сотган пулига қоғоз халтада гуруч сотиб олар, шу куни унинг қадам товушлари ҳар кунгидан бошқача, худди учиб келаётганга ўхшарди.

Онам уйга кириши билан биз нима олиб келганига қизиқиб атрофида айлана бошлардик.

– О, ойижон бизга нималар олиб келдингиз? – деб қўлига ёпишардик.

Энг каттамыз ўн икки, кичкинамыз олти ёшда бўлиб, укаларимизни ўртага олиб, биз кичик халқа шаклида ўтириб олар, буғда пиширилган оппоқ гуручларни тезроқ тановвул қилиш ҳақида ўйлардик. Бироқ гуруч ҳаммамизнинг тўйиб ейишимизга етмасди. Шунинг учун ҳам кўпроқ ейиш учун қўлимизни тез-тез узатиб, шошиб, ҳовлиқиб қолардик.

– Оҳ, оҳ, бунчалар ширин бўлмаса!

– Секинроқ, менга ҳам қолдир, – деганча талашиб-тортишиб овқатланардик.

Дастурхон бошидаги бу манзара аянчли эди. Бир куни кутилмаган воқеа юз берди. Онам стол олдига келди-да, ўзининг косасини дастурхоннинг ўртасига қўйиб қўйди. Кичик укам буни кўриб яна гуруч ейиш мақсадида қошигини кўтариб югуриб келди.

– Ойи, ойижон, менга гуруч ейиш мумкин эмасми? Менинг яна егим келяпти.

– Мен ҳам ейман, мен ҳам...

Ҳар томондан болаларнинг жўр овозда бақириши хонани ларзага келтирди. Аммо онам косани сочиқ билан беркитиб қўйди.

– Буни ейиш мумкин эмас! – деди. Унинг овози жуда қатъий чиқди.

Биз қошиқларни стол устига қўйдик-да, хонадан чиқиб кетдик. Бироқ кичик укам қорни яхши тўймаганлиги учун, онам беркитган нарса нима эканини билиш учун стол тагига кириб, унинг оёқларини қаттиқ қимирлата бошлади. Шу пайт идиш ерга тушиб кетди. Унинг ичидаги буғда пиширилган гуруч ҳар томонга сочилди. Мен бу ҳолатни орадан 40 йил ўтса-да, бир дам бўлсин унутганим йўқ. Кичик укам:

– Бу нима, ойи? – деб бақириб юборди.

Онамнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Биз катта фарзандлар онам бу гуручни нега бизга бермай беркитиб қўйганининг сабабини жуда яхши англаган эдик. Ахир, бу бизнинг эртанги овқатимиз эди. Онам ўзи эмасдан, ўз тегишини ҳам бизга олиб қўйганди. Ўзи очнаҳор қолса-да, бизни боқиш учун тиним билмай ишлар эди у. Айни шу дам бирор марта онамиз биз билан бирга овқатланмаганини ўйладиму, ўкириб йиғлаб юбордим. Менга укаларим ҳам қўшилишди.

– Ойи, ойижон! – полапонлардек чирқилладик биз.

– Болаларим, болажонларим, мени кечиринглар! – онам ҳам йиғлаганча бизни бағрига босди.

Онамнинг қотма елкалари титраб, бизни қучганча ҳўнграб йиғлар экан, мен нималарнидир тушунгандай бўлдим. Аслида косадаги оддий гуруч эмасди. Идишнинг ичида фақат оналаргагина хос ирода ва меҳр бор эди.

Корейс тилидан  
Тўмарис АЪЗАМ таржимаси

# Ilm cho'qqisiga chiq

## HAVORANGMI, SAMORANG?

Hasanjonning dadasi  
Ranglar haqda so'zlaydi.  
Bola zehni, shuurin  
Boyitishni ko'zlaydi.  
«Movi bu – havorang», deb  
Tushdi qiyin ahvolga.  
«Axir havo rangsiz-ku»,  
O'g'il tutdi savolga.  
Buni kutmagan ota  
Kalovlandi, tutildi.  
«To'g'ri, moviy aslida –  
Samorang», deb qutuldi.

## DOIM SARISHTA YURING

Kunduzi o'ynab tinmay,  
Oqshom hatto yechinmay,  
Uxlab qoldi-ku Tolmas,  
Uyqu hech joy tanlamas.  
Tush ko'rdi alg'ov-dalg'ov:  
Dashtda quvarmish biron,  
Qocholmay tek yotarmish,  
Taniga cho'p botarmish.  
Tirnarmish mix, tikanak,  
Chaqirtoshu na'matak.  
U bosliqdi chunonam,  
Terlab-pishdi – yostiq nam.  
Birdan uyg'ondi cho'chib,  
Qo'l qaltirab, lab uchib.  
Har ne chiqdi tagidan,  
Tushgandi cho'ntagidan:  
Qand qog'ozu non ushoq,  
Danagu bodom po'choq.  
Chaynalgan kir-chir saqich,  
Siniq qalam, o'chirg'ich...  
Ey, suyukli bolalar,  
Qalbi pok, gul-lolalar.  
Doim sarishta yuring,  
Shirin-shirin tush ko'ring.

\*\*\*

Soat deydi: chiq-chiq,  
Yoshlarga yo'llar ochiq.  
Fursatni boy bermasdan  
Ilm cho'qqisiga chiq.

\*\*\*

Bolari der: zuv-zuv,  
Xos tabibman huv-huv.  
Har tong asalim yalab,  
Tandan darding quv-quv.

\*\*\*

Koptok deydi: to'p-to'p,  
Tepadigan ko'p-ko'p.  
Darvozaga kirsammi,  
Qiyqirishar ahil bo'p.

\*\*\*

Shabboda der: g'ir-g'ir,  
Bog' kezaman bir-bir.  
Usting yupun bo'lsa gar,  
Shamollamay uyga kir.

\*\*\*

Shamol deydi: g'uv-g'uv,  
Gul to'kaman duv-duv.  
Chang-to'zonim bosish-chun  
Qizlar, seping suv-suv.

Bahodir RAHIMOV





*Рақс жозибаси ва нафислиги билан бошқа санъат турларидан ажралиб туради. Раққоса хиром этар экан, унинг ҳар бир ҳаракати, сўзлаётган бармоқларию куйлаётган нигоҳлари диққатимиз марказида бўлади. Унинг ҳарир либоси гулга қўнмоқчи бўлган капалакни эслатади. Рақс мукамал чиқиши учун либос ҳам аҳамиятли эканига шубҳа йўқ. Шу мавзуда суҳбатлашиш учун Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси Инобат Имонқуловага мурожаат қилдик.*

## *Raqqosa libosiga duru garbar qadabdur...*

*Ўйнангиз дил яўратиб шўх, сарвиноз раққосалар,  
Хўб ярашгай сизга шодлик, сизга ноз, раққосалар...*

Жуманиёз ЖАББОРОВ

– Инобат опа, қўшиқ ёки куй мазмунининг раққоса либосида акс этиши қанчалик муҳим?

– Саҳна, рақс либоси – бутун бир образни кўрсатиб берувчи манба. Чунки ижро этилаётган қўшиқ либос билан ҳамоҳанг бўлмаса, мазмун ва образ тўлақонли очилмайди. Натижада уйғунлик бузилади. Сабаби саҳнанинг, ҳар бир рақснинг ўзига яраша талаби, маъноси мавжуд. Рақс орқали мусиқа мазмуни очиб берилади. Рақс орқали баён этилаётган фикрни либос, яъни раққосанинг ташки кўриниши тўлдириб, образнинг тўлақонли очилишини таъминлаб бера олиши жуда муҳим. Рақс либосларини тикувчи дизайнерлар, рақс санъатини нозик тушунадиган, унинг сир-асрорларини пухта ўзлаштирган бўлиши лозим.

– Маълум бир ҳудудга тегишли қўшиқлар ҳақида гаплашадиган бўлсак, таъкидлаш жоиз, ҳар бирининг ўзига хос либоси мавжуд. Масалан, «Лазги», «Сурхонча», «Анджон полькаси» каби куй-қў-

шиқлар учун тайёрланадиган либослар ҳақида гапириб берсангиз.

– Юртимизнинг жанубий ҳудудларидаги либослар ёрқин ранги билан кўзга дарҳол ташланади. Чунки воҳа юртимизнинг энг иссиқ қисми. Ёрқин рангларга мойиллик шундан бўлса, ажабмас. Водийни эса, яшил ўлка дейишлари бежиз эмас. Шунинг учун водийда рақс либосларини тайёрлашда ҳар бир рангдан нозик фойдаланилади. Айниқса, атлас, беқасам ва адрас матолари айнан рақс учун яратилгандек таассурот уйғотади. Хоразм «Лазги»си, Бухоро рақслари эса алоҳида мавзу. Чунки бу ҳудудлар рақс либосларининг ҳам ўзига хос, ёрқин, заррин, бири-бирини такрорламайдиган томонлари бор. Маълум ҳудудлардаги рақс либослари географик ўрни, иклими, тарихидан келиб чиққан ҳолда шаклланган. Либослардаги попул ва попоплар, кашталар, бош кийимлардаги жиға, пат, уқпар, шокималар миллий анъаналарнинг давомийлигидан далолат беради.

– Оммавий байрамлардаги

рақсларга либос тайёрлаш билан концерт учун либос тайёрлашнинг фарқли томонлари кўпроқ нима-ларда кўринади?

– Оммавий байрамларда, айниқса, Наврўз байрамида рақс либослари кўёш нурида товланиши учун махсус ранглардан фойдаланиб, либоснинг ҳар бир безагига алоҳида эътибор берилади. Байрам либосларида энг муҳими, томошабинга яққол кўринадиган бичим, янгилик яратиш масаласидир. Ўта кўпол бош кийим ва оғир матоли либослардан, тақинчоқлардан фойдаланилмайди. Бу саҳна ҳаракатларида қийинчилик тугдириши мумкин. Раққос ёки раққоса байрам дастурида қайта чиқиши ёки ўз чиқиши тугаса-да, оммавий саҳнада ўз ишини давом эттириши керак бўлади. Унинг либоси ҳаракатга ҳалақит бермаслиги керак. Концерт рақсларидаги либосларнинг фарқи шундаки, унда турли хил чироқлардан фойдаланилади. Рақс либосларига чироқ нури орқали ялтирайдиган махсус эффектлар қўйиш мумкин.

Ҳар қандай ҳолда ҳам ижро этиладиган кўшиқ ёки куй мазмуни биринчи ўринда туради.

– **Рақс либосларини тайёрлашда фақат миллийликка эътибор берасизми ёки баъзи ўринларда замонавий элементлардан ҳам фойдаланасизми?**

– Рақс либосларининг келиб чиқиши одамларнинг кундалик, тўй ва ёки турли маросимларда киядиган кийимларининг шакли, бичими, ранги, безаклари билан боғлиқ. Замонавийлик билан бачканаликнинг чегараси бўлиши шарт. Чунки бугунги кунда айрим замонавий либосларда бачканалик кузатиляпти. Масалан, атлас кўйлакнинг ўта калта ва қийшиқ бичилиши каби ҳолатларни эсланг. Баъзи бир дизайнерларимиз миллий либосларга, ҳаттоки, ёш болалар тўйининг тирсагига ямоқ кўйишмоқда, бу нотўғри иш. Худди эски кўйлакда саҳнага чиқаётгандай қуринади. Замонавий элементларни кўр-кўрона қўллаш тўғри эмас. Ғарб рақслари раққосанинг ҳаракатлари билан ифодаланади. Бизнинг миллий рақсларимизда эса ҳар бир элемент «сўзлаши» керак. Ҳатто, пойафзал ҳам. Ўзингиз ўйланг, ямоқ «Дилхирож»га нима беради?

– **XXI асрга келиб, ўзбек рақс кийимларида сезиларли равишда ўзгариш бўлаётганини кўриб турибмиз. Бунга муносабатингиз қандай?**

– Давр ўтар экан, либосларда ўзгариш бўлиши табиий. Инсонларда фикрлаш даражаси ўсиб боради ва бунинг натижасида либосга бўлган талаб ҳам ўзгаради. Нима учун Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова саҳналаштирган рақслар ўз ҳолича – на либос, на ҳаракатларда ўзгаришсиз намойиш этилади. Мукаммал, асл ишлар тарихда қолади. Улар ўзгармайди. Эфирларда клип билан рақсни аралаштириб юбориш натижасида рақс либослари ўзгариб кетяпти. Эронча ёки араб оҳангидаги мусиқага миллий каштачилигимиз асосида тикилган либосларни киритиш ўринли эмас. Бу нафақат мутахассисларга, балки оддий томошабинга ҳам сезилиб туради. Мен миллий либос элементларидан кечиш керак демоқчимасман. Ҳар бир иш малака, зеҳн, юксак дид талаб қилади. Шунинг учун тутиш зарур.

Саҳнада яхлитлик бўлиши учун режиссёр, балетмейстер, бастакор, рассом, либос рассоми биргаликда ишлаши керак. Ана шунда мукаммал санъат асари дунёга келади. Миллий

рақс ва хореография олий мактаби талабаларига махсус сценография ва костюм тарихи, халқ ижодиёти, заргарлик санъати фанлари ўқитилади. Ушбу дарслар орқали саҳнанинг қандай тузилганлиги, унинг тарихи, либосларнинг пайдо бўлиши пухта ўзлаштирилади. Ҳатто, кўшимча аксессуарларни қайси пайтда, қандай қўллашгача ўргатилади. Томошабин саҳнада ёки эфирда 3-4 дақиқа кўрадиган рақсни саҳналаштиришдан тортиб, либослар учун ойлаб изланамиз.

– **Фольклор кўшиқлар ижрочилари, раққосалари кийимлари борасида томошабинларда эътирозлар етарлича...**


– Фольклор либосларида аёл ва эркакка бир хил матодан кийим ишлаш ноўрин. Айниқса, ёрқин рангли ёки ипак матолар эркак ижрочиларга тўғри келавермайди. Эркак ва аёл либосини ўзаро уйғунлаштирувчи, яъни бир-бирига мослаштирувчи бир қанча элементлар мавжуд. Бироз изланса, ишланса, ҳаммаси кутилганидек бўлади. Фақат мутахассислар билан бамаслаҳат иш қилинса, кўркам ва кўзни қувнатадиган рақс либослари тайёр бўлади. Беқасам тўннинг чап енгини ечиб, белбоққа қистириб ёки чопонни шимариб рақс тушишнинг ўз маъноси бор. Ҳар бир рақс учун бу усулларни қўллавериш хато. Либос билан фольклорда ҳам, бошқа рақсларда ҳам маъно бузилишига йўл қўйиш мумкин.

– **Сухбат давомида тушундикки, рақс либоси чевари, дизайнери, албатта, санъатни чуқур тушундиган бўлиши шарт экан.**

– Бугунги кунда дизайнерларимиз шунақанги даражада илгарилаб кетишдики, нафақат юртимизда, балки жаҳон мода намойишларида миллий матоларимиздан тикилган замонавий либосларни олиб чиқиб, эътирофларга сазовор бўлишмоқда. Лекин саҳна либоси билан подиум либосининг катта фарқи бор. Чунки мода либослари мутахассислари ўзлари илгари сурган маълум бир мавзунини очиб беришади. Саҳна либоси тамомила бошқа масала. Саҳна либосида обр-раз яратиш муҳим. Юқорида таъкидлаганимиздек, рақс либоси рақснинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб яратилади. Саҳнанинг қонун-қоидалари мавжуд. Бу борада рақс учун либос тикадиган чевар-дизайнерларимиз маълум кўникмага эга бўлиши талаб этилади. Маъно, моҳиятга путур етдими, томошабиннинг олқишига эмас, маломатига қолиш мумкин.

Нигина ГҲЛОМОВА  
суҳбатлашди





**«O‘ZVINOSANOAT-XOLDING»  
kompaniyasi  
barcha yurtdoshlarimizni  
Navro‘z bayrami bilan  
tabriklaydi!**

Хизматлар лицензияланган

**МУАММОНОМА**

4	1	7	2	3	3	1	5	-
8	1	6	9	1	*	4	1	10
1	11	3	6	2	*	2	5	-
3	1	12	2	13	*	4	1	-
7	2	3	3	1	5	2	6	8.

**СКАНВОРД - МУАММОНОМА**

Жавобларни соат мили йўналишида ёзиш билан сканвордни ҳал этинг. Марказдаги рақамларни жавоблар ёзилган рақамли хоналардаги ҳарфлар билан алмаштиринг. Шунда машҳур фаранг луғатшуноси Пьер Буастнинг ҳикматли сўзларини билиб оласиз.

ЎТГАН СОНДАГИ «СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

МУАММОНОМА Калит сўзлар: 1. «Болажон». 2. Волида. 3. Ясли. 4. Дўстлик. 5. Хумо. 6. Боғ. 7. Хола.  
Ибратли сўз: «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади».

АЙЛАНМА КРОССВОРД Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Спорт. 2. Эртақ. 3. Эгизак. 4. Пархез. 5. Набира. 6. Аналик. 7. Чортоқ. 8. Фотима. 9. Мунчоқ. 10. Суянчи. 11. «Гулхан». 12. Сингил. 13. Сулола. 14. Футбол. 15. Ўғлон. 16. Боғча. 17. Ақиқа. 18. Ирсият. 19. Тарбия. 20. Баргак. 21. Мактаб. 22. Булоқи. 23. Шогирд. 24. Дастёр. 25. Теннис. 26. Инглиз. 27. Имтиёз. 28. Оқибат. 29. Чиллак. 30. Ахлоқ.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ



Alisher Navoiy va Husayn Boyqaro




Kamondan o'q otish

Ўзбекистон халқ рассоми, ёрқин истеъдод соҳиби Қутлуғ Башаров 1925 йилда таваллуд топди. Рассомлик билим юртини битиргач, мутахассислиги бўйича институтда таҳсил олди. Олий таълим муассасаларида кўп йиллар Графика кафедраси мудир лавозимида фаолият юритди. Серунум иш фаолияти давомида Қутлуғ Башаров ўзига хос графика мактабини яратди. Унинг ижодий




Shoirlar davrasida



Nodirabegim bog'da


# RANGLAR BILAN AYTILGAN QO'SHIQ



асарлари Ўзбекистон давлат санъат музейи ва бошқа қатор хорижий мамлакатлар галереялари ва коллекцияларидан ўрин олган. Қутлуғ Башаровнинг асарларини томоша қилган одам сокин кўшиқ тинглаётгандек ажиб туйғулар оғушида қолади. Улар гоҳо найдан «Чўли Ироқ», гоҳо танбурдан «Нола» бўлиб таралиб кўнгилга оқиб киради.

Ўзбекистон халқ рассоми Қутлуғ Башаровнинг самарали ижодий ютуқлари муносиб эътироф этилиб, 1994 йилда «Шухрат» медали, 1999 йил «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган. У 1997 йилда Ўзбекистон Бадиий Академияси аъзоси этиб сайланган. Истеъдодли рассом 2004 йилда вафот этди. Ҳозир унинг ижодий ишлари шоғирдлари томонидан давом эттирилмоқда.

Рўзимурод ЭСОНОВ тайёрлади



Nodirabegim ijod paytida



Nodirabegim

Xp 8200

ISSN 2091-5330

OBUNA DAVOM ETMOQDA

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.

